

ХУДОНИНГ ШИФОЛАШ ТАЪМИНОТИ

Худонинг кучи билан бўлган шифолаш хизматини
қабул қилиш ва шу хизматни олиб бориш.

А.Л. Гил ва Джойс Гил

Gill Ministries
www.gillministries.com

Uzbek Healing

Китоблар серияси:

Сано ва сажда

(Худога саждакор бўлиш)

Имонлининг ҳокимияти

Енгилишни тўхтатиш,

хамда енгишни бошлаш

Хизмат инъомлари

(Ҳаворий, пайғамбар, хушхабарчи, чўпон, ўқитувчи)

Хушхабар мўъжизаси

(Худонинг дунё учун бўлган режаси)

Янги ижоднинг сурати

(Масихда кимлигимизни билиш)

Худонинг шифолаш таъминоти

Худонинг кучи билан бўлган шифолаш хизматини қабул

қилиш ва шу хизматни олиб бориш.

Нотабий ҳаёт

(Муқаддас Рухнинг инъомлари ҳақида)

МУНДАРИЖА

| | | |
|---------|---|----|
| 1 Дарс | Кириш: Нима учун шифо муҳим? | 5 |
| 2 Дарс | Заифлик манбаи | 9 |
| 3 Дарс | Худонинг шифолаш таъминоти | 14 |
| 4 Дарс | Шифо – бизнинг сотиб олишимиздаги имтиёзимиз | 18 |
| 5 Дарс | Шифо – бизнинг нажотимиз ва имонимиздир | 22 |
| 6 Дарс | Исо Масих – Шифоловчи | 27 |
| 7 Дарс | Буюк топшириқ - шифони ўз ичига олади | 32 |
| 8 Дарс | Муқаддас Рух ва шифо | 37 |
| 9 Дарс | Шифолаш кучи | 42 |
| 10 Дарс | Қўл қўйиш орқали шифолаш | 47 |
| 11 Дарс | Сўзни эътироф этиш орқали шифоланиш | 52 |
| 12 Дарс | Сўзни эътироф этиш орқали шифоланиш (давоми | 58 |
| 13 Дарс | Худонинг Сўзига биноан ишлар қилиш орқали шифоланиш | 63 |
| 14 Дарс | Ибодат орқали шифоланиш | 67 |
| 15 Дарс | Мойлаш орқали шифоланиш | 72 |
| 16 Дарс | Шифоланишдаги тўсиқлар | 75 |
| 17 Дарс | Жоннинг шифоланиши | 80 |
| 18 Дарс | Шифо ва Муқаддас Рухнинг инъомлари | 85 |
| 19 Дарс | Шифомизни қандай сақлаб қолишимиз мумкин? | 91 |

1 Дарс

Кириш: Нима учун шифо муҳим?

КИРИШ

Исо ерда бўлганида, беморларни шифолаш Унинг хизматининг муҳим қисми эди. Ҳозирги даврда баъзи масиҳий лидерлар, жисмоний шифоланиш фақат олдинги замонда содир бўлар эди деб айтишади. Бу дарсда биз, шифоланиш ва соғлиқ бугунги кунда бизнинг ҳаётимиз ва хизматимиз учун бўлган Худонинг режасининг муҳим қисми эканини кўрамиз.

Шифоланиш бу Худонинг ваъдаларидан биридир. Агар уларга ишонсак ва улар билан ҳаракат қилсак, Худонинг ҳар қайси ваъдаси бизнинг ҳаётимизда Худонинг озодлик кучига айланади.

Ҳикматлар 4:22 Чунки у, уни топганлар учун ҳаёт ва бутун танаси учун соғлиқ бўлади.

Худонинг Сўзи - Худонинг ваъдаларига тўладир ва улар бизлар учун берилган. Бизларда шу ваъдаларни топиш, уларга ишониш, уларга биноан ҳаракат қилиш имконияти мавжуд.

Албатта, биз - Худонинг бизга берган бирор-бир ваъдасини инкор этишни истамаймиз. Ёзувда Худонинг шифолаш ваъдалари нима сабабдан муҳимлигининг бир неча сабабларини топамиз.

ШИФОЛАНИШ МУҲИМЛИГИНИНГ САБАБЛАРИ Худони мукамал билиш.

Худони мукамал билиш учун, Уни шифоловчи сифатида билиш керак

Чиқиш 15:26 “...Зеро, Мен Раббийман, сенинг Шифоловчингман”.

Агар биз, Худони Шифоловчимиз сифатида билмасак, биз У билан бўлган муносабатимизнинг асосий қисмини ўтказиб юборамиз.

Отанинг иродаси

Муқаддас Рух Юҳаннони шифолаш - Отанинг иродаси экани ҳақида ёзишга ва ҳикоя қилиб беришга руҳлантирди.

3Юҳанно 1:2 Маҳбубим, сенинг жонинг муваффақиятли бўлганидек, яна ҳар жихатдан муваффақиятли ва соғ-саломат бўлишингни тилайман.

Худовий шифоланиш, Отанинг иродаси эканини тушунишимиз жуда муҳимдир.

Исо учун муҳим

Шифолаш Исо учун муҳим эди, чунки У Отасининг иродасини амалга ошириш учун келган эди.

Ибронийларга 10:7 Ўшанда Мен дедим: Китобнинг бошида Мен ҳақда ёзилгандек, Худойим, Сенинг иродангни бажариш учун боряпман.

Шунингдек, Исонинг шундай сўзлари ёзилган:

“Мен Ўз иродамни эмас, балки Мени юборган Отамнинг иродасини бажариш учун осмондан тушдим”.

Исо одамларни даволаганида, Отасининг иродасини бажарар эди. Исо учун Отасининг иродасини бажариш муҳим эди.

Матто 9:35 Исо ҳамма шаҳар-қишлоқларда юриб, синагогаларда таълим бериб, Худонинг Шоҳлиги тўғрисидаги Хушxabарни воизлик қилар ва одамлардаги ҳар қандай касалликни, заифликни шифолар эди.

Муқаддас Рух учун
муҳимдир

Шифолаш Муқаддас Рух учун ва Унинг мойлашидан мақсадидан биридир.

Луқо 4:18 “Худованднинг Рухи Менинг устимда, чунки қашшоқларга хушxabарни эълон қилиш учун, дили эзилганларга шифо бериш, асирларга халос бўлишларини, кўзларга кўзлари очилишини воизлик қилиш учун, азоб чекканларни озодликка чиқариш учун, Худованднинг илтифот йилини воизлик қилиш учун У Мени мойлаб юборди”.

Шифолаш учун мойлади

Ҳаворийлар 10:38 Носира шаҳридан чиққан Исони Худо юборди. Худонинг Ўзи Исо билан бирга бўлгани учун, У Муқаддас Рух ва қудратга тўлган ҳолда эзгулик қилар, иблиснинг золим ҳукми остида қийналиб юрганларнинг ҳаммасини соғайтирар эди.

Исонинг хизматининг бир қисми

Шифолаш Исо хизматининг муҳим қисми эди.

Агар Янги Аҳдда Исога қарасак, У шифолаш хизматини кўплаб, турли вазиятларда олиб борганини кўрамиз. Унинг беморларга ачингани ошкор кўринади.

Матто 8:14-16 Исо унинг уйига келганида, унинг қайнонаси иситмалаб ётганини кўрди. Исо унинг қўлига тегиши билан иситмаси тушди. Аёл эса туриб Унга хизмат қила бошлади. Кеч кириши билан, жинга чалинган бир талай кишини Исонинг олдига келтиришди. У сўз билан ёмон руҳларни қувиб чиқарди, дардга йўлиққанларнинг ҳаммасини соғайтирди.

Шогирдларни ўргатиш қисми

Шифолаш, Исо шогирдлари ва издошларига берадиган таълимотининг ва хизматининг муҳим қисми эди.

Исо беморларни шифолаб юрганида, ўн иккита шогирдларини ҳам шу

нарсани қилишга ўргатар эди.

Матто 10:1,7,8 “Исо Ўзининг ўн икки шогирдини ёнига чақириб, одамлардан ёвуз рухларни қувиб чиқариш, ҳар қандай касаллик ва заифликни соғайтириш учун уларга қудрат ато этди. Йўлингиз қайга тушмасин, элга: “Осмон Шохлиги яқинлаб қолди”, - деб, эълон қилинглари. Хасталарни соғайтиринглари, моховларни пок қилинглари, ўликларни тирилтиринглари, жинларни қувиб чиқаринглари. Текин олдингизлар, текин беринглари”, - деди.

Исо барча имонлиларнинг касалларни шифолашларини истар эди. У етмишта бошқа шогирдларини юбораётганида, уларга беморларни шифолашни ўргатган эди.

Луқо 10:1,9 Шундан сўнг Раббий бошқа етмиш шогирдни ҳам танлаб, Ўзи боришни истаган ҳар бир шаҳарга ва ҳар бир жойга, Ўзидан олдин икки кишидан юборди. Ўша ердаги касалларга шифо бериб, уларга: “Худонинг Шохлиги сизларга яқинлашди, деб айтинглари”, - деди.

Исо қилган ишларни қилиш

Агар бизга ҳақиқатдан ҳам Исонинг ишларини қилиш керак бўлса, касалларни шифолаш биз учун муҳимдир.

Юҳанно 14:12 Сизларга ростини айтайин: Менга ишонган киши Мен қилаётган ишларни ўзи қилади ва ҳатто бундан кўпрогини ҳам қилади. Зеро Мен Отамнинг олдида кетяпман.

Бизнинг Раббимиз ва Нажоткоримиз Исо Масих, бизлар мўъжизалар яратишимизни ва У каби шифолашимизни айтяпти.

Агар биз кўнувчан бўлишни истасак, шифолаш хизмати биз учун муҳим бўлиши керак.

Ҳаётларни қутқара олади!

Шифо сизнинг ҳаётингизни, оила аъзоларингизни ва дўстларингиз ҳаётини қутқара олади.

Танамизнинг шифоланиши - бизлар ўлмаслигимиз учун, Довуддек узок яшаб, соғлом бўлишимиз учун Худонинг режасидир.

Ёқуб 5:14–15 Агар сизлардан бирор киши касал булган бўлса, у Жамоат хизматкорларини чақирсин. Улар эса Раббий номидан уни мой билан мойлаб, у учун ибодат қилишсин. Шунда имон ибодати касални шифолайди Раббий уни қайта тиклайди. Агар у гуноҳ қилган бўлса, унинг гуноҳлари кечирилади.

Худонинг Сўзидаги шифолаш ҳақидаги ваҳий, кўпларни бевақт ўлимдан сақлаб қолди.

Санно 117:17 “Ўлмаيمان, аммо яшайман ва Раббийнинг ишларини эълон қиламан”.

Исо беҳуда қийналганми?

Агар биз шифо хизматини олиб бормасак, Исо танасида чеккан азоблари беҳуда бўлади.

Ишаъё 53:5 “Аmmo У бизнинг гуноҳларимиз учун яраланган эди ва бизнинг қонунсизлигимиз учун қийналган эди; бизнинг дунёмизнинг жазоси Унинг бошида эди ва Унинг яралари билан биз шифо топдик”.

Галатияликларга 2:21 Мен Худонинг иноятини рад қилмайман. Агарда оқланиш Қонун орқали бўлса, унда Масих беҳудага ўлган.

Буюк топшириқнинг бир қисми

Беморларга қўл қўйиш ва шифо хизматини олиб бориш, Исо барча имонлиларга қолдирган буюк топшириқнинг муҳим қисмидир.

Исо айтган:

Юҳанно 14:15 Агар Мени севсанглар, Менинг амрларимни бажарасизлар.

Марк 16:15-18 Исо шогирдларига деди: “Бутун жаҳон бўйлаб юринглар ва ҳамма тирик жонга Инжил Хушхабарини тарғиб қилинглар. Ким ишониб, сувда имон келтирса, нажот топади. Ишонмаган эса маҳкум бўлади. Қуйидаги аломатлар имонлиларга хамроҳ бўлади: Менинг номим билан жинларни қувиб чиқарадилар. Янги тилларда сўзлайдилар. Қўлларига илон олиб кўтарсалар ёки ҳалокатли бирон нарса ичсалар ҳам, уларга зарар етмайди. Беморларга қўлларини қўйганда, улар соғайиб кетадилар.

Худонинг Сўзини тасдиқлайди

Шифолаш Худо учун муҳимдир. Чунки шифо Худо учун - адашган ва ҳалок бўлаётган ушбу дунёга айтган Сўзини тасдиқлаш воситасидир.

Марк 16:20 Шогирдлар эса кетиб, ҳамма ёқда воизлик қилиб юрдилар. Раббимиз уларга кўмаклашар ва пайдо қилган мўъжизалар орқали Ўз каломини тасдиқлар эди.

Дунё бугун Исога муҳтож. Худо бизга Унинг Сўзини тасдиқловчи аломатлар билан боришимизни буюрди. Жинларни қувилиши ва касалларнинг шифоланиши, одамларга Хушхабардаги ҳақиқатни кўришга ёрдам беради. Сиз Худога бўйсунингиз ва имонли сифатида қўлингизни чўзиб, касалларни шифолашингиз керак.

Саволлар:

1. Худони Шифоловчи эканини билмасдан туриб, Уни мукамал билиш мумкинми?
2. Худо нима сабабдан сизнинг шифони қабул қилишингизни ва тўлиқ соғлом бўлишингизни истайди?
3. Худо нима сабабдан сизни бошқаларга шифолаш билан хизмат қилишингизни истайди?

2 Дарс

Заифлик манбаи

Кириш

Заифлик муаммосига қарши қандай курашишни билиш учун, бизларда унинг келиб чиқиши, манбаи ва мақсади ҳақида аниқ тушунча бўлиши керак. Заифлик Худоданми ёки шайтонданми? Бу масалада шубҳамиз бўлганида, бизлар шубҳаланиш, ишонмаслик ва енгилиш ҳолатида бўламиз.

КАСАЛЛИККА ДОИР МУҲИМ САВОЛЛАР

Ҳақиқат!

Заифлик қаердан келади?

Бу - бизлар жавоб топишимиз керак бўлган саволдир. Ҳар қандай саволга жавоб беришнинг аъло йўли – Худонинг китоби, Библияга мурожаат қилишдир. Худонинг жавоби - одамларни заифлик ва касалликлардан озод қилади. Исо шундай деди:

Юҳанно 8:32 Сизлар ҳақиқатни билиб оласизлар, ҳақиқат эса сизларни озод қилади.

У яна шундай деди:

Юҳанно 14:6 Мен йўл, ҳақиқат ва ҳаётдирман. Менсиз ҳеч ким Отанинг олдига боролмайди.

Заифлик Худо барча нарсани эзгуликка айлантирадиган усулларидадан бирими?

Ҳозирги оятни кўпинча ёддан айтишади. Баъзилар ушбу оятни ўқишганда, заифлик бизнинг эзгулигимизга хизмат қиладиган “барча” нарсанинг қисми деб ўйлашади.

Римликларга 8:28 Шунинг биланмики, Худони севганларга, Унинг мурод-мақсади бўйича даъват қилинганларга, ҳамма нарса биргаликда яхшиликка хизмат қилади.

У учун азобланиш

Заифлик, “У учун азобланишимиз керак” лигининг йўлларидадан бирими?

Филиппиликларга 1:12-14,29 Биродарлар, шунинг билишингизни истайманки, мен билан содир бўлган ҳодисалар Хушхабарнинг янада кенгроқ тарқалишига хизмат қилди. Шу тариқа, менинг Масих учун кишанбанд бўлганлигим бутун сарой аҳлига ва бошқаларнинг барчасига ҳам маълум бўлди. Раббийдаги биродарларимизнинг кўпчилиги менинг кишанбандлигимдан дадилланиб, янада жасорат билан, кўрқувсиз, Худонинг Сўзини воизлик қила бошладилар. Чунки сизларга Масих ҳақи Унга ишонишгина эмас, балки У учун азоб чекиш ҳам берилган.

Бу оятни нотўғри тушинмаслигимиз учун матнни тўлиқ ўқишимиз керак. Бу вазиятда Повул зиндонда ўтирибди ва ўзи Хушхабар учун чеккан азоблари ҳақида, Филипидаги имонлилар ҳам Хушхабар учун чеккан азоблари ҳақида ёзаяпти. Повул айтаётган азоблар, Исо Масихга ишонувчиларга қаршилик қилувчилар туфайли содир бўлаётгани ҳақида эканлиги равшандир. Ушбу азоблар билан заифлик ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқ.

Худонинг иродасими?

Худо бизларни касал бўлишимизни истайдими?
Худо бизларни соғлом бўлишимизни истайди.

3Юҳанно 1:2 Маҳбубим, сенинг жонинг муваффақиятли бўлганидек, яна ҳар жиҳатдан муваффақиятли ва соғ-саломат бўлишингни тилайман.

Тартиб учунми?

Худо одамларни тўғирлаш учун, тартибга солиш ёки уларни жазолаш учун заифлик берадими?

Худо эмас, балки шайтон одамларга заифликлар ва касалликлар юборади.

Аюб 2:7 Шунда шайтон Раббийнинг олдидан кетди ва Аюбни, унинг оёғининг пошнасидан тортиб, бошининг тепасигача мохов қилди.

ХУДО ЗАИФЛИККА ҚАНДАЙ ҚАРАЙДИ?

Йўқотиш

Қадимги Аҳд заифликни - йўқотиш деб атайди.

Аюб 42:10 Аюб дўстлари учун ибодат қилаётган вақтда, Раббий унинг жудо бўлган ҳамма нарсасини қайтариб берди; Раббий унга, у олдин нималарга эга бўлган бўлса, икки баробар кўпроқ қилиб берди.

Қуллик

Исо заифликни қуллик деб атайди.

Луқо 13:16 Ўн саккиз йилдан бери шайтон боғлаб қўйган, Иброҳимнинг қизи бўлган бу аёлни шаббат куни кишанлардан озод қилиш керак эмасми?

➤ Бу аёлнинг ўн саккиз йил давомида, уни ногирон қилган вабукиб қўйиб, тўғри тик туришига йўл қўймайдиган касаллиги бор эди.

➤ Исо шайтон аёлни қул қилиш учун юборган манбаъ: “руҳ” га қарши борди. (11 оят)

➤ Исо унга қўлини қўйди ва заифлик руҳини қувиб чиқарди: “Эй аёл, дардингдан халос бўляпсан.”(12 оят)

Шайтоннинг ҳокимиятида

Библия заифликда бўлишни - шайтоннинг ҳокимиятида бўлиш деб атайди.

Хаворийлар 10:38 Носира шахридан чиққан Исони, Худо юборди. Худонинг Ўзи Исо билан бирга бўлгани учун, У Муқаддас Рух ва қудратга тўлган ҳолда эзгулик қилар, иблиснинг золим ҳукми остида қийналиб юрганларнинг ҳаммасини соғайтирар эди.

➤ Заифлик Худодан эмас, шайтондан келади.

➤ Исонинг хизмати: “азоб чекканларни озодликка чиқариш” эди.

Ишаъё 58:6 ... азоб чекканларни озодликка чиқар ...

ИСО АСИРЛАРНИ ОЗОД ЭТАДИ

Озод бўлиш!

Барча қулликлар, шунингдек, заифлик ва хасталик қуллиги ҳам, ҳеч қачон Худонинг иродаси бўлиши мумкин эмас! Исо “азоб чекканларни озод қилиш” учун, Муқаддас Рух билан мойланган эди.

Луқо 4:18 “Худованднинг Рухи Менинг устимда, чунки қашшоқларга хушахабарни эълон қилиш учун, дили эзилганларга шифо бериш, асирларга халос бўлишларини, кўзларга кўзлари очилишини воизлик қилиш учун, азоб чекканларни озодликка чиқариш учун, Худованднинг илтифот йилини воизлик қилиш учун У Мени мойлаб юборди”.

Озодлик!

Ишаъё Исонинг хизмати ҳақида, У азоб чекканларни озод қилиши ҳақида башорат қилган.

Ишаъё 58:6 Мен танлаган рўза мана будир: ноҳақлик кишанларини очгин, бўйинтуруқ занжирларини ечгин, қийналганларни озодликка қўйиб юбор ва ҳар қандай бўйинтуруқни узиб ташлагин.

Ҳақиқат!

Исони ва Унинг ҳақиқатини билиш - қулликдан озод бўлиши демакдир.

Юҳанно 8:32 Сизлар ҳақиқатни билиб оласизлар ва ҳақиқат сизларни озод қилади.

Юҳанно 14:6 Мен йўл, ҳақиқат ва ҳаётдирман. Менсиз ҳеч ким Отанинг олдига боролмайди.

Манбаъни кўриб чиқинг

Агар яна иккита масалани кўриб чиқсак касалликнинг илдизини тушунишимиз мумкин:

➤ Хасталик Худога шараф олиб келадими?

➤ Хасталик бараками ёки лаънатми?

КАСАЛЛИК (ХАСТАЛИК) ШАЙТОНДАН

Шайтондан

Шайтон ва унинг фаришталари, улар самода исён қилганларидан сўнг ерга йикитилган эдилар. Бизлар бу ҳақида, Ваҳий 12:7-10 да ўқиймиз.

Ваҳий 12:7-9 Осмонда жанг бўлди. Микоил ва унинг фаришталари аждаҳога қарши уришдилар. Аждаҳо ҳам ўзининг фаришталари билан урушга тушди. Аммо аждаҳо ғолиб келмади. Осмонда уларга бошқа жой қолмади. Улкан аждаҳо - иблис ва шайтон деб аталган, бутун дунёни алдаб йўлдан оздираётган, ўша алмисоқ илон ўз фаришталари билан бирга ер юзига отилди. Ўшанда самодан баланд овоз билан айтилган бу сўзларни эшитдим: “Энди Худо-йимиз Нажоткорлиги, қудрати, салтанати, ҳамда Унинг Масихи ҳукмронлиги ўрнатилди. Энди биродарларимизнинг тухматчиси, Худойимиз ҳузурда уларга кеча-кундуз тухмат қилаётган ташқарига отилди”.

Инсон Худонинг сурати

Шайтон йикитилгандан сўнг, Худо инсонни Ўз сурати бўйича яратди. Инсон дунё устидан ҳокимлик қилиш учун яратилган эди.

Ибтидо 1:26,28 Яна Худо: “Ўз суратимизга кўра, Ўзимизга ўхшаш одамни яратайлик. У денгиздаги балиқлар, кўк юзидаги паррандалар, чорвалар, ҳа, бутун ер юзи ва ерда ҳаракат қилувчи барча махлуқот устидан ҳокимлик қилсин”, - деди. Худо одамларни муборак қилиб, уларга: “Баракали бўлинглар, кўпайинглар. Ер юзини тўлғазиб тобе қилинглар. Денгиздаги балиқлар, кўк юзидаги паррандалар ҳамда ер юзида ҳаракатланувчи барча ҳайвонлар устидан ҳоким бўлинглар” - деди.

Инсон :

- Худога ўхшаш учун
- Худодек яшаш учун
- Худодек гапириш учун
- ва дунё устидан ҳокимлик қилиш учун яратилган эди.

Нима сабабдан шайтон мендан нафратланади?

Ўзингизни шайтоннинг ўрнига қўйиб кўринг. Самодаги энг юқори жойдан энг кичкина сайёрага, ерга ҳайдаб юборилгансиз. Худога бўлган бор нафратингиз билан Худо Ўзига ўхшаш қилиб инсоний мавжудотларни яратаётганини кўришга мажбурсиз. Ҳар доим инсонни кўрганингизда, у, сиз нафратландиган Шахсни - Худони эслатади.

Шайтон инсонни Худога ўхшашини ва Ундек ҳаракат қилишини кўриб, бор нафратини инсонга қарши йўналтирди. У нафратини “ўғирлаш, ўлдириш ва ҳалок қилиш” орқали кўрсатишни бошлади.

Юҳанно 10:10 Ўғри фақат ўғирлаш учун, ўлдириш ва ҳалок қилиш учун келади.

Инсон шайтоннинг қурбонидек

Йўқотиш, ўлим ва вайроналар шайтоннинг ишидир. Инсон тўрт минг йил давомида, Адан боғидан қувилганидан сўнг, шайтоннинг азоби остида, қулликда ва асирликда яшар эди.

➤ Ҳокимлик қилиш учун яратилган инсоний мавжудотлар - ногирон ва кўр қилиндилар, кўчаларнинг четларида ўтириб, тиланчилик қилишни бошладилар.

➤ Ўзининг эри билан яшаш учун яратилган аёл - соғлиғидан маҳрум қилиниб, азобга ва ноумидликка бўйсундирилган эди.

➤ Худодек кўриниш учун(Худонинг сурати бўйича) яратилган эркак ва аёлларнинг таналари, юзларининг чизгилари – моховдан ўйилган эди.

**БАРЧА КАСАЛЛИК ВА ЗАИФЛИКНИНГ МАНБАЪСИ -
ХУДО ЭМАС, БАЛКИ ШАЙТОНДИР!!!**

Саволлар:

1. Сизни севувчи Ота сифатида Худо сизга Ўз боласи сифатида касаллик юборадими?
2. Агар сиз шайтон бўлганингизда эди ва Худога нисбатан ғазабингизни инсониятга хужум қилиб кўрсатмоқчи бўлганингизда эди, қанақа 3 нарсани қилган бўлар эдингиз?
3. Исо бизни озод қилиш учун келди. Танада яна касал бўлиб яшайвериш учун, бирор бир сабаб ўйлаб топа оласизми?

3 Дарс

Худонинг шифолаш таъминоти

Кириш

Раббимиз Исо Масихнинг ердаги ҳаёти жараёнида, касалларни шифолаш Унинг хизматининг асосий қисми эди. Шунинг яхши англашимиз керакки, Исо Масих осмонга кўтарилганидан сўнг, ёки ҳаворийларнинг ўлимидан сўнг, мўъжизали шифоланишлар ғойиб бўлган эмас. Самовий Отамиз бизни, бугун ҳам ажойиб соғлиқ билан таъминлайди. Бизлар бирданига, Худо шифокорларга ўйлаб топишга ёрдам берган замонавий дорилар ҳақида ўйлаймиз. Худо ушбу табиий усулларга қўшимча қилиб, инсонларни имони орқали нотабиий мўъжизалар содир қилади. Худонинг яхши соғлиқ берувчи ва шифоловчи кучи бугун, Унинг барча одамлари учун мавжуддир.

Ушбу дарсда бизлар қуйидагилар ҳақида фикр юритамиз:

- бизнинг мўъжизавий шифоланишимизнинг манбаи,
- шифоланиш ҳақида умумий нотўғри тушунчалар,
- шифоланиш йўлига турган энг катта тўсиқ
- шахсан шифо олиш учун, имонни мустаҳкамлаш.

БИЗНИНГ МЎЪЖИЗАВИЙ ШИФОЛАНИШИМИЗНИНГ МАНБАИ

Исо шайтоннинг ишини барбод қилди!

Исо Масих мўъжизавий шифоланишнинг манбаи! Исо нима учун бизнинг олдимизга келганининг сабаби Юҳанно 3:8 да кўрсатилган: “...шайтоннинг ишларини барбод қилиш учун келди”.

Исо тўкинлик билан тўлган ҳаёт беради!

Ўтган дарсда бизлар, касалликнинг манбаи шайтон эканини аниқладик. Исо шайтоннинг ишларини барбод қилиб, Ўз халқи ҳаётининг тўкинлигини таъминлайди. Бунинг ичига соғлиқ ҳам киради.

Юҳанно 10:10 да, Исо айтган: “Мен ҳаётга эга бўлишингиз учун, тўкин ҳаётга эга бўлишингиз учун келдим”.

Исо барчани шифолайди!

Ҳаворийлар 10:38 Носира шахридан чиққан Исони Худо юборди. Худонинг Ўзи Исо билан бирга бўлгани учун, У Муқаддас Рух ва қудратга тўлган ҳолда эзгулик қилар, иблиснинг золим ҳукми остида қийналиб юрганларнинг ҳаммасини соғайтирар эди.

Исо азоб чекканларни тиклайди!

Касал бўлиш биз учун, шайтон томонидан азобланишни билдиради. Тикланган бўлиш эса, Исони шахсий Шифокор сифатида билишдир.

“Мен Шифокорман!”

Чиқиш 15:26. Зеро Мен Раббийман, сенинг Шифоловчингман.

Худо ҳеч қачон: “Мен Раббийман, сени касал қилувчиман”, - деган эмас. Исо бизнинг гуноҳларимизни хочга олганида, У касалликларимизни ҳам Ўзига олди. Келинг биз, Исо бизнинг гуноҳимиз ва касаллигимиз учун тўлаган нархини, тартиб билан кўриб чиқамиз.

ШИФОЛАНИШ ҲАҚИДА УМУМИЙ НОТЎҒРИ ТУШУНЧАЛАР

Азоб чекишимиз керак

Масиҳийлар гуноҳларидан сотиб олинган бўлсалар ҳам, улар “касаллик туфайли азоб чекишда давом этиш керак” деган сўзларга ишонишга ўргатилган эдилар.

Худонинг иродаси

Улар соғлом бўлиш Худонинг иродаси эканига амин эмаслар.

Фақат баъзилар учун

Кўп масиҳийлар, Худо бошқаларни шифолаганини билишади, лекин “улар янада баракалироқ масиҳий бўлганлари учун Худо уларни шифолашга қарор қилди” деб ўйлашади.

Сабрли бўлиш

Улар Худо уларни шифолай олишини билишади, лекин Унинг иродасига амин бўлмаганликлари сабабли, “сабрли” бўлишади ва Исонинг олдига ўз таналарини кемираётган касалликлари билан келишни секинлаштиришади.

Худони улуғлайди

Масиҳийлар Исо учун азоб чекишга, ўз касалликлари билан Худони улуғлашга ўргатилган эдилар.

Хулоса

Иккинчи дарсда кўрганимиздек, бу Худонинг иродасига қаршидир. Исо Масиҳ биз учун азоб чеккан. Биз У учун касаллик билан азоб чекишимиз керак эмас! Бизлар, Хушхабар туфайли бизни инкор этишганда ёки таъқиб қилишганда имонлилар сифатида азоб чекамиз.

ШИФОЛАНИШ ЙЎЛИГА ТУРГАН ЭНГ КАТТА ТЎСИҚ

Шубҳа

Энг катта тўсиқ - бу Худонинг иродаси барча инсонга шифо бериш эканига амин бўлмасликдир. Шайтон бизга қарши чиқади ва онгимизга “шубҳа уруғлари”ни жойлаштиради. Агар бизлар эҳтиёт бўлмасак, у шубҳаларни ҳаракатга киритади. Бизлар бундай шубҳанинг мисолини моховда кўрамиз.

“Агар истасанг”

Марк 1:39-41 Шундай қилиб, Исо бутун Жалила юртини кезиб чиқиб, маҳаллий ибодатхоналарда воизлик қилар ва жинларни қувиб чиқарар эди. Бир Мохов Исога яқинлашиб, Унинг олдида тиз чўкканча ялинди: “Агар истасанг, мени моховликдан пок қила оласан”. Исонинг унга раҳми келиб, қўлини узатди ва унга тегизиб: “Истайман, пок бўл!” – деди.

| | |
|---|---|
| Бизлар гуноҳдан озод бўлишимиз учун, Исо гуноҳларимизни Ўзига олди. | Бизлар касалликлардан озод бўлишимиз учун, Исо заифликларимизни Ўзига олди. |
| 1Петъор 2:24 Биз гуноҳлардар қутулиб, ҳақликда яшашимиз учун, Масих Ўз танаси билан гуноҳларимизни хочга олди. Унинг жароҳатлари билан сизлар шифолангансизлар. | Матто 8:16-17 Кеч кириши билан, жинга чалинган бир талай кишини Исонинг олдига келтиришди. У сўз билан ёмон руҳларни қувиб чиқарди, дардга йўлиққанларнинг ҳаммасини соғайтирди Ишаъё 53:4 Шу тариқа Ишаъё пайғамбарга ваҳий бўлган ушбу оят бажо келди: “Аммо У бизнинг дардларимизни Ўзига олди ва касалликларимизни кўтарди”. |
| Гуноҳкорлар учун яхши хабарлар | Касаллар учун яхши хабарлар |
| <ul style="list-style-type: none"> ➤ Исо гуноҳларимизни Ўзига олиб кўтарди ➤ Шунинг учун бизлар гуноҳларимиздан сотиб олинганмиз ва бизга энди, ҳеч қачон уларни кўтариш шарт эмас. | <ul style="list-style-type: none"> ➤ Исо бизнинг заифликларимизни Ўзига олди ➤ Исо бизнинг касалликларимизни Ўзига олди ➤ Исо бизнинг ожизликларимизни Ўзига олди ➤ Исо бизнинг қайғуларимизни Ўзига олди ➤ Исо буларни, бизлар улардан қийналмаслигимиз учун қилди. |

“Истайман”

Исо “агар” сўзини четлаб ўтиб, шунчаки: “истайман” деди. Исо инсоният учун нима қилган бўлса, бунинг барчаси Отанинг инсон зоти учун бўлган иродаси эканини кўрсатиш учун қилди.

Хулоса

Агар Исо касалларни шифолаган бўлса, унда касалларни шифолаш Отанинг иродасидир. Демак, агар касалларни шифолаш Худонинг иродаси бўлса, Отанинг иродаси- сизни ҳам шифолашдир!

ШИФО ОЛИШИНГИЗ УЧУН ХУДОНИНГ СЎЗИНИ ЭЪТИРОФ ЭТИНГ

Худонинг Сўзи билан ибодат қилинг

Худодан нимаики олсак, имон орқали келади. Шифоланиш ҳам шунга киради. Энг маҳсулдор ибодат – бу Худонинг Сўзига биноан ибодат қилишдир.

3Юҳанно 1:2 Маҳбубим, сенинг жонинг муваффақиятли бўлганидек, яна ҳар жиҳатдан муваффақиятли ва соғ-саломат бўлишингни истайман.

Имонни шахсан мустаҳкамлаш

“Ота, менинг жоним муваффақиятли бўлганидек, мени соғлом ва муваффақиятли бўлишимни истаганинг учун Сендан миннатдорман. Шу сабабдан мен шифоимни ҳозирнинг ўзида қабул қиляпман!”

Хотима

Нотўғри тушунчаларга қарамасдан, бугун Худо халқини соғлом бўлишини истайди. Исо Масиҳ шайтонни енгди ва барча имонлиларни, ҳар қандай касалликлардан озод қилди. Худонинг барча инъомлари сингари, бизлар илоҳий соғлиқни ҳам имон билан қабул қиламиз.

Саволлар:

1. Сизда қачондир шифо ҳақида нотўғри тушунчалар бўлганми? Агар бўлган бўлса, қанақа тушунчалар бўлган?
2. Худодан шифо ва ажойиб соғлиқ олишингиз учун, шахсий имон сўзларингизни (эътирофингизни) ёзинг.

4 Дарс

Шифо – бизнинг сотиб олинишимиздаги имтиёзимиз

Шифо аҳди

Типологияни яъни Худонинг Сўзидаги тимсолларнинг маъносини ўрганиш - Худонинг режасини тўлиқ тушунишимизга ёрдам беради. Қадимги Аҳднинг тимсоллари Шахс ҳақида ва Янги Аҳдда амалга ошган Исо Масихнинг ишлари ҳақида ваҳийлар беради. Исроил фарзандларининг озод бўлиши, уларнинг Қизил денгиздан ўтиши- бу бизнинг гуноҳ қуллигидан сотиб олинганимизнинг тимсолидир.

Аҳд

Худо Ўзининг халқи, Исроил билан бир неча ҳодисаларда аҳд тузди. Аҳд - бу жиддий ваъда ва икки гуруҳ одамларни ёки алоҳида одамларнинг келишувидир.

Бу дафъа, Худо ва Унинг халқи ўртасида аҳд тузилди. Исроил халқи Қизил денгиз ўртасидан ўтганидан сўнг, Худо шифолаш аҳдини берди ва Ўзини Шифоловчи деб очди.

Чиқиш 15:26 Ва деди: агар сен Раббийнинг сўзларига кулок солсанг, Унинг нигоҳида маъқул ишларни қилсанг, Унинг амрларига диққат қилсанг, Унинг барча қонунларини бажарсанг, Мен Мисрга юборган касалликларнинг бирортасини ҳам сенга юбормайман, зеро Мен Раббийман, сенинг Шифоловчингман.

Худо Ўзининг халқи билан аҳд тузганида, Ўзи ҳақида Шифокор ва Даволовчи деб айтди.

Қадимги Аҳдда Худога нисбатан Унинг Иегова Рафа, “Мен Раббийман, сенинг Шифоловчингман,”- деган маънони билдирувчи яхудийча исмини ишлатишар эди.

Худонинг кутқарувчи исмлари

Иегова - бу Худонинг кутқарувчи исми бўлиб, “Ўзи мавжуд, Ўзини очувчи”ни билдиради.

Иеговада, Худони очиб берадиган, нажот берувчи еттита, инсониятнинг муҳтожлигини кондирувчи исм мавжуд.

Иегова Шамма

Раббий ўша ерда.

“Шаҳарнинг номи эса, ўша кундан бошлаб: Раббий ўша ерда, бўлади”.

Иегова Шалом

Раббий тинчлик.

Ҳакамлар 6:23-24 Раббий унга деди: тинчлик сенга, қўрқма, ўлмайсан. Геден у ерда Раббий учун қурбонгоҳ қурди ва уни “Иегова Шалом” деб атади.

Иегова Раа

Раббий- менинг Чўпоним.

Сано 22:1 Раббий менинг Чўпоним ва мен ҳеч нарсага муҳтож бўлмайман.

Иегова Ире

Раббий таъминлайди.

Ибтидо 22:13-14

Иегова Нисси

Раббий- бизнинг байроғимиз, ғолибимиз ва бошлиғимиз.

Чиқиш 17:12-13,15 Аммо Мусонинг қўллари оғирлашди, шунда тош олиб, унинг остига қўйишди ва у, унинг устига ўтирди. Хорун билан Ор бири бир томондан, иккинчиси иккинчи томондан унинг қўлларини ушлаб турар эдилар. Унинг қўллари қуёшнинг ботишигача кўтарилган эди. Ва Иешуа Бен-Нун Амаликни ҳамда, унинг халқини қилич тиғи билан йиқитди.

Иегова Цидкену

Раббий – бизнинг оқланишимиз.

Йеремиах 23:6 Унинг кунларида Яҳудо нажот топади ва Исроил хавфсиз яшайди; мана Уни шундай ном билан номлашади: **“Раббий бизнинг- оқланишимиздир!”**

Иегова Рафа

“Мен Раббийман, сенинг Шифокорингман ” ёки “Мен Раббийман, сенинг Шифоловчингман”.

Ишаъё 15:26 Зеро Мен Раббийман, сенинг Шифоловчингман.

Шифонинг аҳдли ваъдаси

Иегова Рафа - бу Худонинг аҳдга биноан берган ваъдасининг яъни бутун халқини шифо билан таъминлашининг ваҳийидир.

Ушбу шифони инкор этиш учун, Худонинг номи “Мен Раббийман, сенинг Шифоловчингман” ни, “Мен Раббийман, сенинг Шифоловчинг эдим” га ўзгартириш керак бўлар эди. Худога шараф, “Раббийнинг Сўзи мангудир”.

Худонинг Иегова Рафадек очилиши одамларга ёқимли эди ва Исроилликлар Унга ишонганлари сабабли, барчалари соғлом эдилар.

Сано 104:37 Уларнинг қабилаларида касал йўқ эди.

Исроил гуноҳ қилганида, соғлиғини ҳам йўқотди. Левитлар ўзларининг ҳадяларини олиб келишди ва Худо барча учун Иегова - Рафа бўлишда давом этди. Бугун ҳам Исо Масих орқали сотиб олиниш ҳақида воизлик қилганимизда, бизда Худодан ҳар бир касал учун ваъда бор.

Марк 16:18 Касалларга қўлларини қўйишади ва улар соғайишади.

ИСО МАСИХНИНГ АЗОБИ ОРҚАЛИ ШИФО БЕРИЛГАН

Шифо- Масихнинг азоблари орқали, бизга берилган нажотнинг бир қисми эканини тушунишимиз муҳим. Шифо - бизга Исо Масих биз учун тўлаган нарх орқали, бизга бепул берилди.

Одамнинг гуноҳи ўлим олиб келди

Инсон яратилган вақтда Худонинг олдида ажойиб ҳолатда эди ва унда илоҳий соғлиқ бор эди.

Римликларга 5:12 Маълумки, битта киши орқали дунёга гуноҳ кириб, гуноҳ орқали эса ўлим кирганидай, худди шундай ўлим ҳамма одамларга ўтди, чунки унда ҳамма гуноҳ қилган.

Биз ўлимнинг икки томонини тушунишимиз керак. Бу - руҳий ва жисмоний ўлим. Руҳий ўлим бу – Худодан мангу ажралиш. Жисмоний ўлим бу – заифлик, касаллик ва инсон танасининг ўлишидир. Ушбу икки кўринишдаги ўлим, гуноҳнинг натижасидир ва шайтоннинг мақсади барбод қилиш, ўлдиришдир.

Худо муқаддасдир

Худо– Ўзининг табиати бўйича баркамол ҳақлик, муқаддаслик, севги ва одилликдир. Йиқилган ва гуноҳкор инсон, энди баркамол ҳақлик ва муқаддаслик ҳузурида бўла олмас эди. Кўп одамлар нима учун севувчи Худо жазолайди деб савол беришади. Нимаики бўлмасин, Худонинг баркамол севгиси - инсониятнинг гуноҳига ва унинг оқибатига эътиборсиз бўла олмайди. Чунки Худо – баркамол Одиллик ҳамдир. Худонинг одиллиги қондирилиши шарт. Худо инсоний гуноҳлар қопланиши учун имконият яратди.

Масих бизнинг ўрнимизда азоб чекди

1Петъор 3:18 Чунки Масих ҳам бизни Худога олиб келиш учун, бир марта бизнинг гуноҳларимиз учун азоб чекди. Ўзи Ҳақ бўла туриб, ноҳақлар учун қурбон бўлди. Масих танаси билан ўлдирилган эди, лекин руҳи билан тирилди.

У Ўзига заифлик ва касалликларимизни олди

Худо нафақат хочда гуноҳларимизнинг жазосини олди, балки Ўзининг яралари билан, ушбу гуноҳнинг жисмоний натижасини (заифлик ва касалликларни) ҳам олди.

1Петъор 2:24 Биз гуноҳлардан қутулиб, ҳақликда яшашимиз учун, Масих Ўз танаси билан гуноҳларимизни хочга олди. Унинг жароҳатлари билан сизлар шифолангансизлар.

Матто 27:26 Шундан сўнг Пилат уларга Бараббани чиқариб юборди. Исони эса савалатгандан кейин хочга михлаш учун аскарларга топширди.

Исони хочда михлашаётганда, У танасида жисмоний азоб, заифликни ва касалликни бошидан кечирди. У бизнинг азобларимизни, заифликларимизни ва касалликларимизни, бизлар азоб чекмаслигимиз учун Ўзига олди. Биз нажот орқали нафақат гуноҳнинг жазосидан озод бўлдик, балки барча жисмоний оқибатлардан ҳам: оғриқлардан, заифликлардан ва касалликлардан озод бўлдик.

Хулоса:

Сотиб олиниш ҳақидаги тўлиқ ваҳий қуйидагиларни беради:

- Исо, Нажоткор эканлигига ишониш – абадий нажот беради.
- Исо, Шифоловчи эканлигига ишониш орқали танамиз шифо топади.

Саволлар:

1. Аҳд нима?
2. 1Петъор 2:24 да бизнинг шифоимиз ҳақида нима дейиляпти?
3. Худонинг шифо ҳақидаги аҳди, бугун менинг ҳаётимда қандай таъсир қилади?

5 Дарс

Шифо – бизнинг нажотимиз ва имонимиздир

Кириш

Шифолаш - Худо йиқилган инсоният учун берган нажотнинг бир қисми эканини барча масихийлар тушунишлари муҳим. Исо ерга келиб гуноҳларимиз учун, шунингдек, шифоланишимиз учун ҳам нарх тўлади. Худонинг мақсади бор, У - инсонлар ажойиб соғлиқда, ақлан, жисмонан ва ҳиссан лаззатланишларини истайди. Ушбу ваъдалардан тўлиқ фойдаланишимиз учун, бизлар уларни билишимиз керак ва Худонинг Сўзига ишониш билан қабул қилишимиз лозим.

ИШАЪЁ - ШИФОЛАЙДИГАН СОТИБ ОЛУВЧИ ҲАҚИДА БАШОРАТ ҚИЛГАН ЭДИ

Ишаъёнинг башароти

Ишаъё 53:1, 3-7, 11-12

1 Ким биздан эшитган сўзларга ишонди ва кимга Раббийнинг мушаги намоён бўлди?

3 У одамлар олдида нописанд қилиниб, камситилган эди; азоб-укубат кўрган ва касалликларни бошидан кечирган кишидир. Бизлар Ундан юзимизни ўғирар эдик; У камситилар эди ва бизлар Уни ҳеч нарса ўрнида кўрмас эдик.

4 Аммо У заифликларимизни Ўзига олди ва касалликларимизни кўтариб кетди; бизлар эса У Худо томонидан шикастланыпти, жазоланыпти ва камситилар деб ўйлаган эдик.

5 У, бизнинг гуноҳларимиз учун қийналган, бизнинг қонунсизликлари-миз учун азобланган эди; дунёимизнинг жазоси Унда эди ва Унинг яраларидан бизлар шифо топдик.

6 Барчамиз қўйларга ўхшаб адашган эдик, ҳар биримиз ўз йўлимизга қараб кетдик: ва Раббий барчамизнинг гуноҳимизни Унинг устига юкледи.

7 У жабрланган эди, аммо Ўз хохиши билан қийналди ва оғзини очмади; У қўйга ўхшаб, сўйиш учун олиб борилган эди ва қайчилаётганнинг олдида жим турадиган қўзи каби жим турар эди, У оғзини очмаган эди.

11 У Ўз жонининг жасоратига мамнуният билан қарайди; Уни таниб-билиш орқали У, Менинг Қулим кўпларни оқлайди ва уларнинг гуноҳларини Ўзида кўтариб кетади.

12 Шунинг учун Мен Унга буюқлар орасидан ўрин бераман ва Ўз жонини ўлимга бергани учун, кўпларнинг гуноҳини Ўзида олиб кетган вақтда ва жиноятчилар учун шафоатчи бўлган вақтда, (Уни) ёвузлар ҳисобига қўшишганлари учун, кучлилар билан ўлжани тақсимлайди.

Исо нималар учун азоб чекди?

4 ва 5 оятларда кўрсатилганидек, Исо қуйидагилар учун азоб чеккан:

- Бизнинг заифликларимиз (заифлик, касаллик, муҳтожлик ва азоб) учун
- Бизнинг кулфатларимиз учун (оғриклар)
- Гуноҳларимиз учун
- Қонунсизликларимиз учун
- Тинчликка эга бўлишимиз учун
- Шифо олишимиз учун.

Зеро Унинг яралари билан бизлар шифо топдик.

ШИФОМИЗГА ВА ИМОНИМИЗГА ҚАРШИ ҲИССИЁТЛАР

Шифони қабул қилишимизга катта тўсиқ бу - ҳиссиётга тобе бўлишдир. Кимнидир шифо топганини кўришимиз учун бизларга имон керак. Шифоланишнинг пойдевори Худонинг Сўзидир. Сўзда нима дейилган?

Ишаъё 53:1 Ким биздан эшитган сўзларга ишонди ва кимга Раббийнинг мушаги намоён бўлди?

Бу саволга ўзимиз учун жавоб беришимиз керак. Мен Худонинг Сўзига ишонаманми?

Қуйидаги жадвалда, сиз ҳиссиёга “ишониш” билан Худонинг Сўзига ишонишнинг фарқини яққол кўрасиз.

ОДАТИЙ ЖАВОБ

Савол: Сиз нажот топганмисиз?

Жавоб: Ҳа.

Савол: Қаердан биласиз?

Жавоб: Библия шундай дейди.

ИМОН БИЛАН АЙТИЛГАН ЖАВОБ

Савол: Сиз нажот топганмисиз?

Жавоб: Ҳа.

Савол: Қаердан биласиз?

Жавоб: Библия шундай дейди.

Савол: Сиз шифо топганмисиз?

Жавоб: Йўқ.

Савол: Қаердан биласиз?

Жавоб: Мен ўзимни ҳали ҳам касал ҳис қиляпман.

Савол: Сиз шифо топганмисиз?

Жавоб: Ҳа!

Савол: Қаердан биласиз?

Жавоб: Библия шундай дейди!

Шифоланиш - имоннинг ишидир

Бизлар одатда, шифони ҳиссиёт билан боғлаймиз. Бироқ шифо, имон орқали келишини унутмаслигимиз керак. Агар Худонинг Сўзи бўйича ҳаракат қилсак шифо топамиз. Повул Рим 3:3-4да нима деганини эсланг:

Римликларга 3:3,4 Унда нима? Агар айримлари имонсиз бўлсалар, уларнинг имонсизлиги Худонинг содиқлигини бекор қиладими? Йўқ, асло! Худо ҳақ, аммо ҳар бир инсон ёлғончидир. Зеро ёзилганидек: “Сен Ўз Сўзларингда оқланасан ва ҳукм қилишингда галаба қозонасан”.

Худо содиқдир ва бизлар шифо олишимиз учун, Ўзининг ваъдаларини амалга оширишга тайёр. Бизлар шифоимизни олишимиз учун ишонсак кифоядир. Бошқаларнинг имонсизлиги сизнинг шифоингизни ўғирлашига йўл қўйманг.

“Унинг яралари билан бизлар шифо топдик!”

“Унинг яралари билан бизлар шифо топдик!”

Мен нажот топдим, чунки Худо шундай дейди!

“Баъзида, нажот топганимни ҳис этмайман, лекин бундай эмаслигини биламан, чунки мен Худонинг Сўзларига ишонаман”.

Йоҳанно 5:13 Мен буларни сизларга, Худонинг Ўғли номига ишонганларга ёздим, токи сизлар Худонинг Ўғлига ишониб, абадий ҳаётга эга эканлигингизни билинглар.

Мен шифо топдим, чунки Худо шундай дейди!

“Баъзида, шифо топганимни ҳис этмайман, лекин бундай эмаслигини биламан, чунки мен Худонинг Сўзларига ишонаман”.

Ишаъё 53:5 Аммо У бизнинг гуноҳларимиз учун азобланди ва бизнинг қонунсизликларимиз учун қийналди; бизнинг дунёимизни гуноҳи Унинг устида эди ва Унинг яралари билан бизлар шифо топдик.

Хулоса

Бизлар ишонишимизни ҳис этишимиздан қатъий назар, қонун бўйича бизга тегишли нарсаларни имон билан қабул қилишимиз лозим.

- Бизлар Худонинг Сўзига ишониб, нажотни қабул қиламиз.
- Бизлар Худонинг Сўзига ишониб, шифони қабул қилишимиз лозим.

ҲАВОРИЙЛАР – ШИФОЛАНИШ, УЛАРНИНГ СОТИБ ОЛИНИШЛАРИНИНГ БИР ҚИСМИ ЭКАНИГ А ИШОНАР ЭДИЛАР

Ҳаворийлар, шифоланиш уларнинг сотиб олинисларининг бир қисми эканига ишонганликлари Янги Аҳддан кўриниб турибди. Улар касалларни шифолашар эди ва ўзларини руҳлантирган гувоҳликларини ёзишар эди.

Матто ишонар эди

Матто Ишаъёнинг башоратидаги Худонинг мактубига ишонар эди.

Матто 8:16,17 Кеч кириши билан, жинга чалинган бир талай кишини Исонинг олдига келтиришди. У сўз билан ёмон руҳларни қувиб чиқарди, дардга йўлиққанларнинг ҳаммасини соғайтирди. Шу тариқа Ишаъё пайғамбарга ваҳий бўлган ушбу оят бажо келди: “У бизнинг касалликларимизни кўтарди, дардларимизни эса Ўзи чекди”.

Петъор ишонар эди

Петъор Ишаёнинг башоратидаги Худонинг мактубига ишонар эди.

Петъор 2:24 Биз гуноҳлардан қутулиб, ҳақликда яшашимиз учун, Масих Ўз танаси билан гуноҳларимизни хочга олди. Унинг жароҳатлари билан сизлар шифолангансизлар.

Исо ердан кўтарилганидан сўнг, Пеъор биринчи одамни шифолаётган вақтда, Исодек Худонинг Сўзига ишонар эди.

Ҳаворийлар 3:6 Петъор унга: “Менда кумуш ва олтин йўк, аммо ўзимда борини сенга бераман: “Носиралик Исо Масих номидан сенга айтаман, ўрнингдан туриб юр!” – деди.

Бизлар ҳам ўша шол каби, Худонинг Сўзи ҳақиқат эканига ишонишимиз лозим.

Мен ишонаман

Бизга Сўздан маълумки:

- Агар 1Петъор 2:24 га асосланиб шифо топган бўлсам,
- Агар Ишаёё 53:5 га асосланиб шифо топган бўлсам,
- Демак, мен шифо топганман!

Энг муҳими - Худонинг Сўзига ишонишдир! Агар менинг урф-одатларим, диний лидерлар, ҳатто менинг кўринишим ёки хиссиётларим тескарисини айтса ҳам:

- мен имон билан, шифоимни қабул қилишим керак
- мен имон ҳақида гапиришни бошлашим ва у бўйича ҳаракат қилишим керак!
- Имон ҳақида гапириш ва уни эътироф этиш камлик қилади. Бизнинг имонимиз қурилаётган вақтда уни актив ишлатиш лозим, шифони қабул қилиб, имон билан бемалол ҳаракат қилиш керак.
- Ўша шол инсондек, бизнинг барча асоратларимиз тез ва изсиз йўқолади. Бизлар ҳам “юришни, айтишни ва Худони улуғлашни” бошлаймиз.

Сўз ҳақиқат

Петъор Худонинг Сўзига нафақат ишонар эди, у - Худонинг Сўзи, ўзи хис қилиши, ёки бошидан кечириши мумкин бўлган нарсалардан ҳам тўғрироқ эканини билар эди.

2Петъор 1:19 Шу билан бирга биз ғоят ишончли пайғамбарчилик сўзига ҳам эгамиз. Сизлар эса то кун ёришиб бошламагунича ва юракларингизга тонг юлдузи кўтарилмагунича, қоронғи жойда порлаётган чирокқа ўхшаган бу сўзга мурожаат қилиб, яхши қиялпсизлар.

Сўз мангудир

Петъор Худонинг Сўзи яшашини ва мангулигини билар эди. Бугун, Унинг Сўзи бизнинг ҳаётимизда тирик ва ҳаракатчандир.

1Петъор 1:23 У ҳақорат қилинганида, ҳақорат билан жавоб қайтармас эди. У азоб чекиб, дўпўписа қилмас эди; лекин Ўзини Ҳақ Ҳукмдорга топширар эди.

Энди ишонинглар

Энди Худодан қабул қилиш учун вақт бор. Сиз шифони ҳозирнинг ўзида қабул қилсангиз бўлади!

Ушбу сўзларни бошқаларга ҳам айтинг, шунда Исо қандай қилиб уларнинг Шифоловчиси ва Нажоткори бўлганини кўрасиз.

Хотима

Ишаёнинг башоратидан ва ҳаворийларнинг гувоҳликларидан бизлар, ҳаётимизда шифо олишимиз - Худо режасининг асосий қисми эканини кўрдик. Бизлар, шифо - кўзларимиз билан кўрган нарсалар орқали эмас, балки Худонинг Сўзига ишониш орқали келишини унутмаслигимиз лозим.

**ХУДОНИНГ ИСМЛАРИДАН БИРИНИ ЭСДА САҚЛАНГ-
ИЕГОВА РАФА, ЯЪНИ “МЕН РАББИЙМАН, СЕНИНГ
ШИФОЛОВЧИНГМАН!” ДЕМАҚДИР.**

Саволлар:

1. Сизнинг ҳар кунги ҳаётингизда ва хизматингизда, Ишаё 53:5 ва 1Петъор 2:24 да биз кўраётган Исонинг қутқарувчи ишлари қандай акс этади?
2. Агар танангизда ҳали ҳам заифликни, касалликни ёки азобни ҳис этаётган бўлсангиз: “Унинг яралари билан шифо топганман” десангиз тўғри бўладими? Сабабини тушунтиринг.
3. Нима деб ўйлайсиз, агар танангиздаги асоратлар Худонинг Сўзида биз кўрган ҳақиқат билан мос келмаса Худо нима қилишингизни истаган бўлар эди?

6 Дарс

Исо Масих шифоловчи

ИСО ШИФОЛАШ ХИЗМАТИНИ БОШЛАЯПТИ

Биринчи мўъжиза

Исонинг яратган биринчи мўъжизаси, тўй вақтида сувни шаробга айлантиришидир.

Иккинчи мўъжиза

Бир сарой амалдори Исо ҳақида эшитди. Эшитиш имон олиб келди ва шу имоннинг натижасида, унинг ўлаётган ўғли тирик қолди.

Юҳанно 4:46-54 Шундай қилиб, Исо яна Жалиланинг Кана шаҳарчасига келди, бу ерда У сувни шаробга айлантирган эди. Ўша пайтда Кафарнаҳум шаҳрида бир сарой амалдорининг ўғли касал бўлиб ётган эди. Бу одам Исонинг Яҳудиядан Жалилага келганлигини эшитиб, Унинг олдига борди. Ўлим тўшагида ётган ўғлини бориб кўриб тузатишни Исодан ўтиниб сўради. “Сизлар ажойиботу мўъжизалар кўрмагунча ишонмайсизлар-да!” – деди унга Исо. “Ҳазрат”, – деди сарой амалдори Унга, “болагинам ўлмасидан олдин етиб боргин!” “Сен борақол, ўғлинг соғ-саломат”, – деди Исо. У одам Исонинг айтганига ишониб, кетди. Эртасига унинг йўлига чиқиб турган хизматкорлари уни қаршилаб: “Болангиз соғ-саломат”, – дейишди. “Қайси соатда ахволи енгиллашди?” – дея сўради. “Кеча тушда соат бирда иситмаси тушиб қолди”, – дейишди хизматкорлар. Боланинг отаси, Исо унга: “Ўғлинг соғ-саломат”, – дегани шу вақтга тўғри келганини англади. Ўзи ва бутун хонадони Исога имон келтирди. Бу эса Исонинг Яҳудиядан Жалилага келиб қилган иккинчи ибратли мўъжизаси эди.

Шифолаш- Исонинг иккинчи мўъжизаси эди!

ИСО УЛАРНИНГ БАРЧАСИНИ ШИФОЛАДИ

Библия атамалари

Библияда Исонинг шифолашларига кўп марта урғу берилган. У Унинг олдига келган барча одамларни шифолар эди.

Библияда, нажотни ва шифони ифодаловчи махсус атамалар мавжуд.
Нажот: Шифо:

*Барчани
*Ҳар кимни

*Барчани
*Ҳар бир кишини
*Уларнинг ҳаммасини

Шундай қилиб, шифо олишлари керак бўлган одамларни таърифлаш учун ишлатиладиган сўзлар, юқоридан туғилишлари лозим бўлган одамларни таърифлайдиган сўзларга ўхшашдир.

Шифо барча учун

Библияда шифо барча учун экани ҳақида айтилган махсус оятлар мавжуд. Шу оятларни ўқиганимизда “ҳамма”, “ҳар бирини” ва “уларнинг барчасини” деган сўзларга урғу берилганини кўрамиз.

Асосий сўзлар

➤ Ҳамма

Матто 12:15 Тумонат халойиқ Исонинг кетидан эргашди, У эса ҳамма касалларни соғайтирди.

➤ Уларнинг

Матто 14:14 Исо қайиқдан чиқиб, тумонат одамни кўрди. Уларга ачинди ва уларнинг хасталарига шифо берди.

➤ Бизнинг

Матто 8:17 Шу тариқа Ишаъё пайғамбарга ваҳий бўлган Ушбу оят бажо келди: “У бизнинг касалликларимизни кўтарди, дардларимизни эса Ўзи чекди”.

➤ Барча

Матто 14:36 Ақалли кийимининг этагига тегиш учун ундан илтимос қилишди, текканлар эса дардларидан халос бўлишди.

➤ Ҳар-хил

Матто 9:35 Исо ҳамма шаҳар – қишлоқларни айланадиган бўлди. Маҳаллий ибодатхоналарда таълим бериб, Худонинг Шоҳлиги тўғрисидаги Хушxabарни эълон қилар ва одамларнинг ҳар-хил дарду дармонсизликларини даволар эди.

➤ Ҳар бирига

Луқо 4:40 Қуёш ботаётганида, турли хасталикларга дучор бўлган ҳамма касал одамларни Исонинг олдига келтиришар эди. Исо уларнинг ҳар бирига қўлларини қўйиб, шифолар эди.

➤ Ҳаммани

Матто 8:16 Кеч кириши билан, жинга чалинган бир талай кишини Исонинг олдига келтиришди. У сўз билан ёмон рухларни қувиб чиқарди, дардга йўлиққанларнинг ҳаммасини соғайтирди.

➤ Ҳаммани

Луқо 6:19 Бутун халқ Унга қўл тегизишга ҳаракат қилар эди, чунки Ундан куч чиқиб, ҳаммани шифолар эди.

➤ Ҳаммасини

Ҳаворийлар 10:38 Носира шаҳридан чиққан Исони Худо юборди. Худонинг Ўзи Исо билан бирга бўлгани учун, У Муқаддас Рух ва қудратга тўлган ҳолда эзгулик қилар, иблиснинг золим ҳукми остида қийналиб юрганларнинг ҳаммасини соғайтирар эди.

Хулоса

Шундай қилиб, биз қайта-қайта “ҳар бирига” ва “ҳаммани” сўзларига урғу берилганини кўряпмиз. Худонинг алоҳида севимлилари йўқ. Унинг олдига имон келган ҳар бир киши шифо топади.

ИСО МАСИХҲГА ШИФОЛОВЧИМИЗ СИФАТИДА ИШОНИШ

Исога ишониб шифо топиш

Худодан нимаики олсак, имон орқали келади. Шифо ҳам бундан мустасно эмас. Шифо олишнинг йўли - Исо Масихга, бизнинг Шифоловчимиз сифатида ишонишдир. У шифолай олишига ва бизларни шифолашига ҳамда асрашига ишонинг.

Ибронийларга 11:1 Имон – кутилган нарсаларнинг амалга ошишидир ва кўринмайдиган нарсаларга амин бўлишдир.

Римликларга 10:17 Шундай экан, имон – эшитишдан, эшитиш эса – Масихнинг сўзи орқалидир.

Марк 11:24 Бинобарин, сизларга айтаман: “сиз ибодатда нимаики сўрасангиз, олишингизга ишонинглар ва эришасизлар”.

Имон оқими

Ёзувни ва Исонинг табиатини эътиборга олиб, бизлар баъзи қайдлар қилишимиз мумкин:

- Исо Масихга ишонган ҳар бир киши шифо топган!
- Бизлар Сўз эшитганимизда имонимиз кўтарилади.
- Агар инсон, Худо уни шифоламоқчи эканига шубҳаланса унинг имони йўқ .
- Имон бу - Худо айтган сўзини бажаришига ишонишдир.

Юзхотирчилик қилмайди

Худо бирор марта бирор кишини шифолаган бўлса, бизларни ҳам шифолайди, чунки Ёзувда, Унинг алоҳида севадиган кишилари йўқлиги айтилган.

Ҳаворийлар 10:34 Петъор сўз бошлади: “Ҳақиқатдан, Худонинг юз–хотир қилмаслигини, балки Ундан кўрққан ва тўғрилиқ ила иш тутган ҳаммани миллатига қарамай қабул қилишини мен энди чинакамига тушундим”.

Худо шахсан бизларни шифоламоқчи эканини билишимиз, имонимиз ишлаши учун керак бўлган яхши ва мустаҳкам пойдевордир. Бизлар Масихий ва Худонинг боласи сифатида нажотга ишонганимиздек, шифога ҳам чуқур ишонишимиз лозим.

ИМОНЛИЛАР ИСОНИНГ ХИЗМАТИНИ ШИФОЛАШ ЙЎНАЛИШИДА ДАВОМ ЭТТИРАР ЭДИЛАР

Исо самога кўтарилганидан сўнг шифолаш тугадими? Йўқ, шогирдлар Хушхабарни воизлик қилишда ва касалларни шифолашда давом этишар эди.

Ҳозир бизлар буни Петъорнинг, Филипнинг ва Повулнинг мисолларида кўриб чиқамиз.

Петъор

Петъор, шол кишига Исо Масих ҳақида айтди ва у шифо топди.

Ҳаворийлар 3:6-8 Петъор унга: “Менда кумуш ва олтин йўқ, аммо ўзимда борини сенга бераман: “Носиралик Исо Масих номидан сенга айтаман, ўрнингдан туриб юр!” – деди–ю, ўнг қўлидан тутиб, уни оёққа турғизди. Бирданига унинг тиззалари билан тўпиклари

мустаҳкамланиб қолди. У дик этиб оёққа турди–да, юра бошлади. Худого ҳамд-сано айтиб, ирғиб–сакраб юрганича, улар билан маъбадга кирди.

Филип

Филип Самарияда, Исо Масихнинг хушхабарини воизлик қилар эди ва мўъжизалар содир бўлар эди.

Ҳаворийлар 8:6-8 Филипнинг сўзини тинглашиб ва қилаётган мўъжизаларини кўришиб, бутун халқ унга кулоқ солди. Чунки ёвуз рухларга гирифтор бўлган кўп кишилардан рухлар баланд овоз билан бақириб чиқар, анчагина шолу чўлоқлар эса шифо топарди. Шундай қилиб, у шаҳарга катта хурсандчилик келди.

Повул

Повул шол кишига Исо Масих ҳақида воизлик қилди ва у шифо топди.

Ҳаворийлар 14:8-10 Листра шаҳрида бир шол киши ерда ўтирар эди. У туғма майиб бўлиб, умрида асло юрмаган эди. У Повулнинг айтаётган сўзларини тингларкан, Повул унга кўз тикиб, дарддан халос бўлиш учун имони борлигини пайқади. Овозини баланд қилиб: “Раббим Исо Масих номидан сенга айтаман: оёғингда тикка тур!” - деди. Ўша захоти у киши ўрнидан ирғиб турди—да, юра бошлади.

Ҳаворийлар 28:8-9 Ўша пайтда Публийнинг отаси юракбуруғдан қийналиб, иситмалаб ётар эди. Повул унинг ёнига кирди ва қўлларини унинг устига қўйганча ибодат қилиб, уни соғайтирди. Бу ҳодисадан кейин оролдаги бошқа хасталар ҳам келиб, шифо топишди.

Ушбу оятлардан хулоса қилсак, ҳаворийлар шифоланиш ҳақида таълим беришган.

ИМОНЛИЛАР, ИСОНИ ШИФОЛОВЧИ ДЕБ ТАЪЛИМ БЕРИШГАН

Ҳаворийлар ўлимидан сўнг шифоланишлар тўхтадимиз? Йўқ , ўша вақтдагидек, ҳозир ҳам имонлилар дунёга шифо олиб келишда давом этишяптилар.

Имонлиларнинг масъулияти

Бизлар имонлилар сифатида Исо Масихни Шифоловчи ва Нажоткор деб, таълим беришимиз лозим. Бизлар ҳақиқатга ўргатсак, инсонларнинг имони пайдо бўлади ва улар шифо топишади.

Ишаъё 15:26 Зеро Мен Раббийман, сенинг Шифоловчингман.

Ҳаворийлар 10:38 Носира шаҳридан чиққан Исони Худо юборди. Худонинг Ўзи Исо билан бирга бўлгани учун, У Муқаддас Рух ва қудратга тўлган ҳолда эзгулик қилар, иблиснинг золим ҳукми остида қийналиб юрганларнинг ҳаммасини соғайтирар эди.

Рема

Рема - бу руҳингизда жонлантирилиб айтилган Сўздир. Бизлар Худонинг Сўзини олиб шифо ҳақида таълим берсак, Муқаддас Рух уни жонлантиради, имон ажралади ва шифо келади.

Библиядан олинган тўғри таълимот, сиз Исони шифоловчи сифатида билишингиз учун имон пайдо қилади.

Саволлар:

1. Исо биз учун намунадир. У барчани шифолади. Шулардан хулоса қилиб, У бугун ҳам бизларни шифоламоқчи деб айта оламизми?
2. Бугун мен бошқаларга Исони шифоловчи сифатида қандай қилиб очиб бера оламан?
3. Исо Масих фақат имонга эга бўлганларни шифолаган. Бошқалар шифоланишлари учун, ишонишларига қандай қилиб ёрдам бера оламиз?

7 Дарс

Буюк топширик - шифони Ўз ичига олади

Буюк топширик нима?

Исонинг охирги ва муҳим таълимотларини Буюк Топширик деб атаймиз. Бизлар дўстларимизга сафарга кетишимиздан олдин энг муҳим нарсаларни айтаемиз. Марк Хушхабариди Исонинг ҳар биримизга, имондиларга айтган охирги сўзлари ёзилган.

Буюк топширик

Марк 16:15-18 Исо шогирдларига деди: Бутун жаҳон бўйлаб юринглар ва ҳамма тирик жонга Инжил Хушхабарини тарғиб қилинглари. Ким ишониб, сувда имон келтирса, нажот топади. Ишонмаган эса маҳкум бўлади. Қуйидаги аломатлар имондиларга ҳамроҳ бўлади: Менинг номим билан жинларни қувиб чиқарадилар. Қўлларига илон олиб кўтарсалар ёки ҳалокатли бирон нарса ичсалар ҳам, уларга зарар етмайди. Беморларга қўлларини қўйганда, улар соғайиб кетадилар.

Хулоса

Исонинг бу дунёнинг касалларига жуда ҳам раҳми келар эди. Марк Унинг охирги 11 сўзини ёзиб қолдирган. Исо ердан кўтарилишидан олдин шундай деди: “Касалларга қўлларини қўйишади ва улар соғлом бўлишади.”

ДУНЁГА ХУШХАБАР БИЛАН ЭРИШИШ

Исо биз учун намунадир

Исо нажот бериш учун дунёга келди. Аввалига, У бир Ўзи хизматни олиб борди, сўнг эса 12 ҳаворийга топширик берди, кейинроқ эса 70 шогирдни икки кишидан юборди. Охири эса У, ушбу хизматни барча имондиларга берди.

Исонинг шахсий хизмати

Исо Ўзининг шахсий хизматини бошлади:

- таълимот
- воизлик қилиш
- ва шифолаш

Матто 9:35 Исо ҳамма шаҳар–қишлоқларни айланадиган бўлди. Маҳаллий ибодатхоналарда таълим бериб, Худонинг Шоҳлиги тўғрисидаги Хушхабарни эълон қилар ва одамларнинг ҳар хил дарду дармонсизликларини даволар эди.

Унинг хизмати чекланган эди

Исонинг хизмати қандайдир қишлоқ ёки шаҳар билан чекланган эди. У ҳар бир шаҳардаги минглаб одамларнинг муҳтожликларини қондира

олмас эди. У шогирдларини бошқалар учун ибодат қилишга ва хирмонни йиғувчилар сифатида ёрдам беришга ўргатди.

Матто 9:36-38 Халқ оломонини кўриб, Исо уларга ачинди; чунки чўпонсиз қўйлардай довдираган ва ҳолдан тойган эдилар. Ўша вақтда Исо Ўз шогирдларига деди: “Ҳосил мўл, бироқ юмушчилар оз. Ўз ҳосилингни йиғиб–терадиган юмушчилар юбор, деб ҳосил Эгасига илтижо қилинглар”.

Ваколатли ҳаворийлар

Сўнг Исо Ўзининг 12 шогирдига таълим бериб, хизмат майдонини кенгайтиришни бошлади. Улар, Унинг хизматини олиб боришлари керак эди.

Матто 10:1,7-8 Исо Ўзининг ўн икки шогирдини ёнига чақириб, одамлардан ёмон руҳларни қувиб чиқариш ва ҳар қандай дарду-иллатни соғайтириш учун уларга қудрат ато этди. Йўлингиз қайга тушмасин, элга: “Осмон Шохлиги яқинлаб қолди”, – деб эълон қилинглар. Хасталарни соғайтиринглар, моховларни пок қилинглар ўликларни тирилтиринглар, жинларни қувиб чиқаринглар. Текин олдингизлар, текин беринглар.

Янги ўқитилган шогирдларга берилган вазифалар:

- хушхабарни воизлик қилиш
- касалларни шифолаш
- ўликларни тирилтириш
- моховларни поклаш
- жинларни қувиш

Улар буни Исодек, севги ва раҳмдиллик билан, бепул қилишлари керак эди. Уларнинг хизмати Исонинг хизматига ўхшаши керак эди.

Исо 70 тани 2тадан юборяпти

Ўн иккитаси тажрибага эга бўлишгандан сўнг, Исо 70 шогирдни икки кишидан юборди.

Луқо 10:1,9 Бу ҳодисалардан кейин Раббимиз Исо бошқа етмиш шогирдни танлаб, Ўзи ташриф буюрадиган ҳар бир шаҳар, ҳар бир жойга Ўзидан олдин бориб турсин учун уларни иккита–иккитадан юборди. Ўша ердаги касалларга шифо бериб, уларга: Худонинг Шохлиги сизларга яқинлашди,”- деб айтинглар, - деди.

Топшириқ ўзгармади. Уларнинг вазифаси:

- Касалларни шифолаш эди
- Худо Шохлигининг Хушхабарини воизлик қилиш эди

Хизмат кенгаяр эди. Исо Ўзининг хизматини аввал ўн икки шогирднинг ҳаётига кўчирди, сўнг эса етмиш шогирднинг ҳаётига кўчирди. Энг

муҳими - улар Исога бўйсунитар эди. Шунинг натижасида уларнинг ҳаёти катта мўъжизалар билан, қувонч ва ғалаба билан тўлди.

Исо барча имонлиларни юборяпти

Буюк Топширик сўзлари билан, Исо янгидан туғилган барча имонлиларни, Исо Масих номи билан хизмат қилишлари учун юборди.

Марк 16:15,17-18 Исо шогирдларига деди: “Бутун жаҳон бўйлаб юринглар ва ҳамма тирик жонга Инжил Хушхабарини тарғиб қилинглар. Қуйидаги аломатлар имонлиларга ҳамроҳ бўлади: Менинг номим билан жинларни қувиб чиқарадилар. Янги тилларда сўзлайдилар. Қўлларига илон олиб кўтарсалар ёки ҳалокатли бирон нарса ичсалар ҳам, уларга зарар етмайди. Беморларга қўлларини қўйганда, улар соғайиб кетадилар”.

Хулоса

Дунёга эришиш усули ўзгармади.

Исо ерда юрганида:

- таълим берар эди;
- воизлик қилар эди;
- шифолар эди;
- Ўн икки шогирдни юборди: улар -
- воизлик қилишлари учун;
- шифолашлари учун;
- поклашлари учун;
- ўликларни тирилтиришлари учун;
- ёвуз руҳларни қувишлари учун;
- Етмиш шогирдни юборди: улар -
- касалларни шифолашлари учун;
- Худо Шоҳлиги яқинлашди деб айтишлари учун;

Имонлиларга топширик

Хушбарни ҳар қандай инсонга воизлик қилиш барча имонлиларга берилган топшириқдир. Шунда ушбу аломатлар имонлиларга ҳамроҳ бўлади. Исо шундай деган: Менинг номим билан улар -

- жинларни қувишади;
- янги тилларда гапиришади;
- касалларга қўлларини қўйишади;

Барча имонлилар

Барча имонлилар, “имонлилар” (нафақат ҳаворийлар, пайғамбарлар, хушхабарчилар, чўпонлар ва ўқитувчилар) қўлларини касалларга қўйишлари шарт ва улар соғлом бўлишади.

Барча имонлилар, Исо ҳар куни қилган ишни қилишлари шарт.

Юҳанно 14:12 Сизларга ростини айтайин: Менга ишонган киши Мен қилаётган ишларни ўзи қилади ва ҳатто бундан каттароғини ҳам қилади. Зеро Мен Отамнинг олдида кетяпман.

Барча имонлилар Хушхабарни воизлик қилишлари керак ва Худо улар билан бирга бўлиб, Ўзининг Сўзини тасдиқловчи аломатлар билан ҳамроҳ бўлишига ишонишлари шарт.

Марк 16:20 Шогирдлар эса кетиб, ҳамма ёқда воизлик қилиб юрдилар. Раббимиз уларга кўмаклашар ва пайдо қилган мўъжизалар орқали Ўз каломини тасдиқлар эди. Омин.

Муқаддас Рух томонидан шу хизматга даъват қилинган барча имонлилар гувоҳлик беришлари керак.

Ҳаворийлар 1:8 Лекин Муқаддас Рух устингизга тушиб келганда, сизлар қувват оласизлар, Иерусалимда, Яҳудия билан Самариянинг ҳамма жойида ва ҳатто дунёнинг энг олис ерларида ҳам Менинг гувоҳларим бўласизлар.

Матто 24:14 Худо салтанати тўғрисидаги Инжил Хушхабари ҳамма халқларга далолат бўлиш учун жаҳон бўйлаб тарғиб қилинади ва ўшандагина сўнг бўлади.

Худонинг Ўғли Исо Масих, бутун инсониятга нажот бериш учун дунёга келди. Шифо ҳам ана шу нажотнинг бир қисмидир. Исо бир Ўзи вазифани бажаришни бошлади. Сўнг эса Исо, шогирдлар тайёрлаб, уларга таълим беришни ва кўпайтириш жараёнини бошлади. Бу кўпайиш бугунда ҳам давом этапти. Биз имонлиларга ушбу йўқотилган ва ҳалок бўлаётган дунёга Хушхабар олиб келиш ҳуқуқи берилган. Барча имонлилар Исо қилган ишларни давом эттиришлари керак.

МЎЪЖИЗАЛАР ХУШХАБАР АЙТИШГА ИМКОНИАТ ЯРАТАДИ

Шифоланиш масиҳийларни соғлиқ билан таъминлаши билан бирга, нажот топмаган одамларга Хушхабар айтиш учун имконият яратади. Инсонга Хушхабар айтишдан олдин, унинг диққатини жалб этиш керак. Ушбу азоб ва оғриқлар билан тўлган дунёда, шифолаш юракларни ўзига тартади ва Худо Сўзининг ҳаракатчанлигини тасдиқлайди.

Ҳаворийлар 3:1-8 Бир куни Петъор билан Юҳанно ибодат маҳали – соат учда бирга маъбадга чиқаётган эдилар. У ерда онадан туғма шол бўлган биров ҳам бор эди. Бу одамни маъбадга қираётганлардан садақа тилаш учун ҳар кун маъбаднинг Гўзал деган дарвозаси ёнига келтириб кўяр эдилар. У маъбадга кириб келаётган Петъор билан Юҳаннони кўриб, улардан ҳам садақа сўради. Петъор билан Юҳанно эса кўзларини унга тикиб: Бизларга қара – дедилар. Уодам улардан бирон нарса олишни умид қилиб, уларга диққат билан қарар эди. Петъор унга: – Менда қумуш ва олтин йўқ, аммо ўзимда борини сенга бераман: носиралик Исо Масих номидан сенга айтаман, ўрнингдан туриб юр! – деди–ю, ўнг қўлидан тутиб, уни оёққа турғизди. Бирданига унинг тиззалари билан тўпиклари мустаҳкамланиб қолди. У дик этиб оёққа турди–да, юра бошлади. Худога ҳамд айтиб, ирғиб–сақраб юрганича, улар билан маъбадга кирди.

Таҳлил

Келинлар ҳаворий Петъор ва Юҳаннонинг ишларига қараймиз:

► Улар шифолаш йиғинларини ўтказишар эди;

- Улар оддий ишлар қилишар эди – яъни маъбадга бориб ибодат қилишар эди. Мўъжиза жамоат деворларининг ташқарисида содир бўлди;
- Улар шол инсонни кўриб, унга шифо таклиф этишди;
- Улар биринчи ўринда турган моддий муҳтожликни қондириш учун пулсиз бўлсалар ҳам четга кетганлари йўқ;
- Ҳаворийлар, унга эга бўлган нарсаларини - Худонинг Сўзини - Исо номидаги кучни бердилар;
- Улар ҳокимият билан гапирдилар.

Яхши мисол

Петъор ва Юҳанно барча имонлилар учун намуна эдилар. Бизлар ана шу мисолга эргашсак бўлади. Улар учун, шолнинг шифо топиши оддий ҳолат эди. Ҳаворийлар: “Нима учун бунга ҳайрон бўляпсизлар?” - деб, сўрашди. Петъор ва Юҳанно шуҳратни ўзларига олмадилар. Касални Исо шифолаганини улар билишар эди.

Натижа

Петъор Хушхабар айтишига нима имконият яратди? Беш минг одам у орқали нажот топди.

Ҳаворийлар 4:4 Сўзни эшитганларнинг кўплари эса имон келтирдилар; бу одамларнинг сони беш мингга яқин эди.

Агар ҳар куни шифолаш хизматини олиб борсак, Хушхабар айтиш учун катта имкониятлар келади. Нафақат жамоат ичида, балки биз бораётган барча жойда.

Саволлар:

1. Буюк Топширик нима?
2. Бу дунёдаги йўқотилган одамларга эришишга нисбатан “кўпайиш” жараёнини тушунтиринг.
3. Исо Масихнинг маҳсулдор гувоҳлари бўлишимизга мўъжизалар қандай имкониятлар ярата олишини тушунтиринг.

8 Дарс

Муқаддас Рух ва шифо

ШИФОЛАШ ИНЪОМЛАРИ

Кириш

Худо Муқаддас Рух орқали жамотга турли нотабий инъомларни берди, токи бу инъомлар бугунги кунларда ҳам ҳаракат қилсин. Бизлар ўзимизни Муқаддас Рухга берсак, У Ўзининг инъомлари билан бизлар орқали ҳаракат қилади. Ана шу инъомлар ичида шифолаш инъоми ҳам мавжуд. Повул 1Коринфликларга йўллаган мактубини ёзиш вақтида руҳий инъомлар ҳақида ёзишга мойланган эди.

Руҳий инъомлар

1Коринфликларга 12:1,4-10 Биродарларим, сизларни руҳий инъомлар ҳақида билимсиз қолишингизни хоҳламайман. Инъомлар эса ҳар хил, лекин Рух ўша-ўшадир. Хизматлар ҳам ҳар хил, лекин Рабий ўша-ўшадир. Фаолиятлар ҳам ҳар хил, лекин ҳаммада ҳамма нарсани ҳаракатга келтирадиган Худо ўша-ўшадир. Аммл Рухнинг намоён бўлиши ҳар кимнинг манфаати учун берилади. Бирига Рух томонидан донолик сўзи берилади, бошқасига эса худи ўша Рух томонидан билим сўзи берилади. Бирига худди ўша Рух томонидан шифокорлик инъомлари берилади. Бирига мўъжизакорлик куч-қудрати, бошқасига эса пайғамбарчилик берилади; бирига руҳларни фарқлаш, бошқасига ҳар хил тиллар, яа бошқасига тилларни талқин қилиш инъомлари берилади.

Улар нотабийдир

Бизлар шифолаш инъоми нотабий эканини тан олишимиз керак. Ҳаётимизда шифолар, Худонинг нотабий кучи орқали намоён бўлади. Муқаддас Рухнинг мойланиши ёки шифоланиш кучи Исо Масихга ишониш орқали куйилади.

Тиббий таълимга боғлиқ эмас

Шифолаш руҳий инъоми билан, тиббиёт ёки инсоний таълимот ўртасида ҳеч қандай алоқа йўқ. Бунга, “Луқо Хушхабарини” ва “Ҳаворийлар фаолияти” мактубини ёзган шифокор Луқо яхши мисол бўла олади. У яхши шифокор эди. Повул Колосликларга ёзганида, Лукони шифокор деб атаган.

Колосаликларга 4:14 “Севимли табиб Луқо ва Димас сизларга салом йўллашяпти”.

Луқо Петъор билан саёҳат қилган ва у Малта оролида бўлган. Лекин унинг олдида касаллар келгани ҳақида айтилмаган. Бошлиқнинг (оролнинг бошлиғи) қайнотаси касал эди ва Повул унга қўлини қўйиб шифолади. Одамлар бу мўъжизани кўриб, оролдаги касалларни

Повулнинг олдига олиб келишар эди. У уларга хизмат қилди ва улар шифо топишди.

Шифокорлар билан ҳамкорлик қилинг (бирлашинг)

Бизлар хизмат олиб борганимизда, шифокорлар ва тиббий таълимот билан бир қаторда бўлишни истаймиз. Кўпларимиз, шифокорларнинг ёрдами билан тирикмиз. Улар бизларга имонсизлик вақтимизда ёрдам беришган. Лекин тиббиётни шифолаш инъомлари билан тенглаштирманг. Ҳеч қачон, ҳеч кимга шифокор олдига бормаслик керак ёки дорилар қабул қилмаслик керак деб айтманг. Улар шифо топишгандан сўнг, дорига бошқа муҳтож эмаслар. Агар у соғ бўлса ва шифокор унга дорилар ёзиб берса, унинг ўзи қабул қилишни тўхтатиши лозим.

Шифолаш инъомининг мақсади

Шифолаш инъомининг 3та мақсади:

- касалларни озод қилиш;
- инсонларнинг танасидаги шайтоннинг ишларини барбод қилиш;
- Худонинг Сўзини мўъжиза ва аломатлар билан тасдиқлаш;

Хулоса

Худо Муқаддас Рухи орқали нотабий шифолаш инъомларини берди. Бизлар тиббиёт билан ҳамкорлик қилсак ҳам, шифолаш инъомлари ундан фарқ қилади. Жамоат бу инъомлар билан касалларни озод қилади, шайтонни енгади ва Хушхабарни мўъжиза, аломатлар билан тасдиқлайди. Бунинг ҳаммаси Исо Масихга ишониш орқали содир бўлади.

МУҚАДДАС РУХНИНГ КУЧИ БИЛАН ШИФОЛАНИШ

Шифоланиш доимо Муқаддас Рухнинг кучи билан ва Исо Масихга ишониш орқали содир бўлади. Ушбу бўлимда, намуна сифатида Исога, Петъорга, Юҳаннога ва Повулга қараймиз.

Исонинг мисоли

Исо ҳам Худонинг Ўғли, ҳам Инсон Ўғли эди. Бироқ, Муқаддас Рух Унинг устига тушишига қадар, бирорта мўъжиза содир бўлмаган. Исо сувга чўмгандан сўнг, Муқаддас Рухнинг кучи билан ҳаракат қилганини кўрамиз.

Ҳаворийлар 10:37-38 Яҳё пайғамбар ваъз қилиб, халқни сувда тавба қилдириб юрганидан кейин, Жалиладан бошлаб бутун Яҳудия юрти бўйлаб содир бўлган воқеаларни сизлар биласизлар. Носирадан чиққан Исони Худо юборди. Худонинг Ўзи Исо билан бирга бўлгани учун, У Муқаддас Рух ва қудратга тўлган ҳолда эзгулик қилар, иблиснинг золим ҳукми остида қийналиб юрганларнинг ҳаммасини соғайтирар эди.

Исо Муқаддас Рух томонидан бошқарилди

Юҳанно хушхабарининг 5 бобида, Исо шифолаш хизмати вақтида, Муқаддас Рух томонидан бошқарилганини кўрамиз. Ушбу мисолда, кўплар шифога муҳтож бўлганларини кўрамиз. Бироқ, Исо Муқаддас Рухга

сезгир бўлгани сабабли, У Рух томонидан “белгиланган” инсоннинг олдига юборилган эди.

Юҳанно 5:1-9 Бу ҳодисалардан кейин яҳудийларнинг байрами бўлди ва Исо Иерусалимга борди. Иерусалимнинг Қўй дарвоза номли кираверишида яҳудийча Байт-Ҳасда деган беш шийпонли бир ҳовуз бор эди. Бу шийпонларда кўр, чўлоқ, майиб-мажруҳ жуда кўп беморлар ётар, сувнинг қимирлашини интизор бўлиб кутардилар. Чунки Худованднинг бир фариштаси гоҳ-гоҳ ҳовузга тушиб, сувни ҳаракатга келтирар эди. Сув қимирлаши билан ҳовузга биринчи бўлиб ким тушса, ҳар қандай хасталиқдан халос бўлар эди. Бу ерда ўттиз саккиз йилдан бери касал бўлиб ётган бир киши бор эди. Исо унинг ётганини кўрди, узоқ вақтдан бери хаста эканлигини пайқади-да, соғайишни истайсанми? – деб сўради ундан. Бемор Исога жавоб берди: Ҳа, Ҳазрат! Лекин сув қимирлаганда, мени ҳовузга туширадиган одамим йўқ. Мен боргунимча, бошқаси мендан олдин тушиб олади. - Ўрнингдан тур, тўшагингни олиб юр! – деди Исо беморга. У эса шу ондаёқ соғайиб қолди. Тўшагини олиб, юриб кетди. У кун дам олиш куни эди.

Исо Ота томонидан бошқарилди

Шуни унутмаслик керакки, У Отасида кўрган ишларни қилар эди.

Юҳанно 5:19,30 Буларга қарши Исо деди : Сизларга ростини айтмай: Ўғил Отанинг қилган ишларини кўрмагунча, Ўзи ҳеч нарса қила олмайди. Ота нималарни қилса, Ўғил ҳам худди шуларни қилади. Мен Ўз-Ўзимдан ҳеч нарса қилолмайман. Қандай эшитсам, шундай ҳукм қиламан ва Менинг ҳукмим ҳаққонийдир. Чунки Мен Ўз иродамни эмас, балки Мени юборган Отанинг иродасини бажо келтиришни истайман.

30 оятда Исо бизга, Ўзининг эмас, балки Отасининг иродасини излаётганини айтди.

Петъорнинг мисоли

Петъор ва Юҳанно ҳам Муқаддас Рухга таянишар эди. Шолнинг шифоланишига Рухнинг бошқаруви ва кучи олиб келди.

Ҳаворийлар 3:4,6,12 Петъор билан Юҳанно эса кўзларини унга тикиб: Бизларга қара! – дедилар. Петъор унга: Менда кумуш ва олтин йўқ, аммо ўзимда борини сенга бераман: Носиралик Исо Масих номидан сенга айтаман, ўрнингдан туриб-юр! – деди-ю, ўнг кўлидан тутиб, уни оёққа турғизди. Бирданига унинг тиззалари билан тўпиклари мустаҳкамланиб қолди. Петъор бунга кўриб, халққа хитобан: ”Эй, Исроил эрлари! – деди. Нима учун бунга хайрон бўляпсизлар? Гўё бизлар ўз қудратимиз ёки такводорлигимиз билан ўша кишини оёққа турғизганимиздек, бизларга нега қараб турибсизлар?”

Петъор, шифони Муқаддас Рух берди деб айтди. Улар Худонинг Рухи билан бирга ҳаракат қилишган. Худо бошқариб, йўналтирар эди.

Повулнинг мисоли

Повул хизматни Муқаддас Рухнинг кучи билан олиб борар эди.

Ҳаворийлар 13:9 Шунда Муқаддас Рухга тўлган Шоул, яъни Повул, унга кўзларини тикиб деди...

Ҳаворийлар 19:11 Худо Повулнинг қўллари билан кўп қудратли ишларни қилар эди.

Муқаддас Рух бошқаргани сабабли, Повул қудратли хизмат ишларини қилар эди.

Хотимада бизлар, Муқаддас Рух Исони, Петъорни, Юҳаннони ва Повулни қандай бошқариб, уларга шифолаш ҳокимиятини берганининг мисолларини кўряпмиз. Худонинг Сўзи, биз имонлиларга, Муқаддас Рух бошқаруви остида юришимизни буюради. Кейинги бўлимда бу ҳақида кўпроқ муҳокама этилган.

ИМОНЛИЛАР ХИЗМАТНИ - МУҚАДДАС РУХНИНГ КУЧИ БИЛАН ОЛИБ БОРИШАДИ

Олдинги бўлимда айтиб ўтганимиздек, яъни Муқаддас Рухнинг кучи Исонинг, Петъорнинг, Юҳаннонинг ва Повулнинг ҳаётида ҳаракат қилганидек, бизлар ҳам имонлилар сифатида шифолаш хизматини Рухнинг кучи билан олиб боришимиз лозим.

Лой идишлар

Лой идишлар сифатида бизнинг ичимизда Муқаддас Рухнинг хазинаси мавжуд. Ажойиб мўъжизалар бизнинг эмас, балки ичимиздаги Худонинг кучи билан содир бўлади.

2Коринфликларга 4:7 Бу улуғвор хазинани эса биз сопол идишларда олиб юрибмиз, токи бу олий қудрат бизга эмас, Худога мансуб эканлиги кўриниб турсин.

Михей 3:8 “Мен эса Раббий Рухи кучининг полвониман”.

Шифо фақат Унинг кучи билан содир бўлишини тушуниб, Унга шарафлар айтишимиз керак.

Муқаддас Рух ваколат берди

Шифолаш инъоми билан хизмат қилишимиз учун, бизлар Муқаддас Рух томонидан бошқарилишимиз ва ваколатланган бўлишимиз лозим. Ўзимизнинг кучимиз билан бизлар ҳеч нарса қила олмаймиз.

Муқаддас Рух бошқарар эди

Агар бизлар Рухга сезгир бўлсак ва У томонидан бошқарилсак, У бизлар орқали муҳим бўлган инъомни намоён қилади. Худо буни бизнинг эмас, балки Ўзининг донолиги билан амалга оширади.

1Коринфликларга 12:7 Аммо Рухнинг намоён бўлиши ҳар кимнинг манфаати учун берилади.

Кучни инкор этиш

Бугун кўп масиҳийлар, Муқаддас Рухнинг кучини инкор этганлари учун, ўзларининг ҳаётларида мўъжизалар кўришмайди.

2Тимўтийга 3:5 Улар диёнатнинг тусига эга бўла туриб, аммо унинг куч-қудратидан воз кечганлар. Бундайлардан узоқлашгин.

Тирилтириш кучи

Муқаддас Рухнинг кучи Исони ўликлардан тирилтирган, ушбу куч имонлилар орқали ҳам қуйила олади.

Эфесликларга 1:19-20 ...ҳамда Худонинг қодирлигининг қудрати бўйича биз, имонлиларда ҳаракат қилаётган Унинг кучининг чексиз буюклигини пайқаб олинглар. Худо Масиҳда ўша куч-қудратни амалда шундай кўрсатдики: Уни ўликлардан тирилтириб, самода Ўзининг ўнг томонига ўтқазиб...

Ҳаворийлар 4:33 Ҳаворийлар эса Раббимиз Исо Масиҳ қайта тирилди, деб жуда таъсирчан тарзда гувоҳлик беришар эди.

Ҳаворийлар 5:12 Халқ орасида ҳаворийларнинг қўллари билан кўп ажойиб ва мўъжизали ишлар содир булар эди. Ҳамма имонлилар яқдиллик билан Сулаймон равоқида йиғилиб турдилар.

Хулоса

Бизнинг танамиз Муқаддас Рухнинг маъбадидир. Инсоний тана заиф бўлса ҳам, бизлар барибир, Муқаддас Рухга бизни бошқариб, ҳаётимизда ажойиб, мўъжизали шифолаш хизматини олиб боришига йўл қўямиз.

Бугун Муқаддас Рух ҳақиқатан ҳам имонлиларни бошқариб, уларга касалларни шифолаш кучини берапти. Айнан Исони тирилтирган куч билан бизлар қўлларимизни чўзамиз ва У айтган ишларни яратамиз.

Саволлар:

1. Тиббиёт ёрдамида содир бўлган шифолаш - шифолаш руҳий инъомларига кирадими?
2. Тиббиёт ёрдамида шифо олиш билан, шифолаш инъоми ёрдамида шифо олишнинг ўртасида қандайдир ихтилоф борми?
3. Сизда имонли сифатида беморларни шифолаш учун бор бўлган куч билан Исодаги беморларни шифолаш учун бор бўлган кучни таққосланг.

9 Дарс

Шифолаш кучи

Кириш

Ушбу дарсда бизлар, шифога мухтож бўлган киши учун, имонлилар орқали келадиган шифолаш кучи ҳақида гапиримиз. Мисол учун, бизлар Исони ва Повулни оламиз. Сўнг эса, имонли киши ҳақида ўйлаб кўрамиз. Бизлар, шифолаш кучи доимо имон билан ажралишини кўрамиз.

ИСОНИНГ ХИЗМАТИДАГИ ШИФОЛАШ КУЧИ

Ушбу бўлимда бизлар, шифолаш кучи Исога, сувда чўмиш вақтида Муқаддас Рух тушгандан сўнг келганини кўряпмиз; ушбу куч алоқа орқали берилади. Бизга яхши таниш бўлган, қон кетиши касаллига эга бўлган аёл ҳақидаги воқеа Марк хушхабарига ёзилган ва бизга уни баён этади.

Марк 5:25-34 У ерда ўн икки йилдан бери қон кетишидан азоб чекаётган бир аёл ҳам бор эди. У кўп табиблардан кўп кийналиб, бутун мол-мулкини сарф этгани билан ҳеч фойда кўрмаган, аксинча, аҳволи янада оғирлашиб кетган эди. Аёл Исо ҳақида эшитди-ю халойиқ ўртасидан орқа томондан Унга яқинлашиб, кийимига қўл тегизди. У ўзича : “Агар кийимига бир тегиб олсам бас, соғайиб кетаман”, - деб ўйлаган эди. У шундай қилиши биланок, қон кетиши тўхтади. Аёл касалликдан фориғ бўлганини ўз танасида ҳис этди. Исо эса шу онда ўздан бир куч чиққанлигини пайқади. У атрофидаги халойиққа кўз югуртириб: - Менинг кийимимга ким тегди? – деди. Шогирдлари Унга: - Халойиқ Сени сиқиб турганлигини кўряпсан-ку ва тагин кийимимга ким тегди, деб сўраяпсанми? – дейишди. Лекин Исо буни қилган аёлни кўриш учун атрофга қарар эди. Аёл ўзига нима бўлганини билиб, кўрқиб ва қалтираб келди, Исонинг оёқларига ўзини ташлаб, бутун ҳақиқатни Унга сўзлаб берди. Исо унга: Қизим, ишончинг сени қутқарди. Эсон – омон бориб, дардингдан фориғ бўлгил, - деди.

Динамис

“Куч”сўзи,(30 оят) - грекча сўз динамис, “Худонинг қобилияти ва кучи”ни англатади. Ана шу сўздан “динамикли”, “динамо” ва “динамит” сўзлари пайдо бўлган. Исо, Ўздан ана шу динамикли куч чиқаётганини билар эди.

Ана шу куч ҳақида Лукода ҳам баён этилган:

Луко 4:14 Исо Рух қудратида Жалилага қайтиб келди. У ҳақида бутун ўлка атрофи бўйлаб овоза тарқалди.

Шифолаш кучи

Исо, Ўздан куч чиқаётганини билар эди. Шифолаш кучи қудратли эди. Унга кимдир тегса, Унинг кучи ўтар эди. Луко ва Марк хушхабарининг кейинги оятларида, қўл тегизиш орқали шифоловчи кучнинг ўтиши, яхши пойдеворга эга эканини кўрамиз.

Луко 6:19 Бутун халқ Унга қўл тегизишга ҳаракат қилар эди, чунки Ундан куч чиқиб, ҳаммани шифолар эди.

Шифолаш кучи, Исо сувда чўмганидан сўнг, Унинг танасида қолди. Юханно у ҳақида гувоҳлик берган.

Юханно 1:32 **Яҳё яна шундай шаҳодат берди: Мен Илоҳий Рухнинг осмондан каптардай учиб келиб, Ўшанинг устига қўнганини кўрдим.**

Турли мойланишлар

Исо Рухнинг кучи билан хизмат қилгани сабабли, Муқаддас Рух Уни қайси хизматга бошқаришига қараб, турли мойланишларда ҳаракат қилар эди. Масалан, У жинларни қувиш ва касалларни шифолаш мойланишидан фарқ қиладиган, воизлик қилиш ва таълим бериш мойланишига ҳам эга эди.

Луко 5:17 **Бир куни Исо таълим бераётганида, Жалила ва Яхудиянинг ҳамма жойларидан ҳамда Иерусалимдан фарзийлар ва Қонун муаллимлари келиб, у ерда ўтирган эдилар. Худованднинг куч-қудрати эса касалларни шифолашда намоён бўлаётган эди.**

Худонинг шифоловчи кучи, Унда яшайдиган Муқаддас Рух орқали, танасини тўлдириб турар эди. Исо Ўзининг хизматида, Унинг олдига имон билан яқинлашаётган касалга, ана шу кучнинг оқиши ҳақида гувоҳлик берган. Исо, воизлик қилиш ёки таълим бериш учун мойланган вақтлар бўлган. Бошқа пайтда эса, У жинларни қувиш ва касалларни шифолаш учун мойланган.

ШИФОЛАШ КУЧИ ВА ПОВУЛНИНГ ХИЗМАТИ

Повулнинг мисоли

Повулнинг хизматида, Худо билан боғланиш ёрдамида келадиган шифолаш кучининг, алоҳида мисолларини кўраимиз. Ҳаворийлар китобини ўқисак, боғлаш учун Повулнинг рўмоли ишлатилган.

Ҳаворийлар 19:11-12 **Худо Повулнинг қўллари билан кўп қудратли ишларни қилар эди. Ҳатто унинг баданига теккан рўмоллар ва камарлар ҳам беморларнинг устига қўйилганда, улар касалдан халос бўлар, ичларидаги ёвуз руҳлар эса чиқиб кетарди.**

Кузатувлар

Ана шу мисолдан бизлар бир неча нарсани кузатишимиз мумкин:

- Шифолаш кучини сезиб бўлади ва ҳақиқатан ҳам мавжуд. У рўмолча ва камарлар орқали ҳам ўтиши мумкин.
- Повул ўз хизматида, касалнинг олдига бора олмаганида ёки касаллар унинг олдига кела олмаганида, ана шу усулни қўллаган.
- Рўмолча тегиш нуқтаси, имон ажралаши учун тақалиш эди.
- Бу нарса, Повулнинг ўзи шахсан қўлини қўйиб ибодат қилишидек, таъсирга эга эди.
- Повул доимо, Худонинг шифоловчи кучи - динамис билан хизмат қилар эди.

1Коринфликларга 1:4 Исо Масихда сизларга берилган Худонинг инояти учун сизлар хақингизда Худойимга хамиша миннатдорчилик билдираман.

Ҳаворий Повулнинг хаётига карасак У, Исода бўлган Муқаддас Рухнинг кучига эга бўлганини кўрамиз. Одамлар имон билан, Худонинг шифолаш кучи орқали шифо олар эдилар.

ШИФОЛАШ КУЧИ РУҲГА ЧЎМГАН ҲАР БИР ИМОНЛИДА МАВЖУД

Бизда куч бор

Ушбу шифоловчи куч - Исонинг ёки хатто Повулнинг хаётида ҳаракат қилганини кўриш яхши. Бизлар-чи? Биз, Муқаддас Рух билан тўлган оддий масихийлар, ана шу кучга эгамизми?

Луқонинг баён қилишича, Исо айтган охириги нарсалардан бири бу:

Ҳаворийлар 1:8 Лекин Муқаддас Рух устингизга тушиб келганда. Сизлар қувват оласизлар. Иерусалимда, Яҳудия билан Самариянинг ҳамма жойида ва хатто дунёнинг энг олис ерларида ҳам Менинг гувоҳларим бўласизлар.

Кучнинг маъносини бидирувчи – динамис сўзи, Исода бўлган шифолаш кучини изоҳ этиш учун ишлатилган эди. Биз Рухга чўмган масихийларда, айнан Исо Масихда ва ҳаворий Повулда бўлган шифоловчи куч бор. Бизлар Унинг маҳсулдор гувоҳлари бўлсак, ушбу динамик куч бизлар орқали бошқаларга қуйилишни бошлайди. Раббий Ўзининг Сўзини, касалларга шифо билан хизмат қилишимиз орқали тасдиқлагани учун, ҳар бир имонли Иерусалимга, Яҳудияга, Самарияга ва хатто дунёнинг четларигача бориб, Хушхабарнинг маҳсулдор гувоҳи бўлади.

Бизда буюк куч бор

Луқо 24:49 Мана, Мен Отамнинг берган ваъдасини сизларнинг устингизга юбораман. Сизлар эса юқоридан бу қудратга бурканмагунингизча, Иерусалим шаҳрида қолинглар.

Ҳаворийлар китобида бўлганидек, бизларда ҳам гувоҳлик беришимиз учун “буюк куч” бўлади.

Ҳаворийлар 4:33 Ҳаворийлар эса Раббимиз Исо Масих қайта тирилди, деб жуда таъсирчан тарзда гувоҳлик беришар эди.

Ҳаворийлар 6:8 Бу пайт имони комил ва илохий қудратга тўлган Стефан халқ орасида буюк ва ажойиб мўъжизалар кўрсатар эди.

Худо бизларда яшаётган Муқаддас Рухнинг кучи билан биз учун ва бизлар орқали буюк ишлар қилади.

Тенгсиз буюк куч

Эфесликларга 3:20 Бизнинг ичимизда Ўз куч-қудрати билан ҳаракат қилаётган Худо эса биз сўраётган, ёки орзу қилаётган ҳамма нарсадан ҳам ҳаддан ташқари кўпини қилишга қодирдир.

Бизлар Худодан шифо олишимиз учун, ичимизда аллақачон Муқаддас Рух билан бирга бор бўлган имонни ишлатишнинг ўрнига, Ундан - шифо учун куч бергин деб сўраганимиз туфайли, истаган шифоимизни ола олмадик.

Ҳаёт суви оксин

Юҳанно 7:38 Муқаддас Битикда айтилганидек, Менга ишонганинг вужудидан ҳаётбахш сув, дарё бўлиб оқади.

Худо улуғлансин! У юзхотирчилик қилувчи эмас. Бизда худди Исо Масихда ва хаворий Повулда бўлган куч бор. Бу куч, Рухда чўмганимиздан бошлаб, биз билан биргадир. Ушбу шифоловчи куч - Муқаддас Рухнинг кучидир.

ШИФОЛАШ КУЧИ ДОИМО ИМОН БИЛАН ҲАРАКАТ ҚИЛАДИ

Шифолаш кучи бизларда, лекин уни қандай қилиб ишлатиш мумкин? Уни қандай қилиб ҳаракатга келтирамиз? Худодан нимаики олсак, Исо Масихга ишониш орқали оламиз. Унинг Сўзи ҳақиқат эканига ишонинглар. У, қиламан деган ишни амалга оширишига ишонинглар.

Имон - шифони келтиради

Шифо доимо имон билан содир бўлади: хизматкорнинг имони, у билан бирга ишлаётганларнинг имони ва шифога муҳтож бўлганнинг имони керак.

Марк 5:27 Аёл Исо ҳақида эшитди-ю, халойиқ ўртасида орқа томондан Унга яқинлашиб, кийимига қўл тегизди.

Имон қандай келади?

Имон Исо ҳақида эшитиш орқали келади.

Римликларга 10:17 Шундай экан, имон - эшитишдан, эшитиш эса - Масихнинг сўзи орқалидир.

Имон гапиради

Аёл киши имонини бемалол эътироф этди: “Ҳеч бўлмаса агар, Унинг кийимига тегсам, соғаяман!”

Имон ҳаракат қилади

Аёл киши имон билан ҳаракат қилиб, Унинг кийимига тегди:

- Тегиш - бу боғланиш
- Бу нарса унинг имонини ишга солди
- Боғланиш ва ўтказиш қонуни, шифо аёлнинг ичига кириши учун имконият яратди.

Имон натижалар олиб келади!

Исо деди: “Эй аёл! Сени имонинг қутқарди”.

Шифолаш кучи имон билан ажратилган эди. Бу имон, Худонинг Сўзи шифо ҳақида нима дейишини билишдан келади. Бу куч, Худонинг Сўзи бўйича сўзлаганимизда ва яшаганимизда ишлайди.

Саволлар:

1. Шифоловчи куч қаердан келади?
2. Сизда шифолаш кучи боми? Жавобингизни тушунтиринг.

3. Шифоловчи кучни, унга мухтож бўлганларнинг танасига, қандай қилиб ўткази оласиз?

10 Дарс

Қўл қўйиш орқали шифоланиш

Қўл қўйишнинг Библиявий асоси

Бу дарсда бизлар, қўлларни қўйиш чуқур илдизга эга эканини – унинг Исроил халқининг бош аجدодларига тақалишини кўриб чиқамиз. Худди шунингдек, қўл қўйишнинг Библиявий асосларини ва мазкур хизматда амалий таълимотни кўриб чиқамиз.

Бизлар қўл қўйиш орқали доимо ҳаққоний ва сезиларли ўтказиш бўлишини тушунишимиз муҳим.

Асосий таълимот

Қўл қўйиш – Масих таълимотининг асосий принципларидан биридир. Ибронийларга мактубида, Масих таълимоти бошланғичларини санаб ўтилишини кўришимиз мумкин. Қўл қўйиш шулардан бири эканини таъкидлаб ўтиш муҳимдир.

Ибронийларга 6:1-2 Шунинг учун Исо Масих ҳақидаги бошланғич таълимотни қолдириб, камолотга интилайлик. Тағин ўлик ишлардан товба қилиш, Худога ишониш, ғусллар ва бошга қўл қўйиб дуо қилишлар, қиёмат ва абадий ҳукм ҳақидаги таълимотнинг асосини солиб ўтирмайлик.

Қўл қўйиш – доимо бир одамдан ниманидир бошқа одамга ўтказиш учун қўлланган.

Бу бўлимда бизлар қўл қўйишнинг учта турли хилини кўриб чиқамиз: Биринчи турга – Исроил халқининг ташкиллаштирилиши; Иккинчисига – Кучнинг Мусодан Иешуа бин Нунга ўтказилиши; Сўнгисига Янги Аҳддаги – Муқаддас Рухга чўмиш мисол бўла олади.

Ҳоруннинг мисоли

Левит китобида гуноҳ қўл қўйиш орқали эчкига ўтказилиши ёритилган.

Левит 16:21-22 Ва Ҳорун икки қўлини тирик эчкининг бошига қўяди ва Исроил ўғилларининг барча қонунсизликларини, уларнинг барча жиноятларини, уларнинг барча гуноҳларини, эътироф этади ва уларни эчкининг бошига қўяди. Сўнг чопар инсон билан чўлга юборади.

Иешуа Бин Нуннинг мисоли

Мусо қўл қўйганида Иешуа бин Нунга донолик руҳи ўтди.

Қонуннинг Такрорланиши 34:9 Бен-Нун ўғли Иешуа донолик билан тўлди, чунки Мусо ўз қўлини унга қўйди ва Исроил ўғиллари унга итоат қилишар эди ва Раббий Мусога буюрганидек қилишар эди.

Муқаддас Рухнинг мисоли

Повул Эфесга келди. У имонлиларга қўл қўяр эди ва Муқаддас Рух уларга тушар эди.

Хаворийлар 19:6 Повул қўлларини уларнинг бошига қўйиши билан Муқаддас Рух уларнинг устига тушиб келди. Улар янги тилларда гапириб, каромат қила бошладилар.

Бу барча мисоллар Ёзув бизларга қўл қўйиш - бизнинг хизматимизда Худонинг режаларидан бири эканини ўргатишини очади.

Енгилтаклик билан қарамаслик

Қўл қўйишларга енгилтаклик билан қарамаслик лозим. Бизлар хизматчиларни ҳурмат қилишимиз лозим.

1Салоникаликларга 5:12 Биродарлар, орангизда меҳнат қилиб, Раббий йўлида сизларга бошчилик қилиб, йўл-йўриқ бераётганларни ҳурмат қилинглар, деб сизлардан ўтиниб сўраймиз.

Қўл қўйиш - бирдан пайдо бўлган истакдан эмас, балки Муқаддас Рухнинг бошқаруви остида бўлиши лозим.

1Тимўтийга 5:22 Ҳеч кимга қўлингни шошилишч қўйма ва бошқалар-нинг гуноҳларига шерик бўлма. Ўзингни пок саклагин.

ИСО ШИФОЛАШ ХИЗМАТИНИ, ҚЎЛ ҚЎЙИШ БИЛАН АМАЛГА ОШИРГАН

Исо шифолаши жараёнида кўпинча одамларга қўл тегизар эди. Исо кўпинча қўл тегизиш ёки қўл қўйиш билан шифолаган. Бунинг мисоллари:

Мохов одам

Бизлар биламизки, инсон мохов кишига қўлини теккизса, унинг касаллиги ўтиши турган гап. Бу касаллик осон (тез) юқадиган касалликдир. Мохов одам шифо сўраганида, Исо қўлини узатди ва унга тегди.

Марк 1:40-41 Бир мохов Исога яқинлашиб, Унинг олдида тиз чўкканча ялинди: Агар истасанг, мени моховликдан пок қила оласан. Исонинг унга раҳми келиб, қўлини узатди ва унга тегизиб: **истайман, пок бўл! – деб қўйди.**

Синагога бошлигининг қизи

Исони синагоганинг бошлигининг ўлик қизининг олдида чақирганларида, У қизнинг қўлидан тутди ва унинг танасига ҳаёт қайтишини буюрди.

Марк 5:35-42 Исо шундай деб турган ҳам эдики, жамоабошининг уйидан одамлар келиб унга: Қизингиз ўлди, нега яна Устозни оввора қилиясиз?- дедилар. Исо бу сўзларни эшитиб,

жамоабошига: Қўрқма, фақат ишонгин, -деди. Исо ҳеч кимнинг эргашишига йўл қўймай, фақат Петъор, Ёқуб ва унинг укаси Юҳаннони олиб кетди. Жамоабошининг уйига етганларида, йиғи ва дод-фарёд тўла бир қий-чувга дуч келишди. Исо ичкарига кириб: Нега қайғуряпсиз-лар, нега йиғлаяпсизлар? Қизча ўлган эмас, у ухлаб ётибди, - деди. Улар эса Унинг устидан кулишди. Исо ҳаммани ташқарига чиқариб юборди, қизчанинг ота-онаси ва шогирдларини олиб қолди ва қизча ётган хонага кирди. Қизчанинг қўлидан ушлаб унга: Талифа куми! – деди. Бу сўзнинг таржимаси: “ўрнингдан тур!” демакдир. Ўн икки яшар қизалок шу онда ўрнидан туриб, юра бошлади. Буни кўрганларнинг ақли шошди.

Кар одам

Бу мисолда бизлар Исо тананинг заифликдан шикастланган қисмига қўл тегизганини кўрамиз. Одам кар эди ва Исо бармоқларини унинг қулоқларига қўйди.

Марк 7:31-35 Исо Тир ва Сидўн чегарасидан жўнаб, Ўнкент вилоятдан ўтиб, яна Жалила қўли бўйига келди. Исонинг олдида бир кар-соқовни келтириб, унга қўл тегизишини сўрашди. Исо у одамни халойиқ орасидан олиб чиқиб бир четга тортди-да, бармоқларини унинг қулоқларига тикиб қўйди ва тупуриб тилига тегизди. Кейин осмонга қараб, чуқур хўрсинди-да, унга: Эффатах! – деди. Бу сўзнинг таржимаси “Очил!” демакдир. Шу онда у одамнинг қулоқлари очилиб, тилга кирди, равонгина гапира бошлади.

Исонинг одамларга қўл қўйиш усули қизикдир. У қўлларини, тананинг шифога муҳтож бўлган жойларига қўяр эди. Бизлар қўлларни бошга қўйишга одатланиб қолганмиз. Аммо, бизлар қўл қўйишни Исонинг мисолидан ўрганишимиз лозим.

БАРЧА ИМОНЛИЛАР ҚЎЛ ҚЎЙИШ БИЛАН ШИФОЛАШ ХИЗМАТИНИ БАЖАРИШЛАРИ ЛОЗИМ

Ҳаворий Повул

Исонинг мисолига эргашган ҳолда, Повул ҳам қўлларини тананинг шифога муҳтож жойига қўяр эди.

Ҳаворийлар 28:8 Ўша пайтда Публийнинг отаси юракбуруғдан қийналиб, иситмалаб ётар эди. Повул унинг ёнига кирди ва қўлларини унинг устига қўйганча ибодат қилиб, уни соғайтирди.

Имонлилар бугунги кунларда

Исо ва Повул кўплаб одамларни шифоладилар. Улар беморни шифолаш жараёнида кўпинча унга қўл қўяр эдилар. Бизлар ҳам, имонлилар сифатида беморларга қўл қўйишга ўргатилганмиз.

Марк 16:17-18 Қўйидаги аломатлар имонлиларга ҳамроҳ бўлади: Менинг номим билан жинларни қувиб чиқарадилар. Янги тилларда сўзлайдилар. Қўлларига илон олиб кўтарсалар ёки ҳалокатли бирон нарса ичсалар ҳам, уларга зарар етмайди. Беморларга қўлларини қўйганда, улар соғайиб кетадилар.

Исонинг сўнги сўзлари

Беморларга қўл қўйиш ҳақидаги бу таълимот – Марк хушхабаридagi

Исонинг бу ерда айтган сўнги сўзларига асосланган. Исонинг бу сўнги муҳим сўзлари беморларга кучли севгисини ва ҳамдарддигини намоён қилади.

Бу таълимот – шифоланишда аломатлар ва мўъжизаларнинг бу дунёда йўқотилган одамларни Хушхабар билан қўлга киритиш усули сифатида муҳим эканига урғу беради. Улар, Худо хизматга даъват этганлар учунгина эмас, балки барча «имон келтирганлар» учундир.

Бизлар ҳам бундан мустасно эмасмиз. Бизлар ҳам беморларга қўлларимизни қўйишимиз керак. Худо имонсизларга Ўз севгисини намоён қилиш ва уларнинг кўзларини ҳақиқатни англашга очиш учун шифолаш мўъжизаларини яратади ва улар қайта туғиладилар.

ҚЎЛ ҚЎЙИШДА АМАЛИЙ МАСЛАҲАТЛАР

Бизларга - беморларга қўл қўйиш амр этилган экан, бизлар маълум кўрсатмаларга риоя қилишимиз лозим. Бу бўлимда бизлар Худонинг Сўзига ва кўп йиллик амалиёт тажрибасига асосланган йўлланма билан ўртоқлашишга ҳаракат қиламиз.

Қаерда туриш лозим

Худонинг шифолаш кучи – бизнинг бутун танамиздадир. Шунинг учун иложи борича одамнинг қаршисида турунг. Муқаддас Рух бошқаришига кўра бир ёки иккала қўлингизни ишлатинг.

Касалликни аниқланг

Одамдан Худога қандай эҳтиёж учун ибодат қилишни сўранг. Саволингизни шундай беришга ҳаракат қилингки, шифога муҳтож одам имони билан ижобий жавоб бера олсин.

Одамларга - «Нима учун Худо уларни даволаши қийин» эканининг икир-чикирларини сўзлашларига йўл қўйманг.

Матто 19:26 Исо уларга кўзларини тикиб - одамларга бу имконсиз, лекин Худога ҳамма нарса мумкиндир, - деди.

Ёдингизда сақланг: салбий тасдиқлар шубҳани келтириб чиқаради. Худонинг Сўзини ижобий тасдиқлаш эса имонни келтириб чиқаради.

Тананинг шифога муҳтож бўлган жойига қўлингизни қўйинг

Муқаддас Рухнинг шифосини тўғридан-тўғри ўтказиш учун тананинг шифога муҳтож бўлган жойига қўлингизни қўйинг.

Матто 9:29 Шунда Исо уларнинг кўзларига тегиб: - Сизнинг ишончингизга яраша бўлсин, - деди.

Одамнинг «нозик жойларига» ҳеч қачон қўлингизни қўйманг. Агар бошқа жинсидаги одам «нозик жойи»нинг шифоланишига муҳтож бўлса, унинг жинсидаги бошқа имонли шифога муҳтож жойга қўлини қўйиб сизга ёрдам берсин. Ёки одамнинг ўзи хаста жойига қўлини қўйсин, сиз эса қўлингизни унинг қўлининг устига қўйинг. Бу усул ҳам ярамаса қўлингизни беморнинг бошига қўйинг.

Тасаввур қилинг ва озод қилинг

Одамга қўлингизни қўйганингизда Худонинг Сўзига биноан унинг шифосини хаёлан тасаввур қилинг. Муқаддас Рухнинг шифолаш кучини Шифокор Исо Масихнинг ваъдасига биноан, имон орқали унинг танасига озод қилинг.

Кўпларга хизмат қилиш

Кўп одамларга шифолаш хизматини кўрсатиш керак бўлганида, ва шифолашга мойланиш жуда кучли бўлганида, одамдан – одамга иложи борича тез ўтиш маъқулдир.

Луқо 5:17 Бир куни Исо таълим бераётганида, Жалила ва Яҳудиянинг ҳамма жойларидан ҳамда Иерусалимдан фарзийлар ва Қонун муаллимлари келиб, у ерда ўтирган эдилар. Худованднинг куч-қудрати эса касалларни шифолашда намоён бўлаётган эди.

Одамлар ўзларига кўпроқ эътиборни талаб қилиб, сизни тўхтатишга ҳаракат қиладилар. Улар буни, ўз касалликларини бошқаларникидан оғирроқ, шунинг учун уларни шифолашга Худонинг кўпроқ вақти кетади деб ўйлашлари сабабли қиладилар. (Бу имонсизликнинг ёки мағрурликнинг белгиси).

Одамлар «имонингизнинг кучини сўриб олишларига» ёки мазкур вақтнинг кучли мойланишини тортиб олишларига йўл қўйманг. Худонинг кучли мойланишида ўтиб қисқа вақт ичида қанча одамга улгурсангиз шунча одамга қўл қўйинг.

Имонингизни ишлатинг

Беморларга қўл қўйиш жараёнида «Рух кучи таъсири остида юришлари» ёки «Рух кучи таъсири остида йиқилишлари» эмас, балки шифоланишлари учун имонингизни ишлатинг.

Одамлар «Рух кучи таъсири остида йиқилишлари» - яъни ерга кулашлари, аммо барибир шифо топмасликлари мумкин. Бошқалар эса шифо топишлари, аммо Худонинг кучидан йиқилмасликлари мумкин.

Баъзилар шунчаки «ҳиссий кечинма»ни излайдилар ва шуни оладилар. Одам шифо топиши учун ўз имонингизни ишлатинг.

Энг муҳими:

Муқаддас Рухга эргашинг!!!

Саволлар:

1. Беморларга шифолаш хизматини кўрсатишда «қўл қўйиш» нима учун муҳим?

2. Қўл қўйиш ҳақидаги амалий маслаҳатлардан бирортаси сизни ажаблантирадими? Нима учун?(Нима учун «ҳа», нима учун «йўқ»).

3. Беморларни шифолаш хизматингизни маҳсулдорроқ қилиш учун қандай ўзгартиришларни бошлайсиз?

11 Дарс

Сўзни эътироф этиш орқали шифоланиш

Кириш

Сўнги учта дарсларда бизлар Муқаддас Рухнинг роли, шифоланиш ва қўл қўйишнинг кучини кўриб чиқдик. Бу дарсларда бизлар эътироф этиладиган сўзнинг кучини кўриб чиқамиз. Шифоланиш учун куч - қўл қўйиш воситасида ўтадиган бир вақтда, имон бизлар эътироф этаётган сўзлар воситасида озод қилинади. Бу дарсда бизлар, Худонинг кучи Исонинг номи эътироф этилганда - шифолаш ва заифликнинг ёвуз руҳини қувишда қандай озод этилишини кўрамиз.

ИСОНИНГ НОМИНИ ЭЪТИРОФ ЭТИШ ОРҚАЛИ ШИФОЛАНИШ

Исонинг номи эътироф этишнинг аслида аҳамияти борми? Ҳақиқатдан ҳам Исонинг номи эътироф этишда куч борми? «Исо» номининг маъноси, ибодат тилида “Художон, бизни қутқар”, ёки “Яхова - нажот” бўлиши мумкин.

Бизлар Ёзувдан Исонинг номида ҳаққоний куч борлигини кўришимиз мумкин.

Исонинг номидаги ҳокимият

Исонинг номида қандай ҳокимият бор?
Осмонда ҳам, ерда ҳам бор ҳокимият.

Матто 28:18 Исо уларга яқинлашиб, шундай деди: Менга осмонда ҳам, ерда ҳам бутун ҳокимият берилгандир.

Барча номлардан улуғ ном

Исонинг номи ҳар қандай номлардан улуғ номдир.

Филиппиликларга 2:5-11 Чунки Исо Масихда бўлган ҳудди ўша фикр юритиш сизларда ҳам бўлиши керак: Масих - Худонинг қиёфасида бўла туриб, Худога тенг ҳурматни ўлжа қилмади. Аксинча, У Ўзини паст олиб, қулнинг қиёфасига кирди ва инсонларга ўхшаб, кўринишида инсон каби бўлди. У то ўлимгача, ҳатто хочдаги ўлимгача итоатли бўлиб, Ўзини бўйсундирди. Шунинг учун Худо Уни жуда юксалтирди ва Унга ҳар қандай исмдан юқори бўлган исмни ато этди, токи Исонинг исми олдида самодаги, ердаги ва ер остидаги ҳар қандай зот тиз чўксин ва ҳар қандай тил Худо Отанинг шон-шуҳратига Исо Масихни Раббий деб очиқ иқроф этсин.

Ҳар қандай заифлик ва касалликнинг номи бор. Баъзи мисоллар: рақ, артрит ва церебрал паралич.

Илк масихийлар

Илк масихийлар шифони, Исонинг номи билан эълон қилар эдилар. Яна бир бора Петъор ва Юҳаннонинг Исонинг номи билан шол одамни шифолашлари мисолига эътибор беринг.

Ҳаворийлар 3:1-10 Бир куни Петъор билан Юҳанно ибодат маҳали – соат учда бирга маъбадга чиқаётган эдилар. У ерда онадан туғма шол бўлган биров ҳам бор эди. Бу одамни маъбадга кираётганлардан садақа тилаш учун ҳар кун маъбаднинг “Гўзал” деган дарвозаси ёнига келтириб қўяр эдилар. У маъбадга кириб келаётган Петъор билан Юҳаннони кўриб, улардан ҳам садақа сўради. Петъор билан Юҳанно эса кўзларини унга тикиб: - **Бизларга қара!** – дедилар. У одам улардан Бирон нарса олишни умид қилиб, уларга диққат билан қарар эди. Петъор унга – Менда кумуш ва олтин йўқ, аммо ўзимда борини сенга бераман: носиралик Исо Масих номидан сенга айтаман, ўрнингдан туриб юр! – деди-ю, ўнг қўлидан тутиб, уни оёққа турғизди. Бирданига унинг тиззалари билан тўпиклари мустаҳкамланиб қолди. У диққат билан оёққа турди-да, юра бошлади. Худога ҳамд-сано айтиб, ирғиб-сакраб юрганича, улар билан маъбадга кирди. Бутун халқ эса у одамнинг Худони қандай олқишлаб бораётганини кўрди. Маъбаднинг Гўзал деган дарвозасида садақа сўраб ўтирадиган одам бунинг ўзи эканини улар пайқагач, у билан юз берган мўъжиза қаршисида ғоят ажабланиб ҳайрон қолдилар.

Унинг номига эътиқод

Петъор бизларга Муқаддас Рухнинг мойланиши остида у одам Исонинг номига ишониш орқали шифо тоганини айтади.

Ҳаворийлар 3:16 Бу сизлар кўрган ва билган одам эса Исонинг исми ҳақи, Унинг исмига ишониш сабабли олдингизда соппа-соғ турибди. Ҳаммангизнинг кўз ўнгингизда бу одамга шифо берган нарса - Исо номидан қилинган эътиқоддир.

Исонинг номи билан

Шифолаш натижасида Петъор ва Юҳаннони қўлга олдилар ва бир тун қамокда сақладилар. Яҳудий бошлиқлари уларга: « Исонинг номини сўзламанглар,»- дея таҳдид қилишди. Петъор шол одамнинг шифо топиши ҳақидаги саволларига дадил жавоб берди:

Ҳаворийлар 4:10 Унда ҳаммангизга – бутун Исроил халқига маълум бўлсинки, сизлар хочга миҳлаб қўйган ва Худо эса тирилтирган носиралик Исо Масих исми ҳақи, бу одам қаршингизда соппа-соғ турибди.

Бу шифоланишнинг натижаси ва Петъорнинг таълимотини баҳолаш аҳамиятлидир.

Ҳаворийлар 4:4 Сўзни эшитганларнинг кўплари эса имон келтирдилар; бу одамларнинг сони беш мингга яқин эди.

Исонинг номидаги аломатлар ва мўъжизалар

Номдаги ҳокимият. Петъор ва Юҳанно ўзларининг одамларининг олдиларига қайтиб келганларида ва бўлиб ўтган воқеани сўзлаб берганларида улар биргаликда овозларини ибодатда Худога

кўтардилар. Улар ибодатларини мўъжиза ва аломатлар сўраб тугатдилар.

Хаворийлар 4:29-31 Энди, ё Раббий , уларнинг дўқ-пўписаларига қара, Сенинг сўзингни тўла жасорат билан айтиш қувватини шу қулларингга эҳсон айла. Азиз Ўғлонинг Исо исми билан одамларга шифо бериш ва турли аломатлар, мўъжизалар яратиш учун қўлингни узатгин!” Ибодат қилиб бўлгач, улар йиғилиб турган жой силкиниб кетди. Ҳаммалари Муқаддас Рухга тўлиб. Худонинг сўзини жасорат билан гапира бошладилар.

Ҳамма ишни Исо номи ҳақи қилинглари

Колосликларга мактубида бизлар ҳамма ишни Исо номи ҳақи қилишимиз лозимлиги айтилган.

Колосаликларга 3:17 Сизлар сўз билан ёки иш билан нимаики қилсангизлар, ҳаммасини, Раббий Исо Масих номидан қилиб, У орқали Отамиз Худога миннатдорчилик билдиринглари.

Исо Унинг номига ишонувчиларга қуйидаги аломатлар ҳамроҳ бўлишини айтган:

Марк 16: 17-18 Қуйидаги аломатлар имонлиларга ҳамроҳ бўлади : Менинг номим билан жинларни қувиб чиқарадилар. Янги тилларда сўзлайдилар. Қўлларига илон олиб кўтарсалар ёки ҳалокатли бирон нарса ичсалар ҳам, уларга зарар етмайди. Беморларга қўлларини қўйганда улар соғайиб кетадилар”.

- ⇒ Улар ёвуз рухларни кувадилар;
- ⇒ Улар янги тилларда сўзлайдилар;
- ⇒ Улар илонларни(шайтонни) қўлга оладилар;
- ⇒ Ўлим келтирувчи нарса ичсалар ҳам уларни шикастламайди;
- ⇒ Беморларга қўлларини қўядилар ва улар соғаядилар;

Номдаги ҳокимият

Бизлар барча номдан улуғ ном бўлган Исонинг номида ҳокимият борлигини кўрдик. Илк масиҳийлар бу номга ишониш орқали Исонинг номида шифони эълон қилганлар. Ҳаттоки ўлим таҳдиди остида ҳам Петъор шифоланиш Исонинг номи туфайли бўлганини қатъий тасдиқлаган эди.

Бизлар нимаики қилсак Исонинг номи ҳақи ва Исонинг номи билан қилишга даъват этилганмиз!!!

ШАЙТОНГА ВА ЁВУЗ РУҲЛАРГА БУЮРИШ ОРҚАЛИ ШИФОЛАНИШ

Кириш

Исонинг хизмати кўпинча ёвуз рухларни қувиш билан тугар эди. Ҳатто ҳозирги кунларда ҳам кўплар заифлик ва касалликлардан имонлилар шайтон «ўғирлаш, ўлдириш ва ҳалок қилишни» буюрган ёвуз рухларнинг устидан ҳокимиятни қўлга олганларида озод бўладилар.

Ёвуз рухлар

Танага ёпишган ёвуз рух кўплаб касалликларнинг сабаби ҳисобланади. Луқо баён этган хушxabардан ёвуз рух туйфайли шайтоннинг қуллигида бўлган аёл ҳақида ўқиймиз.

Луқо 13:11-14,16 У ерда ўн саккиз йилдан бери дармонсизлик руҳига чалинган бир аёл бор эди. У букилиб қолган бўлиб, қаддини сира тўғри, тута олмас эди. Исо уни кўргач, ёнига чақириб унга деди: Эй аёл, сен дармонсизлигиндан озод бўляпсан!” У қўлларини аёлнинг бошига қўйди. Аёл ўша заҳоти қаддини ростлаб, Худога шуқурлар айта бошлади. Исо шаббат кунинда шифолагани учун синагога бошлиғи аччиқланиб, халққа: «Иш қилиш учун олти кун бор. Шифоланиш учун шу кунлари келинлар, шаббат кунин эмас,» - деди. Раббимиз унга: Ўн саккиз йилдан бери шайтон боғлаб қўйган, Иброҳимнинг қизи бўлган бу аёлни шаббат кунин кишанлардан озод қилиш керак эмасми?”-деди.

«Дармонсизлик» сўзи «заифлик» ёки «ҳолсизлик» маъносини билдиради. Дармонсизлик руҳи шунчаки заифлик ёки ҳолсизлик руҳидир. Бу ҳар қандай ҳолсизлик бўлиши мумкин. Бу оятда бизлар Исонинг дармонсизлик руҳини шайтонга қуллик билан бирлаштиришини кўраимиз.

Бедаво касалликлар

Бизлар биламизки Худо билан бўлганимизда «бедаво касалликлар» йўқ. Шифокорлар “бедаво дард” деб атайдиган қарийб барча касалликлар ёвуз руҳлар томонидан чақирилади. Бундай хизматда бизлар ёки «дармонсизлик руҳларига» сўзлашимиз ёки касалликнинг махсус номини атаб мурожаат қилишимиз мумкин. Масалан: рақнинг руҳи, лейкомиянинг руҳи ёки артритнинг руҳи.

Қуйидаги рўйхатдаги касалликлар кўпинча дармонсизлик руҳи томонидан чақирилади:

Ароқхўрлик, чекувчилик
Аллергия
Артрит
Астма
Паркинсон касаллиги
Оғрик
Волчанка(тери силининг бир тури)
Карлик
Тушқунлик
Диабет(қанд касаллиги)
Инфекция
Лейкемия
Мушак дистрофияси
Наркоманлик
Ўсмалар
Паралич (фалаж)
Мохов
Рақ
Тарқалган склероз
Кўрлик
ОИТС

Ақлдан озиш
Церебрал фалаж
Эпилепсия

⇒ Гунг

Матто 9:32 У кишилар энди чиқиб бораётганда, жин чалган бир гунгни Исонинг олдига келтиришди.

⇒ Гунг ва кар

Марк 9:25 Халқ югуришиб йиғилаётганини кўрган Исо ёвуз рухга дўқ қилиб: - эй гунг ва кар Рух, Мен сенга буюраман: боладан чик ва қайтиб унга кирма! – деди.

⇒ Ёвуз рухга чалинган

Матто 17:15,18 Ҳазрат, деди - ўғлимга раҳминг келсин! Унинг тутқаноғи бор, у жуда азобда қолди. Дам оловга, дам сувга ташланади. Исо жинга дўқ ургач, у боладан чиқиб кетди. Бола ўша заҳоти тузалди.

⇒ Кўр

Матто 12:22 Шундан сўнг Исонинг олдига жинга чалиниб кўр ва соқов бўлган кишини келтиришди. Исонинг шифолаши туфайли унинг тили ҳам чиқди, кўзи ҳам очилди.

⇒ Артрит

Луқо 13:11 У ерда ўн саккиз йилдан бери дармонсизлик руҳига чалинган бир аёл бор эди. У букилиб қолган бўлиб, қадини сира тўғри тута олмас эди.

БОҒЛАШ ВА ЕЧИШ

Дармонсизлик руҳларини қувишда маҳсулдор хизмат қилишимиз учун бизларга ҳокимият ҳам, йўлланма ҳам берилган.

Матто 16:19 Осмон Шохлигининг очкичларини сенга бераман. Ер юзида сен нимани боғласанг, осмонда ҳам боғланган бўлади. Ер юзида сен нимани ечсанг, осмонда ҳам ечилган бўлади.

⇒ Боғлаш

Боғлаш дегани – тутиш, боғлаш ёки фаолият қобилиятини чеклаш деган маънони билдиради. Масалан:

⇒ «Шайтон, мен сени бу одамнинг танасида боғлайман...»

⇒ «Ракнинг руҳи, мен сени боғлайман.»

⇒ Ечиш

Ечиш дегани - одамни касалликка қулликдан қутқаришни билдиради.

Луқо 13:12. Исо уни кўргач, ёнига чақириб унга деди: “Эй , аёл, сен дармонсизлигингдан озод бўляпсан!” .

ЁВУЗ РУҲЛАРНИ ҚУВИНГ

Бизларга имонлилар сифатида берилган топшириқлардан бири – ёвуз руҳларни қувишдир.

Марк 16:17 Қуйидаги аломатлар имонлиларга ҳамроҳ бўлади : Менинг номим билан жинларни қувиб чиқарадилар. Янги тилларда сўзлайдилар.

Матто 9:33 Исо жинни қувиб чиқаргандан кейин, соқов гапира бошлади. Халқ эса ҳайратда қолиб: “Исроилда бундай ҳодиса ҳеч қачон бўлган эмас”, - деди.

Мисол

“Исо Масих номи билан, раkning руҳи чиқ ундан!”

Хаворийлар 10:38 Носира шахридан чиққан Исони, Худо юборди. Худонинг ўзи Исо билан бирга бўлгани учун, У Муқаддас Рух ва қудратга тўлган ҳолда эзгулик қилар, иблиснинг золим ҳукми остида қийналиб юрганларнинг ҳаммасини соғайтирар эди.

Рак мисолида амалиёт

Одамда рак бўлганида – у ёвуз руҳ томонидан унинг танасига уруғдек экилган бўлади.

Келинлар, раkning қувишининг баъзи амалий қадамларини кўриб чиқамиз.

⇒ Биринчидан, Исо Масих номи билан шайтонни боғланг.

⇒ Rакнинг руҳини боғланг ва Исонинг номи билан чиқишини буюринг.

⇒ Rакнинг ёки ўсманинги уруғини лаънатланг ва унга ўлишни буюринг.

Марк 11:13-14,20 У узоқдан барглар билан қопланган бир анжир дарахтини кўриб қолди, бирон нарса топилармикин, деб унга яқинлашди. Дарахтнинг ёнига келиб, баргдан бошқа ҳеч нарса тополмади; чунки анжир териш вақти эмас эди. Исо дарахтга қараб: - Бундан кейин абадий сенинги мевангни егувчи бўлмасин! - деди. Шогирдлари ҳам бу гапни эшитишди. Эрта билан улар яна анжир дарахти ёнидан ўтиб қарашсаки, дарахт илдизигача қуриб қолган экан.

Rакнинг илдизига Худо Сўзининг болтасини қўйинг.

Матто 3:10 Ҳозирданок дарахтлар илдизига болта ётибди-ку. Яхши мева бермаган ҳар қандай дарахт кесилиб оловга ташланади.

Rак албатта яхши ҳосил эмас. Шундай қилиб, уни илдизидан қуришни дадиллик билан буюринг. Тананинги шикастланган жойига қўлингизни қўйинг, имон билан шифоланиш кучини озод қилинг, мўъжиза бўлишини эълон қилинг ва шикастланган ҳамда ўлик тўқималар-у аъзоларга Исо номи ҳақи тирилиш ва янгиланишни буюринг.

САВОЛЛАР:

1. Нима деб ўйлайсиз, касаллар шифоланиши хизматида Исонинг номини қўлласангиз нима содир бўлади? Нима учунлигини тушунтиринг.

2. Агар врачларнинг сўзича ракдан ёки бошқа бирор бедаво дарддан ўлаётган бирор киши учун ибодат қилишга чақирсалар, унга шифолаш хизматини қандай олиб борган бўлар эдингиз?

3. Одамнинг танасига ҳужум қилган ёвуз руҳлар ёки дармонсизликнинг ҳокимиятига қандай қилиб чек қўйишимиз мумкин? Шайтон аллақачон уларнинг таналарида содир этган нарсалардан одамларни қандай қилиб қутқаришимиз мумкин?

12 Дарс

Сўзни эътироф этиш орқали шифоланиш (давоми)

Кириш

Баъзан одамлар автохалокат, жарроҳий муолажа натижасида ёки касалликлар оқибатида тана аъзоларини йўқотадилар, шунингдек, туғма тана аъзолари етишмаслигига эга бўлишлари мумкин. Бу дарсда бизлар «сизлар касаллик тоғига» мурожаат қилиш ва Худонинг Сўзини эълон қилиш йўли билан тананинг янги аъзоларини яратиш мўъжизаларини қилишни ўрганамиз.

“КАСАЛЛИК ТОҒИ”ГА БУЮРИШ ОРҚАЛИ ШИФОЛАНИШ

Марк 11:23 Худога ишончингиз бўлсин. Сизларга гапим шуки, агар ким бу тоққа: “Қўпорилиб денгизга отил”, -деса-ю, ўз қалбида шубҳаланмай, айтгани бажо келишига қаттиқ ишонса, айтгани бўлади.

Бу оят бизларга имон билан, дадилликда мўъжиза содир бўлишини сўзлашимиз ва буюришимиз мумкинлиги ҳақидаги ваҳийнинг асосини ташкил қилади.

Буюринг!

Библияда - «Агар бирор киши айтса,» дейилган, “бирор киши ибодат қилса” эмас. Айтиш бу - буюриш демакдир.

Библияда элликлик кунидан, Муқаддас Руҳ келганидан сўнг шогирдлар касаллар шифоланиши учун ибодат қилганлари таъкидланмаган. Ҳозир ўзимизда бўлган Унинг кучи, шифолаш кучи билан касалларга шифони бизлар олиб боришимиз керак.

Касалларни шифоланг!

Кўплар шифолашни истамайдиган Худодан шифолашини ўтинаётгандек ибодат қиладилар. Бунинг натижалари камдир. Бизлар Худодан У бизларга қилишимизни буюрган ишни қилишини сўрашимиз керак эмас.

Матто 10:8 Хасталарни соғайтиринглар, моховларни пок қилинглари, ўликларни тирилтиринглар, жинларни қувиб чиқаринглар. Текин олдингизлар, текин беринглар.

Марк 16:18 Қўлларига илон олиб кўтарсалар ёки ҳалокатли бирон нарса ичсалар ҳам, уларга зарар етмайди. Беморларга қўлларини қўйганда, улар соғайиб кетадилар.

Улар ҳокимлик қилсинлар

Худо одамзодга ҳукмронлик қилиши учун майдон ва ҳокимият берди.

Ибтидо 1:26 Яна Худо : «Ўз суратимизга кўра, Ўзимизга ўхшаш одамни яратайлик. У денгиздаги балиқлар, қўк юзидаги паррандалар, чорвалар, ҳа, бутун ер юзи ва ерда ҳаракат қилувчи барча мавжудот устидан ҳокимлик қилсин», - деди.

Бизлар Исодек ҳокимият ва куч билан сўзлашимиз лозим, чунки бу ҳокимиятни бизларга У берди.

Луқо 4:32 Улар эса Исонинг таълимотидан хайратланар эдилар, чунки Унинг сўзида ҳокимият бор эди.

Луқо 10:19 Мана Мен сизларга илонлару чаёнларни ҳамда душманнинг бутун куч-қудратини босишга ҳокимият беряпман ва ҳеч нарса сизларга зарар етказмайди.

Исонинг Сўзи ва ҳокимияти бизларда; Улар хануз кучга эга.

Сўзни эътироф этинг

Бизлар Исо Симоннинг қайнонасига иситмани таъқиқлаганидек, касаллик тоғига “силжи” деймиз (юқорида Марк 11:23ни қаранг).

Луқо 4:39 Шунда унинг ёнида туриб, Исо иситмага маън қилди ва иситма аёлни тарк этди. У дарҳол туриб, уларга хизмат қила бошлади.

Мисоллар

Бизлар танага нормал бўлишини буюрамиз.

⇒ ”Қон босими нормаллашгин!”

⇒ ”Исо номи билан мен бу буйрақларга нормал ишлашини буюраман!”

Бизлар яралиш мўъжизаларини эътироф этамиз.

⇒ “Мен бу танага янги юракни эътироф этаман!”

⇒ ”Мен бу бармоқларга ўсишини буюраман!”

Марк 3:1,3,5 Исо яна ибодатхонага қирди. У ерда қўли шол бир одам бор эди. Исо қўли шол одамга: **Ўртага чиқ!** - деди. Исо одамларнинг бундай бағри тошлигидан қайғуриб, атрофга ғазаб билан қараганча, у одамга: **Қўлингни узат!** – деди. У одам қўлини узатиши биланок тузалиб кетди.

Дадил ва ишонарли сўзланг

Янги Ахдда шифоланишлар ҳақида ўқиганимизда бизлар кўпинча куйидагидек ҳайқириқларни кўришимиз мумкин.

Юҳанно 11:43 Шундай деди-ю, баланд овоз билан хитоб қилди: **Лазар, ташқарига чиқ!**

Хаворийлар 3:6 ...унга: Менда кумуш ва олтин йўк, аммо ўзимда борини сенга бераман: носиралик Исо Масих номидан сенга айтаман, ўрнингдан туриб юр! – деди-ю...

Хаворийлар 14:8-10 Листра шаҳрида бир чўлоқ киши ерда ўтирар эди. У туғма майиб бўлиб, умрида асло юрмаган эди. У Повулнинг айтаётган сўзларини тингларкан, Повул унга кўз тикиб, дарддан халос бўлиш учун имони борлигини пайқади. Овозини баланд қилиб: **Раббим Исо Масих номидан сенга айтаман: оёғингда тикка тур!** – деди. Ўша захоти у киши ўрnidан ирғиб турди-да, юра бошлади.

Бизлар ҳаракат қилиш ва шифоланиш сўзини дадил айтиш мисолларига эгамиз. Бу бизларнинг диний урф-одатларимизга қарама-қарши бўлса ҳам, бизлар Худонинг Сўзига эргашишимиз лозим.

ХУДОНИНГ СЎЗИНИ ЭЪТИРОФ ЭТИШДАН ШИФОЛАНИШ

Худонинг халқига Унинг шифосини олиб келишда бизнинг оғзимиз муҳим роль ўйнайди. Бизнинг оғзимиз ёки ўлим, ёки соғлиқ олиб келиши мумкин. Бизлар Худонинг Сўзини айтишимиз лозим ва У шифо олиб келади.

Оғзингиз билан эътироф этинг

Юрак ишонади ва оғиз нажотни эътироф этади.

Римликларга 10:8-10 Аммо Ёзув нима демоқда? “Сўз сенга яқиндир, сенинг оғзингда ва сенинг юрагингдадир,”- яъни бу биз воизлик қилаётган имон сўзидир. Шундай қилиб, агар сен Исони Раббим деб, ўз оғзинг билан эътироф этсанг ва Худо Уни ўликлардан тирилтирганига ўз юрагинг билан ишонсанг, нажот топасан. Чунки инсон ҳақликка эришиш учун юраги билан ишонади ва нажот топиш учун оғзи билан эътироф этади.

Нажот шифоланиш ва озод бўлишни ўз ичига олишига урғу бериш муҳимдир. Нажотимизга юрагимиз билан ишониб оғзимиз билан эътироф этганимиздек, шифо топишимизга ҳам юрагимиз билан ишониб оғзимиз билан эътироф этишимиз лозим.

Шунчаки Сўз айтинг

Исога юзбоши келиб ўз қулини шифолашини сўраганида у Сўзнинг кучи ва ҳокимиятини билар эди. У Исога деди: “Сўз айт ва менинг қулим шифо топади.”

Матто 8:5-10,13 Исо Кафарнаҳум шаҳрига кириб келаётганида, бир юзбоши Унинг олдига келди ва ёлвориб: Хазрат, менинг хизматкорим уйда шол бўлиб, ғоят қийналиб ётибди, - деди. Исо унга: Мен бориб уни соғайтираман, - деди. Юзбоши жавоб бериб: Хазрат! – деди, Кулбамга оёқ босишинг учун мен муносиб эмасман. Сен биргина сўз айтсанг бас, хизматкорим соғайиб кетади. Чунки мен ҳам буйруққа тобе одамман, шунингдек, менинг буйруғимга бўйсунувчи аскарларим ҳам бор. Бирига «кет» десам, кетади. Бошқасига «кел» десам, келади. Бирон хизматкоримга “шунинг қил” десам, қилади. Исо буни эшитгач хайрон қолди. Орқасидан эргашиб келаётганларга: Сизларга чинини айтайин, - деди, - Мен бунчалик буюк ишончини Исроилнинг бирон жойида ҳам топмадим. Кейин Исо юзбошига: Бор, сен ишонганингдек бўлсин, деди. Юзбошининг хизматкори эса ўша заҳоти соғайиб кетди.

Исо бу юзбошини имони ҳамда Исо қилиши керак бўлган ягона иш - Сўз айтиш ва шунда қули шифоланишини тан олгани туфайли юқори баҳолади. У нафақат ҳокимиятни билар, балки шунчаки Худонинг Сўзини айтишнинг аҳамиятини ҳам билар эди. Бу – бизлар

ҳиссиётларимизни, шубҳаларимизни ёки имонсизлигимизни эмас, балки Худонинг Сўзини сўзлашимиз лозимлигини билдиради.

Сўзни эшитинг

Бизларга Худонинг Сўзига қулоқ солиш ҳақида айтилган.

Ҳикматлар 4:20-21 Ўғлим! Сўзларимга диққат қил ва гапларимга қулоқ сол. Улар кўзларинг олдидан кетмасин; уларни юрагингнинг ичида сақлагин.

Сўзни юборинг

Санолар китобида бизлар, Худо Ўз Сўзини юборганини ва уларни шифолаганини кўрамиз.

Санолар 106:20 Сўзини юбориб уларга шифо берди, уларни тушган чоҳларидан чиқариб олди.

Бизлар Сўзни эътироф этганимизда Уни юборамиз. Бизларда Исонинг ҳокимияти бор. Бизлар Худонинг Сўзини эътироф этиб, Уни юборишимиз мумкин.

Муаммога қараб айтинг

Касалликнинг дарахтига мурожаат қилинг.

Луқо 17:6 Аммо Раббий жавобан деди: “Агар хантал уруғидай имонингиз бўлиб, шу анжир дарахтига: “Илдизинг билан кўпорилиб, денгизга кўчиб ўтказил,”- десангиз, у сизларга бўйсунар эди”.

Ўлим ва ҳаёт

Ўлим ва ҳаёт – тил ҳокимиятидадир.

Ҳикматлар 18:22 Ҳаёт ва ўлим тилнинг ҳокимиятидадир ва уни севганлар, унинг ҳосилларидан татийдилар.

Кўплаб одамлар ўзларини ва бошқаларни ўз айтаётган сўзлари билан ўлдирадилар. Бошқа одамлар имонда Худонинг Сўзини сўзлаб яшашга ўрганадилар.

Натижалар

Худо Унинг Сўзи Унга беҳуда қайтмаслигига ваъда берди.

Ишаъё 55:10-11 Ёмғир ва қор осмондан тушиб, у ерга қайтмаганидек, балки ерни суғориб, эқувчи учун уруғ беришга ва ейувчи учун нон беришга уни ҳосилдор ва ўстирувчи қилгани каби, Менинг оғзимдан чиққан сўзим ҳам, Менга беҳудага қайтиб келмайди, балки Менга маъқул бўлганни қилади ва Мен уни нима учун юборган бўлсам, шуни амалга оширади.

Бизлар Худонинг Сўзи – маълум бир мақсад билан берилгани ва У ҳеч қачон муваффақиятсизлик келтирмаслигини аниқ кўряпмиз. Халқларга шифо олиб бориш – Худонинг режаларидан биридир. Бизлар ҳозирги кунларда Худонинг ердаги оғзи ва қўлларидирмиз. Келинлар, Унинг овозига қулоқ соламиз, Унинг нажот сўзларини сўзлаймиз ва Унинг халқига шифо олиб келамиз.

САВОЛЛАР:

1. Нима сабабдан сўзлаётган сўзингиздан касалларни шифолаш хизматингиз маҳсулдорроқ бўлиши мумкин?
2. Нима учун “Шунчаки Сўз айтиш” муҳим?
3. Катта натижаларни кўриш учун, касалларга шифо олиб келиш хизматида, қандайдир диний урф-одатларни ўзгартиришингиз керакми?

13 Дарс

Худонинг Сўзига биноан ишлар қилиш орқали шифоланиш

Кириш

Бизлар касалликларнинг шифоланишида Худонинг Сўзини тушуниш муҳимлигини билиб олдик. Аммо бизларнинг ҳаракатимизсиз ҳеч нарса содир бўлмайди. Бизлар имон сўзини сўзлашимиз лозим. Имон ишларсиз ўлик. Бизлар ҳаракат қилишимиз керак. Бизлар беморларни кўлга киритишимиз лозим. Шу йўсинда, бизлар хизмат қилаётган одамларни, имон билан ҳаракат қилишга руҳлантиришимиз лозим.

ХУДОНИНГ ҚИСМИ ВА БИЗНИНГ ҚИСМИМИЗ

“Қила оласан”

Беморларни шифолаш хизматида бизлар қилишимиз лозим бўлган ва Худо қилиши лозим бўлган томонлари мавжуд. Бизлар бу икки томонлама жараёни тушунишимиз жуда муҳимдир. Агар бизлар Исонинг сўзларига ишонсак ва имонга биноан ҳаракат қилсак, Худо Ўзи қилиши керак бўлган ишни қилади ва шифолайди.

Худо бизларга бизлар қила олмайдиган ишларни буюрмайди.

Луқо 18:27 Исо эса деди: “Одамларга имконсиз бўлгани, Худога имконлидир.

Марк 10:27 Исо уларга кўзини тикиб: Одамларга бу имконсиз, лекин Худога эмас. Чунки Худо ҳамма имконга эгадир, - деди.

Матто 17:20 Исо уларга: Ўтиқодсизлигингиз учун! – деди. – Чиндан, сизларга айтаманки: агар бир хантал донидай ишончингиз бўлса-ю, бу тоққа: “Бу ердан у ерга кўч”, - деб айсангизлар, у кўчади сизга ҳеч бир нарса имконсиз бўлмайди.

Худо билан бу осон!

Марк 9:23 Исо унга: Қўлимдан келса-ми? Тўғриси, сен бир оз бўлса ҳам ишона олсанг эди! Ўтиқодли киши ҳамма имконга эга бўлади, - деди.

Табиий дунёда бунинг иложи йўқ, аммо Худо айтгани сабабли бунинг иложи бор. Лекин бу одамнинг қудратида эмас, балки Худо билан бўлган одамнинг қудрати остидадир.

Ишонинг

Мўъжиза яратиш учун бизлар ўзимиз қилишимиз лозим бўлган ишларни қилишимиз ва Худо Ўзи қилиши керак бўлганни қилишини кутишимиз лозим.

Нух кема қурди - Худо ерга тошқин юборди.

Мусо ҳассасини чўзди - Худо сувларни бўлди.

Иешуа Иерихон деворларини айланиб ўтди - Худо бу деворларни пойдеворигача вайрон қилди.

Илёс таёғи билан сувга урди - Худо шундай қилдики болта сузиб чикди.

Исо шундай деб буюрган:

Беморларга қўлларингизни кўйинг ва улар шифо топадилар!

Худо шундай дейди:

Одам учун иложсиз, аммо Худо билан ҳамма нарсанинг иложи бор. Бизлар кўряпизки, ҳар бир ҳолатда одам Худога итоат қилиб нимадир қилган ва Худо ишни Ўзининг мўъжизавий кучи билан яқунлаган.

Менинг обрў-эйтиборим

Худонинг Сўзига биноан фаолият юритиш учун бизлар муваффақиятсизликка учраш кўрқувидан қутулишимиз керак. Агар мўъжиза содир бўлмаса, ҳеч қачон обрў эйтиборингиз учун кўркманг. Ёдда сақланг: Исо сиз учун Ўз обрў-эйтиборидан воз кечди:

Филиппиликларга 2:7 Аксинча У Ўзини паст олиб, қулнинг қиёфасига кирди ва инсонларга ўхшаб, кўринишидан инсон каби бўлди.

Агар Исо Ўзининг обрў эйтиборидан кечган бўлса, нима учун бизлар ўз обрў эйтиборимиз учун кўрқимиз керак?

Баъзи одамлар сўрайдилар: “Ҳеч нарса содир бўлмаса-чи?” Бунинг ўрнига шундай деб, сўранг: “Мен итоат қилсам ва улар шифо топсалар-чи?”

Муваффақиятсизликдан кўрқиш

Муваффақиятсизликдан кўрқиш, ҳатто уятчанлик Худодан эмас.

2Тимўтийга 1:7 Чунки Худо бизга кўрқоқлик руҳини эмас, балки куч-қудрат, севги ва соғлом онг Руҳини берган.

Мен итоат қиламан

Исо бизларга беморларга қўлларимизни кўйишни буюрди. Бизлар ҳеч қачон кўрқув бу топшириқни бажаришимизга тўсқин бўлишига изн беришимиз лозим эмас.

1Шомуил 15:22 Шомуил шундай жавоб берди: “Куйдирилган ва бошқа қурбонликлардан кўра, Раббимиз Унга итоат қилганлардан шод бўлмасми?! Ҳа, итоат этиш – қурбонлик сўйишдан яхши, Худога итоаткорлик – қўчқорлар ёғидан аълорокдир.

Мен буни қила оламан

Филиппиликларга 4:13 Мени қўллаб-қувватлаётган Исо Масихда ҳамма нарсани қила оламан.

ҲИССИЁТ БИЛАН ЭМАС, БАЛКИ ИМОН БИЛАН ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ

Одамларнинг умумий хусусиятлари ўзларининг ҳиссиётларига жавоб беришдир. Бизлар ҳиссиётларимиз ҳаракатларимиз ёки ҳаракатсизлигимизнинг мустаҳкам асоси бўла олмаслигини чуқур англашимиз лозим. Худо Сўзининг ҳақиқати яъни «тўғри фикрлаш» бизларнинг ҳаракатларимизни йўналтириши лозим. Ҳиссиётлар эса бизлар уларга «тўғри ҳиссиётлар» сифатида ишонишимиздан олдин

“тўғри фикрлаш” ёки “тўғри хулқ”қа биноан ҳис қилишга ўрганиши лозим.

Худо Сўзининг устунлиги

Агар бизлар Худо бизлар учун нимадир қилишига ишонишимиз лозим бўлса, олдин қуйидагини аниқ билишимиз лозим: Худо нима деган бўлса шуни амалга оширади.

Кўплар шундай дейишади:

“Худо бунга айтди. Мен бунга ишонаман. Ҳамма нарсани шу ҳал қилади!”

Аmmo бундай дейиш яхшироқ бўлади:

“Худо шундай деди! Ҳамма нарсани шу ҳал қилади! Шунинг учун мен бунга ишонаман!”

Имон ҳеч қачон ҳиссиёт эмас, ҳиссиёт эса имон эмасдир. Имоннинг ҳиссиётларга, ҳиссиётларнинг эса имонга ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Имон дейди: «Мен Худонинг Сўзига ишонаман ва Унга биноан ҳаракат қиламан.»

Шифоланиш вақтидаги ҳиссиёт

Одам Худонинг кучи билан шифо топиши ва ҳеч нарсани ҳис қилмаслиги мумкин.

Бошқа бир одам эса, Худонинг шифолаш кучининг улкан тўлқинларини: қайноқлик, совуқлик ёки электр торидек токни ҳис қилиши мумкин.

Шифо топиш учун ҳиссиётларни эмас, шифони излаш, унга ишониш ва уни кутиш керак.

ХУДОНИНГ СЎЗИГА БИНОАН ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ

Беморларнинг шифоланиши бизлардан фақат сўз айтишни эмас, ҳаракат қилишни ҳам талаб қилади. Бизлар Исо ва Унинг шогирдлари кўпинча, беморларни маълум бир ҳаракатлар ёрдамида шифолашганини кўришимиз мумкин.

“Қўлингни чўз”

Исо қўли қуриган одамни шифолади.

Матто 12:10,13 У ерда қўли шол бўлиб қолган бир одам бор эди. Исони айблаш мақсадида Уни сўроқ қилишди: Шанба кунда касални даволаш мумкинми? Шундай қилиб, Исо у одамга: Қўлингни узат! – деди. У эса узатиши биланок, бу қўли бошқа қўлидай соппа-соғ бўлди-қолди.

Худди шу ҳикоя Марк 3:1-5да ва Луқа 6-10да ҳам айтилади. Бу оятларда ҳаракат ҳақида сўзланади. Одамдан у қила олмайдиган иш қилиш талаб қилинади. Одам Исо айтган ишни қилди: у қўлини чўзди. У Исо буюрганидек ҳаракат қилиб шифо топди.

“Бориб, ювингин”

Исо кўрга ҳовузга бориб ювинишини айтиб шифолади.

Юҳанно 9:6,7 Исо буларни айтди-ю, ерга тупурди, тупрукдан лой қилиб, кўрнинг кўзларига суртди. Бориб Силоам ҳовузида ювин, - деди унга. (Силоам – “Юборилган” демакдир). Кўр одам бориб ювинди ва кўзи очилиб қайтди.

Одам Исо у учун лойқа тайёрлаганида шифо топдими ёки унинг кўзларига суртганидами?

Одам Худога итоат қилганида ва Исо буюрган Сўзга биноан, имон билан ҳаракат қилгани учун шифо топди.

“Тўшагингни олгин”

Исо фалаж одамга: «Тур, тўшагингни ол ва юргин,»-деб буюрди.

Марк 2:11,12 Сенга айтаман, ўрнингдан тур, тўшагингни олу, уйингга кет! – деди. Шол шу ондаёқ ўрнидан туриб кетди-ю, тўшагини кўтариб, ҳамманинг кўзи олдида чиқиб кетди. Барча ҳайратга тушди. Биз ҳеч қачон бундай ҳолни кўрмаган эдик! – деб Худони олқишлар эдилар.

Бу одам туриши, тўшагини олиши ва қаергадир юриши керак эди. У Худо айтган сўзнинг кучини англади. У тезда шундай қилди ва шифо топди.

Шогирдлар мисолга эргашдилар

Петъор ва Юҳанно Исонинг шифолашига биноан ҳаракат қилдилар. Улар ҳаракат қилиб шол одамнинг туришига ёрдам бердилар.

Ҳаворийлар 3:6,7 Петъор унга: -Менда кумуш ва олтин йўк, аммо ўзимда борини сенга бераман: носиралик Исо Масих номидан сенга айтаман, ўрнингдан туриб юр! – деди-ю, ўнг қўлидан тутиб, уни оёққа турғизди. Бирданига унинг тиззалари билан тўпиклари мустаҳкамланиб қолди.

Имон ҳамда ишлар

Ёқуб имон ишларсиз ўликлигини айтади.

Ёқуб 2:14, 17,18,20 Менинг биродарларим, агар бирор киши имонга эғалигини айтса-ю, лекин ишларга эга бўлмаса, унинг нима фойдаси бор? Бундай имон унга нажот бера оладими? Худди шундай имон ҳам ишсиз бўлса, ўз-ўзидан ўликдир. Бироқ бирор киши: “Сен имонингга эгасан, мен эса ишларимга эгаман”, -деб айтиши мумкин. Хўп, ишларсиз бўлган имонингни менга кўрсатчи, мен эса сенга имонимни ишларим орқали кўрсатаман! Эй нодон одам, ишларсиз имон ўлик эканлигини билишни хоҳлайсанми?

Бизлар Худонинг Сўзига биноан ҳаракат қилишимиз лозим, зеро имон ишларсиз ўликдир. Бизнинг имонимиз ишга киришганида, бизлар ичимиздаги Худонинг шифосини ҳаракатга келтирамиз. Куч ишга кирганида заифлик кетиши лозим.

Фаол имон

Бизлар шунингдек, Худонинг ўзига шунчаки ишониб ҳаракат қилишимиз лозим. Исо: “Шунчаки ишон!” - деди.

**Марк 5:36 Исо бу сўзларни эшитиб, жамоабошига:
-Кўрқма, фақат ишонгин, - деди.**

- ⇒ Худога ишонинг
- ⇒ Худонинг Сўзига ишонинг
- ⇒ ”Ишониш” бу феъл, феъл эса ҳаракатни кўрсатади.
- ⇒ Ҳаракатлар бизнинг имонимизни кўрсатади.

Шифолаш хизматида имонда ҳаракат қилиш муҳимдир. Баъзан бу шифолаш хизматини олиб бораётган одамнинг имони, бошқа дафъада эса итоаткорлик билан шифони кутаётган одамнинг имонидир.

ҲАРАКАТ ҲАҚИДА АМАЛИЙ МАСЛАҲАТЛАР

Сиз кимгадир шифолаш хизмати билан хизмат қиляпсиз. Ўша одамга, у олдин қила олмаган қандайдир ишни қилишини айтинг. Масалан:

- Беморларга: “Бу кўлингизни қимирлатинг, эгилинг, танангизни текширинг,”- деб, айтинг.
- Дадиллик билан шундай деб, сўранг: “Оғриқ нима бўлди?”.

Имон кўрсатсин

Сиз Худонинг Сўзи ҳақиқатлигига ишонасиз! Шунга биноан ҳаракат қилинг! Худонинг Сўзига биноан ҳаракат қилинг.

- Имон ишга киради
- Худонинг шифоловчи кучи озод қилинди
- Шифо келяпти!

Хотима

Ушбу дарсда бизлар, касалга шифо олиб келиш учун ҳаракат қилишимиз кераклигини кўрдик. Бизлар ўз ҳиссиётларимизга тобе бўлмаслигимиз керак, балки Худонинг Сўзига бўйсунимиз керак. Ёдингизда бўлсин: имон ишларсиз ўлик.

Саволлар:

1. Шифолашда бизлар нима қилишимиз лозимлигини ва Худо нима қилишини таърифланг.
2. Нима учун ҳиссиётлар шифони қабул қилишда ишончсиз пойдевор ҳисобланади?
3. Ушбу дарсда сиз, беморларга шифолаш хизматини кўрсатишда муваффақиятлироқ бўлишингизга ёрдам берадиган қанақа воситаларни ўргандингиз?

14 Дарс

Ибодат орқали шифоланиш

ИБОДАТНИ ВА ШИФОЛАНИШНИ ТУШУНИШ

Нотўғри тушунчалар

Баъзи одамлар, гўёки Худо касалларни истаб-истамай шифолайдигандек, бизлар Худодан ибодату-илтижо қилиб сўрашимиз, ёлворишимиз ва ўтинишимиз керак деб ўйлайдилар.

Биз нажот топишимиз ва халос бўлишимиз учун, 2000 йил олдин Исо, бизнинг заифлигимизни ва ярамизни Ўзининг танасига олган вақтда, Худо Ўз ишини қилиб бўлган эди. Худо бизларга, Исонинг айтганларини қилишимизни буюрди: касалларни шифолаш ва ўликларни тирилтириш; Қўлларимизни беморларга қўйишимиз ва улар соғлом бўлишларини айтди.

Бизлар эҳтимол, биргаликда йиғилишга ва касаллар учун ибодат қилишга одатланиб қолгандирмиз.

Ёқубда 5:14,15да, касал киши жамоат нозирларини чақириши мумкинлиги ва унга мой суртиб, имон билан ибодат қилсалар, унинг шифоланиши мумкинлиги ҳақида айтилган. Бизлар имонлиларнинг касаллар учун қилган шундай ибодати орқали шифоланиш мисолини Эллигинчи кундан сўнг кўрмаймиз.

Бизлар Худога бўйсуниб, аввал ўз вазифамизни бажаришнинг ўрнига, Худодан, Унинг қилиши керак бўлган вазифасини бажаришини сўраб эдик. Бизлар, Худо Ўз вазифасини, ўз вақтида бажаришини имон билан билган ҳолда, имонимиз ва ишларимиз билан Унинг шундай ҳаракат қилишига йўл беришимиз керак.

Ибодатнинг таърифи

Ибодат бу – Худонинг Сўзига ва Худо Ўз Сўзида нималарни ваъда берган бўлса, шуларни амалга ошира олишига ишонишимизнинг белгисидир. Ибодат вақтида умидимиз имонга айланади, имон эса бизларни Худога бўйсунуш аҳдига ва имон билан ҳаракат қилишимизга етаклайди.

Агарда ибодат қилсак, Худо айтган сўзларни эътироф этишимиз шарт эканини қабул қилишни бошлаймиз. Бизлар Исонинг ишларини қилишни бошлаймиз. Ибодат – имонимизни яхши ишлар қилиш учун, касалларга шифо келтиришимиз учун ҳаракатга келтиради. Ибодат бизларни касалларга, Худонинг Сўзига бўйсунган ҳолда ва Сўзга ишонганимиз сабабли, шифолаш билан хизмат қилишимизга тайёрлайди.

ЯҚДИЛЛИК ИБОДАТИ

Сизлардан иккитангиз яқдил бўлишса

Яқдилликнинг Библиявий тушунчаси бизлар учун жуда аҳамиятлидир. Бизлар буни тушунамиз ва касалларнинг шифоланишида қўллаемиз.

Матто 18:18–20 “Сизларга чинини айтайин: ер юзида сизлар нимаики боғласангизлар, осмонда ҳам боғланган бўлади. Ер юзида нимаики ечсангизлар, осмонда ҳам ечилган бўлади. Сизларга яна шуни ҳам айтайин: агар ер юзида сиздан икки киши якдил бўлиб, қандайдир бир нарсани сўрашса, Менинг осмондаги Отам, уларнинг тилагини бажаради. Қаерда икки ёки уч киши Менинг номим учун йиғилса, Мен шу ерда уларнинг ўртасида бўламан”.

Якдиллик

Сиз бирор киши билан якдилликда бўлганингизда, бошқа инсон билан тўлиқ бирликда бўласиз. Икки киши бирлашиб, ўзларининг севимли кишиларининг шифоси учун Исонинг номига ишонганларида – ибодатга албатта жавоб келади, чунки ўша жойда Худо уларнинг орасида бўлади!

Иешуа Бин Нун 23:10 “Сизлардан биттагиз мингтани қувиб юборади; зеро Раббий Худойингизнинг Ўзи, сизларга олдин айганимдек, сизлар учун жанг қилмоқда.”

Қонуннинг Такрорлиниши 32:30 “Қандай қилиб бир киши мингтани таъқиб қила оларди ва икки киши зулматни қува олади...”

Агар имкони бўлса, касал кишининг имонини ўзингизникига мос ҳолда қуришингиз ва Худонинг Сўзига мос равишда хизмат қилишингиз муҳимдир.

Баъзида инсон қаттиқ касал бўлгани учун, Худонинг Сўзини эшитишга, шифоланишнинг Библиявий ҳақиқатини тушунишга ҳоли бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолатда икки имонли ибодатда рози бўлишлари мумкин. Бундай вазиятларда “Менинг самовий Отамдан уларга берилади,”- деган ваъда жуда ижобийдир.

Бизлар биргаликда якдил бўлганимизда имонимиз ўсади ва хизматда таъсир этиш кўпаяди. Бизлар бир-биримизга муҳтожмиз. Ёдда сақланг: бир киши минг кишини ва икки киши зулматни таъқиб қила олади. Якдиллик ибодати таъсиримизни 10 мартага кўпайтириши мумкин.

Ибодат хизматнинг асосий қисмидир. Бизнинг ибодатимиз, маъносиз гап айтиш эмас, балки таъсирли бўлиши керак. Имон ибодати билан ибодат қилиш – кучли натижаларнинг калитидир.

Ёқуб 5:14–15 Агар сизлардан бирор киши касал булган бўлса, у Жамоат хизматкорларини чақирсин. Улар эса Раббий номидан уни мой билан мойлаб, у учун ибодат қилишсин. Шунда имон ибодати касални шифолайди Раббий уни қайта тиклайди. Агар у гуноҳ қилган бўлса, унинг гуноҳлари кечирилади.

Марк 11:22-26 Исо бунга жавобан айтди: Худога ишончингиз бўлсин. Сизларга гапим шуки, агар ким бу тоққа: “ кўпорилиб денгизга отил,”- деса-ю, ўз қалбида шубҳаланмай, айтгани бажо келишига қаттиқ ишонса, айтгани бўлади. Бинобарин, сизларга айтаман: сиз ибодатда нимаики сўрасангиз, олишингизга ишонинглар ва эришасизлар. Ибодат қилиб турганингизда

бировада гинангиз бўлса, уни кечириб юборинг, токи осмондаги Отангиз ҳам сизларнинг гуноҳларингизни кечирсин. Агар сизлар бошқаларнинг айб-гуноҳларини кечирмасангизлар, осмондаги Отангиз ҳам сизларни кечирмайди.

Имон ибодати - бу Худонинг амрларига ва ваъдаларига биноан илтижо қилишдир. Имон ибодати кўринмас дунёга қарайди. У ижро этилишни келтиради.

Имон душманлари

➤ Имонсизлик

Имон ибодати “шуни олишингизга ишонади”. Имонсизлик - Худо бизлар учун аллақачон қилган нарсаларни олишимизга ҳалақит беради.

➤ Кечирмаслик

Агар юрагингизда кечирмаслик бўлса, ҳеч қандай имон ибодати бўлиши мумкин эмас.

Худога тоғларингиз (муаммоларингиз) ҳақида гапирманг, бунинг ўрнига тоғларга Худоингиз ҳақида гапиринг.

➤ Шубҳа

Агар Худо сизни шифоламоқчи бўлса-ю, аммо сиз шубҳалансангиз, имон ибодати сизга шифо келтирмайди.

Агар, Худо сизни касал бўлишингизни истаган бўлса эди, сизга ҳеч қандай тиббий ходим ҳам ёрдам бера олмас эди. Сизга имон ибодати ҳам ёрдам бера олмас эди. Сизга ҳеч нарса қилмаслик ва Худонинг иродасига бўйсунуш керак бўлар эди.

Бироқ, Исо сизнинг Унинг ўрнига беморликка чидашингизни истаганини айтган эмас. У сизнинг касаллигингиз, азобларингиз ва қайғуларингиз учун азоб чекканини айтган.

Тезкор натижаларми?

Имон ибодати тез ва кўринарли натижалар берадими?

Бизлар, агар имон ибодати билан ибодат қилганимизда, тезкор натижаларни кўрмасак, жавоб олганимизга барибир ишонишимиз керак. Худонинг Сўзи ҳақиқатдир. Бизлар шубҳаланмасдан, Унга тамомила таяниб, касалликнинг барча белгиларини олиб ташлаб ишонишимиз керак.

Ишонинг

Худонинг Сўзи ҳақиқат эканига ишонинг.

Имон ибодати шифоланиш жараёнининг муҳим қисмидир. У бизларни Худонинг хизматига тайёрлайди. Бизлар Худонинг Сўзи билан рози бўлганимизда ва Уни ҳақиқат деб, ҳаракат қилганимизда, улкан тоғлар кўчишни бошлайди.

СЎЗ БИЛАН ИБОДАТ ҚИЛИШ

Сўз билан ибодат қилиш - бу Ёзувдан оятни олиш ва шу оят билан

Худога: “Бу Сенинг Сўзинг,”-деб ибодат қилиш демақдир. Бу сизга - Худо айтган Сўзини амалга оширишига ишонишингизга ёрдам беради.

Масалан: “Самовий Ота, Сен Ишаъё 53:5 да, Исо менинг гуноҳларим учун азоблангани, У менинг қонусизликларим учун қийналгани ҳақида айтгансан. Менинг дунёимнинг жазоси Унда эди; ва Унинг яралари билан шифо топдим. Хозир мен, Сен нима айтган бўлсанг, буни ҳақиқат эканига ишонаман. Мен шифо топдим!”

Худонинг олдига ибодат қилиш учун бораётганингизда, Унинг Сўзини ўзингиз билан олинг.

Эфесликларга 6:17-18 Шунингдек нажот дубулғасини ва Худонинг сўзи бўлган Рухнинг қиличини олинглар. Ҳар доим барча ибодат ва илтижо билан Рухда ибодат қилиб, бутун сабот билан ҳамма муқаддаслар учун бўлган илтижоларда ҳушёр бўлинглар.

Рухнинг қиличи - бу Худонинг Сўзи, Инжилдир. Келинлар Худо бизга берган қуролни оламиз ва шайтонни ҳалок қиламиз. Бизлар Сўзга биноан ибодат қилганимизда, Худонинг иродасига мос равишда ибодат қилаётганимизга амин бўлишимиз мумкин.

Таъсирли ибодат

Имон билан, Худонинг Сўзига биноан қилинган таъсирли ибодат – Исонинг ишларини қилишимиз учун ва касалларга шифо элтиш хизмати учун жуда муҳимдир.

Марк 1:35 Эрталаб Исо жуда барвақт турди ва шаҳардан ташқарига, хилват жойга бориб ибодат қилди.

Ёқуб 5:16 Бир-бирингизга гуноҳларингизни эътироф этинглар ва шифо топишингиз учун бир-бирингиз учун ибодат қилинлар. Ҳақ одамнинг ғайратли ибодати кўп нарсани амалга оширади.

САВОЛЛАР:

1. Ибодатда Худодан, касалларни шифолагин деб сўраганимизда, кутган натижаларимизни нима сабабдан бирданига кўрмаслигимизни тушунтиринг.

2. Ибодатда Худонинг Сўзини қандай ишлатиш кераклигини тушунтиринг.

3. Яқдиллик ва имон ибодати ҳақида тушунча беринг. Тўғри ибодат сизни касалларга хизмат қилишингиз вақтида, қай тарзда янада маҳсулдорроқ қилиши мумкинлиги ҳақида айтиб беринг.

15 Дарс

Мойлаш орқали шифоланиш

Янги Аҳдда берилган, касалларнинг шифоланишининг 2 усулини ўрганиб чиқиш муҳимдир. Уларнинг бири бу - мой билан мойлаш, бошқаси эса бу – мойланган кийимни ишлатиш.

МОЙ БИЛАН МОЙЛАШ ОРҚАЛИ ШИФОЛАНИШ

Нозирлар мой билан мойлаш учун

Мой бу – Муқаддас Рухнинг тимсолидир.

Ёқуб 5:14-16 Агар сизлардан бирор киши касал булган бўлса, у Жамоат хизматкорларини чақирсин. Улар эса Раббий номидан уни мой билан мойлаб, у учун ибодат қилишсин. Шунда имон ибодати касални шифолайди Раббий уни қайта тиклайди. Агар у гуноҳ қилган бўлса, унинг гуноҳлари кечирилади. Бир-бирингизга гуноҳларингизни эътироф этинглар ва шифо топишингиз учун бир-бирингиз учун ибодат қилинглар. Ҳақ одамнинг ғайратли ибодати кўп нарсани амалга оширади.

Бизлар, ушбу ваъда ҳар биримиз учун эканини кўряпмиз. Бироқ, шифоланишнинг ана шу усулини қўллаш учун, киши Жамоат нозирларини чақиритиши ёки уларнинг келишларини сўраши лозим.

Мой тегишнинг тимсоли ва имонни ишлашига ёрдам берувчи воситадир. Мой билан мойлаш, имон ибодати билан бирга қилиниши керак.

Шифолашнинг ушбу усулини асосан, Жамоат нозирлари амалга оширишлари лозим. Касал киши гуноҳ қилган бўлса, ибодат унга, унинг товбасидан кейин, у ўз гуноҳини эътироф этганидан сўнг шифо олиб келади.

Шогирдлар мой билан мойлайдилар

Бизлар Марк Хушхабариде, шогирдлар касалларни шифолаш вақтида мой билан мойлашганларини ўқиймиз.

Марк 6:13 Кўп жинларни қувиб чиқаришди ва кўп касалларга мой суртиб соғайтиришди.

Мой билан мойлаш имонни келтириб чиқарди. Эътибор беринг, ушбу усул, шогирдлар Эллигинчи кунда Муқаддас Рухнинг ички кучини олгунларига қадар ишлатилган.

Бугун мой билан мойлаш

Библиянинг барча жойида мой Муқаддас Рухнинг тимсолидир. Инсон Муқаддас Рухга чўмганидан сўнг, ўз ичида доимо Худонинг шифоловчи кучига эгадир. Бизга энди тимсол керак эмас, аммо имонни ишлатиш учун, “алоқа воситаси” сифатида ишлатилиши мумкин!

Ҳаттоки нажот топмаган (мой билан мойланглар деб, сўраш учун имонга эга бўлган) киши, ёки имонда заиф киши, мой билан мойлаш орқали шифоланиши мумкин.

Мойланиш имонни озод қилади

Мой билан мойлашда, қўл қўйиш каби, имонни озод қилиши мумкин бўлган “алоқа воситаси” мавжуд. Инсон соғайиши учун, мой билан мойлаш, имон ибодати билан бирга қилиниши лозим.

Ёқуб 5:15 Имон билан қилинган дуо беморни соғайтиради, Раббимиз Ўзи уни тузатади. Агар бемор гуноҳ қилган бўлса, Раббимиз уни кечиради.

Мой билан мойлаш ҳеч қачон қуруқ шакл бўлмаслиги керак. У доимо актив имон билан бирга қилиниши керак.

Мой билан мойлаш ва ибодат касал кишини шифолаши мумкин, чунки бу Худонинг Сўзида ёзилган.

БУГУН КИЙИМ ВА ҚАМАРЛАР ОРҚАЛИ ШИФОЛАНИШ

Эслатма

Янги Аҳдда, мойланган кийимни ишлатиш ҳақида фақат бир марта айтилган.

Ҳаворийлар 19:11-12 Худо Повулнинг қўллари билан қўп қудратли ишларни қилар эди. Ҳатто унинг баданига теккан рўмалчалар ва камарлар ҳам, беморларнинг устига қўйилганида, улар касалдан халос бўлар, ичларидаги ёвуз рухлар эса чиқиб кетарди.

Муқаддас Рухнинг шифоловчи кучи Повулнинг танасидан рўмоллар ва камарларга ўтар эди. Касалликлар тўхтар эди ва ёвуз рухлар улардан чиқиб кетар эди.

Бугун буни қўллаш керакми?

Бугун мойланган кийим кучга эгами?

Худо Инсонни имонга олиб келиш учун, қўп, ҳар-хил усулларни ишлатади. Худони чегараламанг!

Худонинг шифолаш кучи – жуда ҳам реал ва сезиларлидир. У ҳаттоки кийим орқали ўтиши мумкин.

Шифолашнинг ушбу кучи, ҳеч бўлмаганда бир кишини, Худонинг шифоловчи қобилиятига ишонган инсонни шифолайди. Бир киши

бошқа кишининг олдига, кийимни мойлаш ҳақида сўраб келганида, икки ёки уч киши маълум бир бемор учун, розилик ибодати билан ибодат қилишлари керак. Ўша киши кийимни, беморнинг олдига имон билан олиб бориши ва унинг устига қўйиши лозим.

Шундай қилиб мойланган кийим алоқа воситаси бўлади. Худонинг шифоловчи кучи ишлаши учун, имон яна ишга киради. Худо ана шундай ҳаракатли имонни ҳурмат қилади.

Уни қандай ишлатиш мумкин?

Бугун мойланган кийимни қандай ишлатиш керак?

Муқаддас Рухга чўмган ва Муқаддас Рухнинг шифоловчи кучига доимо ишонадиган ҳар бир имонли, имон билан қўлини қўйиши ва Худонинг шифоловчи кучини ишга киритиши мумкин.

Иложи борича, синтетик эмас, қоғоз ёки бошқа хил жисмларни эмас, балки ҳақиқий матодан ясалган табиий кийимни ишлатиш маъқулроқдир.

Ушбу усул ёвуз руҳларни ёки заифлик руҳларини қувиш учун ҳам қўлланиши мумкин. Кўпинча киши, шундай қаттиқ касал бўлиши мумкинки, Рухга тўла имонли унга хизмат қилиши учун унинг олдига кела олмайди. Юзма-юз хизмат қилишнинг иложи бўлмаган вақтда, мойланган кийимни ишлатиш ягона воситадир.

Бугунги кунларда ҳам мой билан мойлаш ва кийимни мойлаш орқали шифо келиши амалдадир. Шифолашнинг ушбу усулларини Ёзув тасдиқлайди ва шунинг учун ҳам улар ишончлидир.

САВОЛЛАР:

1. Қандай шароитларда мой билан мойлаш, шифолашнинг Библиявий усули сифатида ишлатилиши мумкин?

2. Қандай шароитларда, касалга шифо билан хизмат қилиш учун, мойланган кийимни ишлатиш мумкин?

3. Рухга тўла ҳар бир имонлидаги Худонинг шифолаш кучи нима орқали ишлаши мумкин? Шифога муҳтож бўлган инсоннинг танасига, кийимдаги қандай нарса шифолаш кучини ўтказиб беради?

16 Дарс

Шифоланишдаги тўсиқлар

Шифоланишдаги тўсиқлар

Агар инсон шифо олмаса, бунинг сабаби бор. Бу инсон вақтини - Раббий билан, Унинг Сўзини ўқиш билан ўтказиши керак. Бизлар изланиш вақтида лаънат олишдан ва бирор кишини лаънатлашдан эҳтиёт бўлишимиз керак. Худо лаънатламайди – У фақатгина тўғирлайди ва Ўзининг ҳақлигига ўргатади, чунки У бизларни Ўз Ўғлининг суратига қадар ўзгартиради.

Гуноҳ заифликни келтиради

Гуноҳ кўпинча, танамизга касаллик келтирувчи руҳларга эшик очиб беради. Худодан шифо олиш учун – ўзингизга маълум бўлган гуноҳларингизни Унинг қаршисида эътироф этишингиз ва Унинг кечиримини қабул қилишингиз керак.

1Юҳанно 1:9 Агар гуноҳларимизни эътироф этсак, Худо гуноҳларимиздан ўтади ва бизни ҳар турли ноҳақликдан фориғ қилади. Чунки У Ўз сўзига содиқ ва адолатлидир.

Ёқуб 5:15-16 Шунда имон ибодати касални шифолайди Раббий уни қайта тиклайди. Агар у гуноҳ қилган бўлса, унинг гуноҳлари кечирилади. Бир-бирингизга гуноҳларингизни эътироф этинглар ва шифо топишингиз учун бир-бирингиз учун ибодат қилинглар. Ҳақ одамнинг ғайратли ибодати кўп нарсани амалга оширади.

Ушбу дарсдан кўряпмизки, мой билан мойлаш касалларнинг шифоланиши учун ҳосил келтирувчи усуллардан биридир. Бирок, Руҳ билан тўлган масиҳий, касалнинг шифоланиши учун буни қилмаса ҳам бўлади.

Кечирилмаган гуноҳ

Гуноҳ - касалликни танамизга ўтказиб юборувчи эшик бўлгани каби, кечирилмаган гуноҳ ҳам, касалликни танамизда қолишига сабабчи бўлади. Шайтон бу гуноҳни биздан яширишга уринади ва бизлар алданиб: “менинг гуноҳим йўғ-у, касаллик эса барибир бор деб”, - ўйлашимиз мумкин.

Матто 9:2, 5-7 Унинг олдига тўшақда ётган бир шол одамни кўтариб келдилар. Исо уларнинг ишончини кўриб, шолга: -Дадил бўл болам, гуноҳларинг кечирилди,- деди...

...“Гуноҳларинг кечирилди” деб айтиш осонроқми, ёки ўрнингдан “туриб юрақол” деб айтишми? Лекин Инсон Ўғлининг ер юзида гуноҳларни кечириш қудрати борлигини ҳам билиб қўйинглар. Шундан сўнг, Исо шолга қайрилиб: -ўрнингдан тур, тўшагингни

олиб, уйингга кет,- деди. Шол эса ўрнидан турди-да, тўшагини олиб ўз уйига равона бўлди.

1Юҳанно 1:9 Агар гуноҳларимизни эътироф этсак, Худо гуноҳларимиздан ўтади ва бизни ҳар турли ноҳақликдан фориғ қилади. Чунки У Ўз сўзига содиқ ва адолатлидир.

Ёқуб 5:14-16 Агар сизлардан бирор киши касал булган бўлса, у Жамоат хизматкорларини чақирсин. Улар эса Раббий номидан уни мой билан мойлаб, у учун ибодат қилишсин. Шунда имон ибодати касални шифолайди Раббий уни қайта тиклайди. Агар у гуноҳ қилган бўлса, унинг гуноҳлари кечирилади. Бир-бирингизга гуноҳларингизни эътироф этинглар ва шифо топишингиз учун бир-бирингиз учун ибодат қилинглр. Ҳақ одамнинг ғайратли ибодати кўп нарсани амалга оширади.

Кечирмаслик

Кечирмаслик – инсоннинг ҳаётидаги биринчи муаммодир. Ҳаттоки тиббиёт ҳам, шу нарса, шифолаб бўлмас касалликларнинг, масалан: артритнинг сабабчиси эканлигини тан олди.

Кечирмасликнинг мисоллари:

- Бошқаларни кечирмаслик
- Ўзимизни кечирмаслик
- Худога нисбатан хафа бўлиш

Марк 11:24-25 Бинобарин, сизларга айтаман: сиз ибодатда нимаики сўрасангиз, олишингизга ишонинглр ва эришасизлар. Ибодат қилиб турганингизда бировда гинангиз бўлса, уни кечириб юборинг, токи осмондаги Отангиз ҳам сизларнинг гуноҳларингизни кечирсин.

Номуносиблик, айб, лаънат

Шайтоннинг энг нозик ва хавфли қуроли – бу номуносиблик, айбдорлик ва лаънат ҳақидаги фикрлардир. Айбдорлик ҳисси - гуноҳни эътироф этиш ва имон билан кечиримни олиш орқали йўқолади. Агар айбдорлик ҳисси қолишда давом этса, у шайтондан келган номуносиблик ва лаънат билан биргадир. Бизнинг муносиблигимиз Исо Масихдан келган ва бизлар Исо Масихда - Худонинг ҳақлиларимиз.

Бизлар Исо туфайли Ота Худоимиз қаршисида тўғри ҳолатда турибмиз. Шу сабабдан бизлар Унинг муносиблигига эгамиз. Агар бизлар ўзимизни номуносиб ҳис қилсак, бу билан бизлар - Масихнинг ўринбосар қурбонлигини, Ундаги ҳолатимизни ва Унинг ҳақлигини инкор этган бўламиз.

Римликларга 8:1 Шундай қилиб, Исо Масих уммати бўлганларга қарши энди ҳеч бир маҳкумлик йўқдир.

2Коринфликларга 5:21 Худо бизни Ўзига маъқул, ҳақ деб билиши учун гуноҳни ҳеч билмаган Масихни биз учун гуноҳга айлантирди.

Бизлар доимо ишонишдан олдин умид қилишимиз керак, лекин умид ҳеч қачон имоннинг ўрнини эгалламаслиги керак. Бизлар ҳеч қачон, ҳозир эга бўлган нарсаимизни олиш учун умид қилмаймиз. Лекин агар бирор нарсага эга бўлмасак, уни олишга умид қиламиз. Бизлар шифони олишга умид қилсак – бу уни олиш учун имонимиз йўқлигини, аммо шифони келажакда, қачондир олишимизни билдиради.

Ишониш: “ҳозир ишониш”ни билдиради. Бу ишонишни ва қонуна бизники бўлган нарсага эга бўлишни билдиради.

Ибронийларга 11:1 Имон - умидвор бўлган нарсаларнинг мужассамланишидир, имон билан биз кўринмайдиган мавжудотга амин бўламиз.

Агар умид ҳеч қачон имонга айланмаса – бундай умид саробдир (адашишдир).

Шайтон масиҳийларни, имоннинг ўрнига умидни ишлатишларини истайди. Ишониш – Худонинг Сўзига биноан ҳаракат қилишни билдиради. Имон ишларсиз ўликдир.

Ёқуб 2:17 Худди шундай амалсиз имон ҳам ўзи-ўзидан ўликдир.

Ёзувда айтилган сўз ҳар биримизга тегишлидир. Бизлар имон билан умиднинг ўртасидаги фарқни кўрганимиздан сўнг, ҳаракат қилишни бошлаймиз. Кўплаб одамлар, умид қилишни тўхтатиб, Худонинг Сўзига ишонган ҳолда ҳаракат қилишни бошлаганларидан сўнг, бирданига шифо олдилар.

Жисмоний ҳиссиётларга ишониш Худонинг Сўзига мос эмас

Бизлар кўришимиз, тегишимиз, эшитишимиз, ҳидлашимиз ва татиб кўришимиз мумкин бўлган нарсаларга ишонамиз. Бизлар, Худо Сўзининг ваҳийси – бизлар ҳис қилган нарсалардан ёки инсонлар таълимотидан аниқроқ ва ҳақиқатроқ эканлигини тушунишимиз керак.

Юҳанно 20:24-29 Ўн икки шогирддан бири, “Эгиз” лақабли Тўма, Исо келганда у ерда шогирдлар орасида йўқ эди. Бошқа шогирдлар унга: биз Раббимизни кўрдик, дейишди. Тўма уларга шундай деди: Мен Унинг қўлларидаги миҳ чандиқларини кўрмагунимча, Унинг миҳ чандиқларига ўз бармоғимни теккизмагунимча, қўлимни Унинг биқинига қўймагунимча ишонмайман. Саккиз кундан сўнг Исонинг шогирдлари яна уйда тўпланган эдилар, Тўма ҳам улар билан бирга эди. Уйнинг эшиклари қулф бўлганда Исо келди ва ўрталарида туриб: сизларга тинчлик бўлсин! - деди. Кейин Тўмага қараб: бармоғингни бу ёққа теккиз, Менинг қўлларимни кўр, қўлингни чўзиб, биқинимга қўй ва имонсиз бўлма, имонли бўл! – деди. Тўма Исога: “Эй Менинг, Раббим ва Худойим!”деб, жавоб берди. Исо Унга шундай деди: Сен Мени кўрганинг учун ишондинг. Кўрмай ишонганлар қандай бахтлидир!

Имонсизлик имонга қаршидир

Имон масихийнинг йўлидир. Худодан нимаики олсак, нажотдан тортиб, ҳамма нарсани имон билан оламиз. Имонсизлик - Худонинг бизнинг ўсишимиз ва мукамаллашимиз учун бўлган режасига қаршилиқ қилади.

Ибронийларга 11:1 Имон - умидвор бўлган нарсаларнинг мужассамланишидир, имон билан биз кўринмайдиган мавжудотга амин бўламиз.

Имон биз умид қилган нарсани амалга оширади. Бу кўринмас нарсанинг борлигига амин бўлишдир. Имон умидни ҳақиқатга айлантиради. У бор нарсага қарши ҳаракат қилади. Ҳиссиёт: “бўлиши мумкин эмас,”-дейди. Аммо имон: “Йўқ, бўлиши мумкин!”-дейди.

Имон - Худо ҳали амалга оширмаган нарсаларни, амалга ошди деб айтади. Бундай имон Худо ҳаракат қилишига етаклайди. Худо – имон Худосидир.

Имон натижа олиб келади. Имон - Худога У биз учун қилишни истаган нарсаларни қилишига “йўл қўяди”.

Ибронийларга 11:3 Бизлар имон орқали англаяпмизки, коинот Худонинг сўзи билан бунёд бўлган, яъни кўринадиган моддалар кўринмайдиган воқеликдан вужудга келган.

Худо дунёни яратишининг бошида деди: “бўлсин”, - ва шундай бўлди. Имон биргина: “Бу инсоннинг танасида ва руҳида тўлиқ соғлиқ ҳамда шифо бўлсин” -деб айтса, шунинг ўзи кифоя. Шунда заифликлар ва касалликлар кетади, Исо номи билан!

Имон шундай дейди:

- “Қаерда камбағаллик ҳокимлик қилган бўлса, ўша ерга тўкинлик бўлсин.”
- “Қаерда куллик ҳокимлик қилган бўлса, ўша ерга озодлик бўлсин.”
- “Қаерда ўлим ҳокимлик қилган бўлса, ўша ерда ҳайт бўлсин.”
- “Қаерда касаллик ҳокимлик қилган бўлса, ўша ерда шифо бўлсин.”

Сохта таълимот

Худонинг Сўзига қарама қарши таълимот ёки Худонинг Сўзининг масихийларда бўлмагани, шайтон учун масихийларга қонунан тегишли бўлган нарсаларни ўғирлашига имконият яратди.

Сохта таълимот шундай дейди:

- Заифлик – Худонинг иродасидир
- Оғриқ сени сабрга ўргатади
- Касаллик сени Худога яқинлаштиради
- Азоб Худога шуҳрат келтиради

Яхши таълимот

Яхши таълимот Худонинг Сўзига асосланади.

Римликларга 10:17 Шундай экан, имон – эшитишдан, эшитиш эса – Масихнинг сўзи орқалидир.

Худонинг Сўзини ўрганиш ваҳий беради.

Ишаъё 53:5 “Аmmo У бизнинг гуноҳларимиз учун яраланган эди ва бизнинг қонунсизлигимиз учун қийналган эди; бизнинг дунёимизнинг жазоси Унинг бошида эди ва Унинг яралари билан биз шифо топдик”.

Юҳанно 3:32-34 У кўргани ва эшитгани ҳақида гувоҳлик беради, ammo ҳеч ким Унинг гувоҳлигини тан олмаяпти. Унинг гувоҳлигини тан олувчи киши эса, Худонинг ҳақлигини тасдиқлайди. Худо юборган Зот Худонинг сўзларини гапиради: Худо Ўз руҳини чексиз-ўлчовсиз беради.

Яхши таълимот:

- қизиқиш ёки шўхликдан пайдо бўлмайди
- тажрибага ва ўтмишдаги мағлубиятларга асосланмайди
- ҳолсизликни, касалликни ва инсоннинг заифлигини муҳокама қилиш эмас

Хотима

Агар, бизлар доно бўлсак, шифоланишимизга нималар тўсқинлик қилаётганини тушунамиз ва уларни доимо четлаб ўтиш йўлини била оламиз. Худо бизларни руҳан, жонан ва жисман соғлом бўлишимизни истайди.

2Коринфликларга 2:14 Худога шкур! У бизни доимо Масихнинг тантанали юришида олиб боряпти ва биз орқали ҳар ерда, Ўзи ҳақидаги билимнинг хушбўйларини таркатаётир.

САВОЛЛАР:

1. Юқорида санаб ўтилган тўсиқлар орасидан, бирортасининг сабабига кўра шифо ололмай қолган вақтингизни эслай оласизми? Агар ёдингизга тушса ёзинг.
2. Шифога ишониш билан, унга умид қилишнинг фарқини ёзинг.
3. Худонинг Сўзига асосланган имон билан, жисмоний ҳиссиётларга асосланган имоннинг фарқини ёзинг.

17 Дарс

Жоннинг шифоланиши

Кириш

Инсоннинг жони – психика соҳасига алоқадор ўлчамдир.

- Инсоннинг заковати
- Ҳиссиёт ва иродаси
- Инсоннинг фикрловчи ва ўйловчи қисми
- Ҳиссиётларнинг манбаи

Худо бизнинг жонимизни соғлом бўлишини истайди.

1Салоникаликларга 5:23 “Тинчлик манбаи бўлган Худонинг Ўзи сизларни бутунлай муқаддас қилсин. Раббимиз Исо Масих келганча, бутун руҳингиз, жонингиз ва танангиз бенуқсон сақлансин”.

3Юҳанно 1:2 “Маҳбубим, сенинг жонинг муваффақиятли бўлганидек, яна ҳар жиҳатдан муваффақиятли бўлиб, соғ-саломат бўлишингни тилайман”.

Бизнинг танамиз – руҳимизнинг ва жонимизнинг кўринарли деворидир. Жисмоний ишни қилиш, баъзида ақлни, иродани ва жоний ҳиссиётларни ишлатишни талаб этади.

ЖОННИНГ КАСАЛЛИКЛАРИ

Хавотирлар

Ташвишланишнинг ёки хавотирланишнинг жон билан алоқаси бор.

Ёқуб 5:13 Агар орангизда бирор киши азоб-уқубат чекаётган бўлса, ибодат қилсин. Агар биров кўтаринки руҳда бўлса, ҳамду-санолар куйласин.

Сано 33:18 Ҳақлар фарёд этгач, Худованд эшитар. Барча дардларидан уларни халос этар.

Хавотирланишнинг илдизи

Маълум бир нарсалар борки, улар жонимизга қаршилиқ қилади ва азоб беради.

- Ота-она билан мураккаб муносабатлар

Ота-она билан мураккаб муносабатлар боланинг жонини шикастлаши мумкин ҳамда ҳозир ва келажакда бўладиган ташвишлар билан хавотирларни туғдириши мумкин.

Эфесликларга 6:4 Эй оталар, сизлар ўз болаларингизнинг ғашини келтирманглар, аммо уларни Раббийнинг тартиб-интизомида ва насиҳатида тарбияланглар.

➤ Ахлоқсизлик

Ахлоқсизлик жонга зиён етказди ва ахлоқсизларнинг ўзларига ҳамда уларнинг атрофларидаги одамларга ташвиш келтиради.

Ҳикматлар 6:32-34 Ким агар аёл билан зино қилса, унинг ақли йўқ; Ким шундай қилса, ўз жонини ҳалок қилади. У дўппослар, калтаклар ейди ва унинг обрўсизлиги ўчирилмайди. Чунки рашк - эрнинг жаҳлидир ва у қасос кунда шафқат қилмайди.

➤ Танавий хирслар

Танавий хирслар – жоннинг душманларидир.

Петъор 2:11 Эй севганларим, сизлардан ўтиниб сўрайман, жонга қарши курашадиган нафс эҳтиросларидан сақланинглар. Чунки сиз бу дунёда ғарибу-мусофирларсиз.

➤ Тананинг ишлари

Тана ишлари жонни касал қилади

Галатияликларга 5:19-21 Тана изми бўйича қилинаётган ишлар маълум – булар: зино, фоҳишабозлик, нопоклик, ахлоқсизлик, бутпарастлик, сеҳргарлик, душманлик, жанжал, нафрат, ғазаб, низо, ихтилофчилик, бидъат, ҳасад, қотиллик, ичкиликбозлик, айшишрат ва шуларга ўхшаган ишлардир. Сизларни олдин огоҳлантирганидек, яна огоҳлантиряпман: бундай ишларни қилувчилар Худонинг Шоҳлигига меросхўр бўлмайдилар.

ЖОН УЧУН ШИФО БОРМИ?

Асосий ваъда

Азоб чекувчи жонга ёрдам берувчилар учун ваъда бор.

Ишаъё 58:10,11 Очга жонингни берганинга ва азобланганининг жонини суғорганинга - шунда сенинг нурига зулматда кўринади ва сенинг зулматинг кундузга айланади. Раббий доимо сенинг Йўлбошловчинг бўлади ва қурғоқчилик вақтида жонингни тўйдирди ҳамда суяқларингни семиртиради, ва сен сув билан суғорилган боғ каби ва суви ҳеч қачон тугамайдиган булоқдек бўласан.

Юраги шикасталарни шифоланг

Худо Ўзининг одамларини юраги шикасталарни шифолашлари учун юборди.

Луқо 4:18 “Худованднинг Руҳи Менинг устимда, чунки қашшоқларга хушабабарни эълон қилиш учун, дили эзилганларга шифо бериш, асирларга халос бўлишларини, кўзларга кўзлари очилишини воизлик қилиш учун, азоб чекканларни озодликка чиқариш учун, Худованднинг илтифот йилини воизлик қилиш учун У Мени мойлаб юборди”.

Довуд ўз жонининг шифоланиши учун ибодат қилган эди.

Сано 40:5 Мен Худовандга дедим: менга меҳрибонлик қилгин, дардимга даво бергин; мен Сенга қарши гуноҳ қилдим.

Сано 6:1-11 Эй Худованд, қаҳринг келиб, таъзимни бермагин, ғазабинг ила мени жазоламагин! Менга меҳрибонлик қилгин, ё Раббим, чунки мен бемажолман. Менга шифо бергин, эй Худовандим, чунки устихонларимни титроқ босди. Жон-танамни ваҳима қамрамоқда, Сенчи эй Худовандим қачонгача? Қайтгин, эй Тангрим, жонимни қутқар, лутфинг шарафи учун халос қил мени! Ўлим диёрида Сени ёдламаслар, Тамўғда ким шукрона айтар Сенга? Мен оҳ-зор қилавериб ғоятда чарчадим. Ҳар кеча кўрпам нам бўлади, кўз ёшим-ла ҳўллайман тўшагим. Кўзим нури қайғудан адо бўлди. Ёву ағёр мадоримни тамом қилди. Эй сизлар, ҳамма бадкирдорлар, йўқолинглар менинг кўз олдимдан! Худованд эшитди менинг оҳу ноламни, Худовандим эшитди муножотимни. Ҳа, ибодатимни Худовандим қабул этади. Барча душманларим шарманда бўлсин, қаттиқ саросимага тушсинлар! Бир лаҳзада қайтиб, шувут бўлсинлар!

Сано 22:1-3 Худованд – Чўпоним менинг, мен муҳтожлик кўрмасман асло. У мени ям-яшил яйловларда ётқизар, оромбахш сувлар бўйлаб етаклаб борар. Жонимга у тетиклик киритар. Ўз номи учун мени тўғри йўлга бошлар.

Исо барчани шифолайди

Исо ҳар қандай заифликни шифолар эди.

Матто 4:23-24 Исо бутун Жалилани айланиб чиқди. У у юртнинг ибодатхоналарида таълим бериб, Худонинг Шохлиги тўғрисидаги хушхабарни эълон қилиб, одамлардаги ҳар турли касаллик ва дармонсизликни шифолаб юрди. У ҳақдаги хабар бутун Сурияга ёйилди. Турли-туман дарду иллатлардан қийналиб юрганлар, жинга чалинганлар, тутқаноқ ва шол касаллигига йўлиққанларнинг ҳаммасини Исонинг олдига келтиришар, У эса уларни соғайтирар эди.

ЖОНИМИЗНИ ШИФОЛАНИШИНИНГ ЙЎЛИ

Ором - тикланиш

Бизлар ором орқали шифо олишимиз ва тикланишимиз мумкин.

Матто 11:28-29 Эй оғир юк остида қийналиб, ҳориб-толган ҳаммаларингиз! Менинг хузуримга келинг, Мен сизларга ором бераман. Менинг бўйинтуруғимга ўзингизни кўшинг ва Мендан ўрганинглар. Чунки Мен беозор ва соддадилман. Шундай қилиб, жонларингиз таскин топар.

Ибронийликларга 4:1-3 Худонинг фароғат диёрига кириш ҳақидаги илоҳий ваъда ҳали ҳам мавжуд экан, мабодо сизлардан

бирор киши фурсатни қўлдан бермасин, деб хавотирланамиз. Чунки ўтмишдош каби бизлар ҳам Хушхабарни олдик. Аммо улар эшитган сўзларини имон билан қабул қилмагани учун фойдаси бўлмади. Фақат биз, имонлилар, у фароғат диёрига кирамиз. Худо: “Ғазабланганимда онт ичдимки, улар Менинг фароғатимга кирмаслар,” - деб айтган. Ҳолбуки, дунё яратилганданоқ Худо тақдир этган ҳамма ишлар тамом бўлиб турибди.

Бизлар Унинг оромига кирамиз ва уни имон билан оламиз.

Кечириш орқали

Бизлар кечириш орқали жонимизга шифо олишимиз мумкин.

Матто 18:20-22 Қаерда икки ёки уч киши Менинг номим учун йиғилса, Мен шу ерда уларнинг ўртасида бўламан. Шу вақтда келиб, Исога: “Раббим - деди, агар биродарим менга қарши гуноҳ қилса, мен неча марта уни кечирайин? Етти марта кечсам етарми?” Исо унга деди: “Сенга етти марта эмас, балки етмиш карра етти марта, деяпман.”

Эфесликларга 4:32 Бир-бирингизга кўнгилчан ва меҳр-шафқатли бўлинглар. Худо сизларни Масих ҳақи кечиргани каби, сизлар ҳам бир-бирингизни кечиринглар.

Матто 5:23-24 Шундай қилиб, сен хайр-эҳсонингни қурбонгоҳга олиб келганимда, агар у ерда биродаринг сендан хафа экани ёдингга тушса, хайр-эҳсонингни у ерда, қурбонгоҳ олдида қолдир ва бориб, аввал биродаринг билан ярашгин. Шундан кейин келиб, хайр- эҳсонингни бажо келтир.

Унутиш орқали

Агар бирор кишига қарши нафратда бўлмасак, жонимиз учун шифо топишимиз мумкин.

Эфесликларга 4:26-27 Ғазабланиб, гуноҳ қилманглар. Қуёш ботгунча ғазабдан қайтинглар. Иблисга фурсат берманглар.

Филиппиликларга 3:13-14 Мен ўзимни муродимга етишганман деб ўйласам-да, фақат бир нарсанигина ўйлайман: орқамда қолганларни унутиб, олдимдагиларга кўз тикаман. Худо Исо Масих орқали мени олий мақсадга чорлади. Мен буни адо этиб, ғалаба гулчам-барини қўлга киритиш учун жон-жаҳдим билан ҳаракат қиламан.

БИЗНИНГ ЖОНИМИЗ, ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ТЎЛИҚ ШИФОЛАНИШИ МУМКИН?

Янгиланган ақл

Ўтмишдаги ҳаётимиз қанақа бўлган бўлмасин, Худонинг фарзанди тўлиқ янгиланиши мумкин.

Римликларга 12:1-2 Шундай қилиб, биродарларим, Худонинг шафқати билан сизлардан ўтинаманки: Худога тушунган ҳолда хизмат қилишингиз учун аъзойи баданларингизни тирик, муқаддас ва Худога маъқул бўладиган қурбонлик қилиб бағишланглар. Бу дунё билан тенглашманглар, балки онгингизни

янгилаш орқали тубдан ўзгаринглар, токи сизлар Худонинг яхши, маъқул ва комил иродаси нима эканилигини фаҳмлаб олинглар.

Масиҳийлар аввал таналарини Худога бағишлашлари керак.

Кейин улар ақлларининг янгиланиши орқали, жонларида ўзгаришлари керак. Бизнинг ақлимиз фақатгина Худонинг Сўзи билан янгиланиши мумкин.

➤ Ақлимиз Худонинг Сўзини ҳар куни ўқиш, ўрганиш ва фикр юритиш орқали янгиланади.

➤ Худонинг Сўзига тўлиб, мойланган ўқитувчи бўламиз. Муқаддас Рухнинг кучи билан, ўқитувчилик руҳий инъомида ҳаракат қилишимиз мумкин.

Хотима

Худога шараф! Инсоннинг жони учун шифо бор. Агар Худонинг олдига, ҳатто бузилган ақл билан ёки ҳиссиёт билан келсак ҳам, агарда Худонинг Сўзига содиқ бўлиб, Унинг сўзларини бажарсак, бизга шифо берилади.

САВОЛЛАР:

1. Инсоний жон нима?

2. Жоний муаммоларнинг (заифликларнинг) илдизи нима?

3. Жон учун қандай қилиб шифо олиш мумкинлиги ҳақида ёзинг.

18 Дарс

Шифо ва Муқаддас Рухнинг инъомлари

Кириш

Худо Ўз жамоатига 9та ҳар-хил инъомлар берди. Уларнинг баъзилари касалларнинг шифоланиши билан боғлиқдир. Агар касалларга шифо билан хизмат қилишни истасак, бизлар барчамиз ушбу инъомлар билан хизмат қилишни ўрганишимиз керак.

1Коринфликларга 12:1,7-10 Эй биродарлар, Муқаддас Рухнинг инъомлари ҳақида беҳабар қолишингизни истамайман. Муқаддас Рух умумий манфаат учун ҳар кимда алоҳида фаолият кўрсатади. Биров Рух илҳоми билан донолик сўзини айтади, бошқасига эса ўша Рух билимли гапиришни ато этади. Ўша Рух бировга имон кучи, бошқасига эса шифокорлик инъомларини бахш этади. Бировга мўъжизакорлик кучлари, бошқасига башоратгўйлик, яна бошқасига руҳларнинг фарқига бориш қобилияти насиб этади. Бирига турли тилларда гапириш, бошқасига бу тилларни таъбир қилиш илҳоми келади.

ШИФО ВА БИЛИМ СЎЗИ

Таърифи

Билим сўзи – бу Муқаддас Рухнинг нотабиий ваҳийидир. У ўтмишда бўлган ёки келажакда бўладиган ҳодиса ҳақида, инсон ёки вазият ҳақида билим беради. У табиий ақл орқали келмайди. Бу инъом Худодан ахборот олиб беради, уни табиий йўл орқали олиб бўлмайди.

Мисоллар

➤ Ҳанания

Ҳаворийлар 9:10-12 Дамашқ шаҳрида Ҳанания деган Исонинг шогирди бор эди. Раббимиз Исо ваҳийда унга кўришиб: **Эй Ҳанания! - деди. Лаббай, Раббий! – деди у. Раб унга деди: Ўрнингдан тур ва Тўғри деган кўчага бориб, Яҳудонинг уйидаги Тарс шаҳрилик Шоул исмли одамни сўрагин. Шу маҳалда у ибодат қиляпти. Ваҳийда Ҳанания исмли одам унинг ёнига келганини ва кўзлари очилиши учун қўлларини унинг бошига қўйганини кўрди.**

Ҳанания Шоулнинг олдига бориши кераклиги ҳақида ва Шоул кўришни бошлаши учун, унинг бошига қўлларини қўйиб ибодат қилиши кераклиги ҳақида ваҳий олди.

➤ Исо ва Самариялик аёл

Исо, Самариялик аёлнинг, олдин 5та эри бўлганини ва ҳозиргиси унинг эри эмаслигини билим сўзи орқали билган эди.

Юҳанно 4:18 Сенинг беш нафар эринг бўлган, ҳозиргиси ҳам эринг эмас.

Исо ўша аёлнинг ҳаёти ҳақидаги билимни, Худонинг Ўғли бўлгани сабабли олган эмас, балки, Муқаддас Рухнинг инъомлари билан ҳаракат қилгани учун олди.

➤ Петъор

Петъор, Худо уни маъжусийларга хизмат қилиши учун тайёрлаган вақтида билим сўзи олди.

Хаворийлар 10:19-21 Петъор эса ҳануз ваҳийни ўйлаб, мулоҳазага чўмиб ўтирарди. Муқаддас Рух унга: Мана уч киши сени изляпти. Ўрнингдан тургинда, пастга туш ва ҳеч шубҳа қилмасдан улар билан бирга боргил, чунки уларни Мен юбордим,” – деди. Петъор пастга тушиб, Корнилий томонидан юборилган одамларга: Сизлар излаётган одам мен бўламан. Нима юмуш билан бу ерга келдингизлар? – деди.

Петъор, Корнилий юборган 3 киши йўлда эканини билар эди. У улар билан саломлашиб, деди: “Сиз излаётган одам менман.”

Шифо учун билим сўзи

Хизматда Худо кўпинча, Ўзи шифолашни истаган маълум бир касаллик ҳақида билим сўзи беради.

Баъзида, бу бир киши учун, одатда эса кўплар учун бўлади. Билим сўзида касалликнинг номи, тананинг оғрийдиган жойи, ёки Худо шифолашни истаган тана аъзоларининг номи ҳам айтилиши мумкин.

БИЛИМ СЎЗИ ҚАНДАЙ КЕЛАДИ?

Хизмат вақтида билим сўзи турли тарзда келади. Шифолашни олиб боровчи инсон, тана аъзосининг ўша қисмида ноқулайлик ҳис қилиши мумкин.

- Бу ноқулайлик - санчилишга, сиқилишга ёки бошқа бир сезгига ўхшайди.
- Баъзида у енгил оғриқ билан сезилади.

Билим сўзи, касалликнинг таъриф этувчи сўз орқали, ёки фикр орқали келиши мумкин.

- Касалликнинг номи
- Оғрийдиган тана қисмининг номи

Билим сўзи, шифога муҳтож бўлган тана қисмини ваҳийда кўриш орқали ҳам келиши мумкин.

Касал киши кўрсатилди

Худо баъзида касал киши қаерда эканини ёки Ўзи шифолашни истаган кишини кўрсатади.

Яъни бинонинг бирор бир жойини, ёки залдаги қаторлардан бирини, ёки ҳаттоки ўриндиқлардан бирини ҳам кўрсатиши мумкин.

Бу диққатингизни маълум бир инсонга қаратувчи, Муқаддас Рухдан келадиган нур, иссиқлик ёки бошқа бир ҳиссиёт бўлиши ҳам мумкин.

Раббий баъзида инсоннинг исмини ёки бошқа бир хусусиятини кўрсатиши мумкин. Агар сиз, ушбу хусусиятларни баланд овозда айтсангиз ва у кимга тегишли бўлса, Муқаддас Рух ўша инсонга шифо бермоқчилигига амин бўласиз.

Озод қилинган имон

Муқаддас Рух билим сўзи орқали, маълум бир шифо ҳақида ваҳий берган вақтда, касал киши ушбу сўзлар унга тегишли эканини бирдан тан олса, имон ҳаракатга келиб, шифоланиш содир бўлади.

Шунга ўхшаш руҳларга қарши эҳтиётлик

Ушбу инъомга эга бўлган киши - душман руҳларнинг шунга овозларини эмас, ҳақиқатдан ҳам Худодан билим сўзини олиш учун эҳтиёт бўлиши керак.

Ҳар доим бу ишда, душман руҳлари борми ёки йўқми, буни билишнинг оддий усули мавжуд: хизматкор шифодан сўнг кимни улуғлаётганига қараш керак.

- Хизматкор инсонларнинг диққатини ўзига ва ўзининг имкониятларига қаратяптими?
- Одамлар томошабинга айланиб, “шоу”дан лаззатланиптиларми?
- Билим сўзи одамларнинг Худога имонларини юқорироқ даражага кўтарилишига олиб келяптими? Ёки хизматкорга ишонч кўтарилмоқдами?

Муқаддас Рух ҳеч қачон инсонни улуғламайди, У доимо Худони улуғлайди!

Олдинга чиқишни истанглар

Билим сўзи билан хизмат қилишни ўрганаётган киши Худодан асосий ваҳий олади ва шунинг учун у чиқиб Худодан олган сўзни дадиллик билан айтиши шарт.

- Агар бизлар ноҳақ бўлиб чиксак, аҳмоқ бўлиб кўринишга рози бўлишимиз керак.
- Омадсизликдан кўрқиб бизларни ушлаб турмаслиги керак.
- Бизлар Муқаддас Рухга сезгир бўлишимиз керак.
- Бизлар Худога бўйсунимиз керак. Худо бизларни имон билан чиқиб айтишимизни ва У шу орқали улуғланишни истайди.

ШИФОЛАШ ВА РУҲЛАРНИ ФАРҚЛАШ

Таърифи

Рухларни фарқлаш бу рухий(кўринмас) дунёга нотабиий назар ташлашдир.

Бу инъом – инсонни қийнаётган, унинг ҳаётини ўраб турган руҳни ёки руҳларни очиб беради. Буни бизлар ўзимизнинг руҳимизда биламиз.

Бу вахий бизларга, азобнинг илдизи ҳақида, унинг хусусияти ҳақида ва ҳар қандай руҳнинг ишлари ҳақида ахборот беради.

3 хил руҳ мавжуд. Уларни ушбу инъом орқали фарқлашимиз мумкин.

- Худонинг ёки Унинг фаришталарининг руҳи
- Инсоний руҳ
- Шайтон ёки ёвуз руҳлар

Касаллик руҳи

Кўпинча касаллик руҳи(жин), инсондаги касалликнинг ёки заифликнинг илдизи ҳисобланади. Масалан: рак руҳи, артрит руҳи, хафалик руҳи ёки ғамгинлик руҳи.

Рухларни фарқлаш инъоми ёрдамида, Муқаддас Рух муаммони очишни бошлайди ёки унинг аниқ илдизини кўрсатади ва инсон озод бўлиши ёки шифоланиши мумкин.

Луқо 11:20 Агарда Мен Худонинг бармоғи билан жинларни қувиб чиқараётган бўлсам, унда албатта Худонинг Шохлиги сизларга етиб келди.

Инъом қандай қилиб ҳаракат қилади

Инсон Муқаддас Рух томонидан бошқарилганида руҳларни фарқлаш инъоми- муаммоларнинг илдизи бўлмиш касаллик руҳининг исмини очиб берувчи фикр ёки таассурот шаклида келади.

Ёвуз руҳни Исо номи билан қувиб юборинг ва инсон шифо топади.

Матто 9:32-33 У кишилар энди чиқиб бораётганда, жин қул қилган бир соқовни Исонинг олдига келтиришди. Исо жинни қувиб чиқаргандан кейин, соқов гапира бошлади. Халқ эса хайратда қолиб: **Исроилда бундай ҳодиса ҳеч қачон содир бўлган эмас, - деди.**

Рухий дунёда ҳаракат қилиш учун ва рухий жангни ўта муваффақиятли олиб бориш учун, бизлар тушунган ҳолда ўзимизни руҳларни фарқлаш инъомига топширишимиз керак. Муқаддас Рух бизларни бошқаради ва бизларга куч беради.

ШИФО ВА ИМОН ИНЪОМИ

Таърифи

Имон инъоми бу маълум бир вақтда ва маълум бир мақсад билан берилган нотабий ишонишдир. Бу қандай вазиятда бўлишингиздан қатъий назар ҳар қандай вазиятда маълум бир вазифани бажариш учун бериладиган куч инъомидир.

Нотабий

Имон инъоми нотабий тарзда келади; хизмат қилувчи инсон ўзи томонидан бирор бир куч ишлатиши керак бўлмайди.

- Бу имон - ҳар бир имонлига бериладиган имон миқдори эмас.
- Бу имон - Худонинг Сўзини эшитиш орқали келадиган имон эмас.
- Бу имон – нотабий тарзда, бирор бир мўъжиза учун керак бўлган вақтда, Муқаддас Рухдан келади.

➤ Мўъжизалар билан

Баъзан, имон инъоми яратиш мўъжизаси содир бўлиши лозим бўлганида берилади. Хизматни олиб бораётган инсон бирданига ўзининг руҳида қандай қилиб тананинг етишмайдиган аъзоси тикланганини кўради, донолик сўзининг руҳий инъоми ҳам шундай ишлайди.

➤ Донолик билан

Донолик сўзи – бу Муқаддас Рухдан келган нотабий ваҳийдир. Бу ваҳий имонлига, табий ва нотабий билимга асосланган ҳаракатларни давом эттириш учун Худонинг донолигини беради.

Донолик сўзининг ҳаракати орқали бизлар шифо қандай содир бўлишини кўрамиз. Сўнгра, имон инъоми ишлашни бошлайди ва бизлар дадиллик билан руҳий дунёда кўрганимизни гапиришни ва шунга биноан ҳаракат қилишни бошлаймиз. Шундай қилганимиздан сўнг, буюк мўъжизалар содир бўлади.

Масалан:

Ҳаворийлар 3:6 Петъор унга: Менда кумуш ва олтин йўк, аммо ўзимда борини сенга бераман: Носиралик Исо Масих номидан сенга айтаман, ўрнингдан туриб юр!

ШИФО ВА ШИФОЛАШ ИНЪОМЛАРИ

Таърифи

Шифолаш инъомлари – бу Худонинг шифолаш кучини шифога муҳтож бўлган одамларга киритишдир.

Улар ҳақида кўплик шахсида айтилади, чунки касалларга шифони турли тарзда киритиш ёки келтириш мумкин. Шифони қабул қилувчи инсон, шифолаш инъомларини қабул қилган ҳисобланади. Бу Муқаддас Рухнинг нотабий намоён бўлишидир ва бу тиббиётга ўхшамайди.

Ҳаракат

Инъомлар - фақат маълум бир тоифадаги имонлилар учун, ёки фақат уларнинг хизматлари учун берилмаган.

- Ушбу инъомлар Рухга тўлган ҳар қандай имонли орқали ҳаракат қилиши мумкин.

➤ Барча имонлилар шунчаки Исонинг ишларини қилаётганлар сифатида ва Исодек Муқаддас Рух томонидан мойланган ҳолда бу инъомларда ҳаракат қилишлари лозим.

➤ Имонлилар Худога бўйсунушлари ва қўлларини касалларга қўйиб ибодат қилишлари керак. Бизлар ўзимизнинг вазифамизни бажарсак, Худо ҳам Ўз вазифасини бажаради.

Шифолаш инъомлари намоён бўлади ва касаллар шифоланишади!

Хотима

Муқаддас Рухнинг инъомлари масихийга куч беради. Ушбу куч бизларга, унга муҳтож бўлганларга элтиш учун берилади. Бизлар Худо бизни ишлатишини билишимиз ва шунга тайёр бўлишимиз керак. Унинг Рухига бўйсунушимиз керак.

САВОЛЛАР:

1. Билим сўзининг шифолашга қандай тааллуқлилигини тушунтиринг.
2. Касаллар учун ибодат қилиш вақтида руҳларни фарқлаш қандай ёрдам беради?
3. Шифолаш ва мўъжиза яратиш хизмати вақтида, донолик сўзи ва имон инъоми нималар қилишини тушунтиринг.

19 Дарс

Шифоимизни қандай қилиб сақлаб қолишимиз мумкин?

“Фақат эга бўлганингизни, токи келгунимча, ушлаб туринглар” (Вахий 2:25)

СОҒЛИГИНГИЗ ДУШМАНИНИ БИЛИБ ОЛИНГ

Шайтон

Шайтон қароқчи ва ўғридир.

Юҳанно 10:10 Ўғри фақат ўғирлаш, бўғизлаш, барбод қилиш учун келади. Мен эса уларга ҳаёт, фаровон ҳаёт бериш учун келганман.

Шайтон бўкирувчи шердек, барбод қилиш учун излаб келади.

1 Петъор 5:8-9 Хушёр ва бедор бўлинглар. Душманингиз иблис бировни ютиб юбориш учун излаб, шердай бўкириб, кезиб юрибди. Дунёнинг ҳар ёғидаги биродарларингиз, худди шундай азобларга дучор бўлаётганларини билиб, мустаҳкам имон билан иблисга қарши туринглар.

Шайтон - танамизнинг, жонимизнинг ва руҳимизнинг душманидир. Бизлар уни аниқлаб, режасини тушуниб олиб, киришимиз керак ва уни доимо мағлубиятда ушлаб туришимиз керак.

ҲУШЁР ТУРИНГ ВА ҲАР БИР ЖАНГНИ ЮТИШГА ТАЙЁР БЎЛИНГ

Руҳий қуролланиш

Бизлар доимо хушёр бўлишимиз, руҳий қуролларимиз билан қуролланган ҳолда, ҳар бир жангни ютишга тайёр туришимиз керак. Буюк жангчи, Ҳаворий Повул бизларга руҳий қуролларни назарда тутиб ёзган:

Эфесликларга 6:10-17 Ниҳоят, менинг биродарларим, Раббийда ва Унинг қудратининг қувватида кучли бўлинглар. Иблиснинг хийлаларига қарши тура олишингиз учун Худонинг ҳамма қурол-аслаҳаларига бурканинглар, чунки бизнинг жангимиз қону танага қарши эмас, балки бу дунёдаги зулматни бошқарадиган бошлиқларга, ҳокимлару ҳокимиятларга ва самовий оламдаги ёвузлик руҳларига қаршидир. Шунинг учун сизлар ёвуз кунда қаршилиқ кўрсата олишингиз учун Худонинг ҳамма қурол-аслаҳаларини қабул қилинглар, токи ҳамма нарсани бажариб, тура олинглар. Шундай қилиб, ўрнингиздан туринглар, белингизни ҳақиқат камари билан боғланглар, ҳақлик совутига бурканинглар, тинчлик Хушхабарини ёйиш учун оёғингизга тайёрликни кийинглар. Бунинг устига имон қалқонини олинглар, у билан ёвузнинг ҳамма қиздирилган ўқларини ўчира оласизлар. Шунингдек нажот дубулғасини ва Худонинг сўзи бўлган Руҳнинг қиличини олинглар.

Қиздирилган камон ўқлари

Шайтон оғриқнинг, касаллик белгиларининг ва шубҳаланишнинг салбий фикрлари бўлмиш қиздирилган ўқларни ишлатиб, бизнинг соғлигимизни ўғирлашга уринади.

Эфесликларга 6:16 Бунинг устига имон қалқонини олинглар, у билан ёвузнинг ҳамма қиздирилган ўқларини ўчира оласизлар.

Шайтоннинг хужумларига қаршилик кўрсатишимиз учун, бизга имон қалқони берилган. Агарда имонни ишлатсак, азоблар, касаллик белгилари ва шубҳали фикрлар бизларни барбод қила олмайди.

Салбий фикрлар

Бизлар фикрларимизни назорат қилишимиз ва ақлимизга шубҳанинг киришига йўл қўймаслигимиз лозим. Бунинг ягона йўли – кўзимизни доимо Исога тикишимиздир.

Матто 14:27-31 Лекин Исо шу заҳоти улар билвн мулоқотга кириб: -Дадил бўлинглар, бу Мен, кўркманглар!- деди. Петъор гапга кириб: Эй Раббим, агар бу Сен бўлсанг, менга буйруқ бер, мен сув устида юриб, Сенинг ёнинга борай, -деди. Исо: Кел! - деди. Петъор эса чиқиб, сув устидан юрганча Исонинг ёнига йўл олди. Лекин кучли шамолни кўриб, ўтакаси ёрилди. У чўка бошлагач: Эй Раббим, мени қутқар! – деб, бақирди. Исо ўша заҳоти қўлини узатиб, Уни ушлаб қолди-да: ха имони суст, нега сен иккиландинг деди.

Агар бизнинг ҳиссиётимиз, кўркув ёки ёмон ходисалар, бошқа инсонларнинг сўзлари бизларга таъсир кўрсатса, бизлар чўкиб кетамиз.

Хавотирланиш

Хавотирланиш – имоннинг тескарисидир. Инсон бир вақтнинг ўзида, ҳам хавотирда, ҳам имонда юра олмайди! Хавотирланиш бу гуноҳ. Хавотирланиш бу – Худонинг Сўзи ҳақиқат эмаслигига ишонишдир.

Луқо 12:22, 29 Исо шогирдларига яна деди: Бинобарин, сизларга айтаманки, нима еймиз, деб жонингиз учун, нима киямиз, деб танангиз учун ташвишланиб юрманглар. Нима еймиз, нима ичамиз, деб қайғуриб юриб, безовта бўлманглар.

Қарши фикрларни инкор этинг

Бизларни заифликлар ва касалликлар ҳақидаги фикрлар (қиздирилган ўқ каби) хужум қилишни бошлаганидаёқ, бизлар олдиндан билиб, уларни инкор этишимиз ва барбод қилишимиз керак.

2Коринфликларга 10:3-5 Бизнинг ҳаётимиз бандалик бўлса ҳам, башарий куч билан жанг қилмаяпмиз. Бизнинг жангдаги қурол-аслаҳамиз ба-шарий эмас. Балки қалъаларни яксон қилиш қудратига эга бўлган руҳий аслаҳалардир. Биз Худонинг қудрати билан сафсаталарни барҳам берамиз. Худо билимига қарши бош кўтарган ҳар қандай баланд иддаони қурутиб юборамиз. Ҳар қандай фикрни Масихга бўйсундириб, асир қиламиз.

Бизлар доимо фикрларимизни кўриқлашимиз ва уларни Масихнинг фикрлашига мос равишда, Унинг Сўзида бизнинг шифоланишимиз ва соғлигимиз ҳақида айтилган сўзларга итоатда сақлашимиз керак.

Хотима

Бу -бизлар Худонинг Сўзига мос келмайдиган фикрларни ёки қандайдир ҳодисаларни инкор этишимиз учун, ақлимиз интизомли бўлиши кераклигини билдиради. Бизлар заифлик келтирувчи фикрларни, масалан: “Мен жуда қаттиқ грипп бўлдим”,- каби фикрларни инкор этишимиз шарт. Акс ҳолда, бу шайтонга, бизни шу йўналишда мағлуб қилиши учун эшик очиб беради. Бизлар шайтоннинг режаларини олдиндан кутсак ва улардан эҳтиёт бўлсак, ўз соғлигимизни сақлаб қоламиз.

ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ШАЙТОН БИЛАН КУРАШИШ ВА СОҒЛИҚНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ МУМКИН!

Барча қуролларни ушлаб туринг

Имон қалқонини маҳкам ушланг, ҳамда шайтоннинг қиздирилган шубҳа ва имонсизлик ўқларини ўчиришга тайёр бўлинг.

Худонинг иродаси шифолаш эканини билинг

Худо, сизни шифоланган бўлишингизни ва Унинг илоҳий соғлигида яшашингизни исташини билинг.

Хаворийлар 10:38 Носира шахридан чиққан Исони Худо юборди. Худонинг Ўзи Исо бўлган бирга бўлгани учун, У Муқаддас Рух ва қудратга тўлган ҳолда эзгулик қилар, иблиснинг золим ҳукми остида қийналиб юрганларнинг ҳаммасини соғайтирар эди.

ЗЮҳанно 1:2 Маҳбубим, сенинг жонинг муваффақиятли бўлганидек, яна ҳар жиҳатдан муваффақиятли ва соғ-саломат бўлишингни тилайман.

Имонни маҳкам ушланг

Бизлар ўзимиз эътироф этган имонимизни маҳкам ушлашимиз шарт. Бизлар эътироф қилганимизга кўра яшаймиз, ҳаракат қиламиз ва гапирамиз.

Ибронийларга 4:14 Бизнинг улуғ Олий руҳонийимиз, яъни Арши Аълогача ўтиб борган Худонинг Ўғли Исо бор экан, тан олган эътиқодимизни маҳкам тутайлик.

Римликларга 10:6-10 Имондан бўлган ҳақлик эса шундай демокда: «Ўз юрагингда айтма: Ким осмонга чиқар экан?» (яъни Масихни пастга тушириш учун); ёки ким тубсизликка тушар экан? (яъни Масихни ўликлардан чиқариш учун). Аммо Ёвуз нима демокда? «Сўз сенга яқиндир, сенинг оғзингда ва сенинг юрагингдадир», яъни бу биз воизлик қилаётган имон сўзидир. Шундай қилиб, агар сен Исони Раббим деб, ўз оғзинг билан эътироф этсанг ва Худо Уни ўликлардан тирилтирганига ўз юрагинг билан ишонсанг, нажот

топасан. Чунки инсон хақликка эришиш учун юраги билан ишонади ва нажот топиш учун оғзи билан эътироф этади.

Бизлар эҳтиёт бўлишимиз ва тилимиз енгилтак сўзлар билан гувоҳлигимизни барбод қилишига йўл қўймаслигимиз керак.

Худонинг Сўзини айтинг

Агар касалликнинг асорати ёмонлашса ҳам, Худонинг Сўзига ишонишдан ва Уни эътироф этишдан тўхтаманг.

Йўэл 3:10 “... заиф: “мен кучлиман” деб айтсин.”

2Коринфликларга 4:13 Саноларда: “Ишонганим учун гапирдим”, - деб ёзилган. Биз худди шу имоннинг руҳига эгамиз ва ишонганимиз учун гапирамиз.

Хотима

Бошида бу нарса ғалати ва қийин туюлади, лекин, агар бизлар ўзимизни Сўз айтишга ва шубҳаланмасликка ўргатсак – Масихда бўлган ғалабамизда яшаймиз!

ҲАЁТИНГИЗГА ГУНОҲНИ ЙЎЛАТМАНГ ВА ШАЙТОНГА ЎРИН БЕРМАНГ

Гуноҳ қилишни тўхтатинг

38 йил давомида заифлик руҳи остида бўлган касал кишини Исо, Байтсаида кўлида шифолаганидан сўнг, У муҳим бўлган сўзларни айтиш учун ўша инсоннинг ёнига келди.

Юҳанно 5:14 Кейинроқ Исо у одамни маъбадда учратиб қолди. Мана, сен соғайдинг. Энди бошқа гуноҳ қилма, тагин бошингга янада ёмон кун келмасин, - деди унга.

Агар бизларда, тавба қилиб эътироф қилинмаган гуноҳимиз бўлса, шайтонга, у бизнинг шифоланишимизни ўғирлаши учун ўрин беряпмиз.

Эфесликларга 4:27 “Ва иблисга ўрин берманглар.”

Рухларга ўрин берманг

Касаллик руҳлари доимо мақсадга эга, бу уйга қайтишдир.

Матто 12:43-45 Ёвуз руҳ инсондан чиқиб кетганидан сўнг, роҳат излаб, сувсиз ерларни айланади ва тополмагач: “Мен чиққан уйимга қайтиб бораман”, - дейди. У уйга келгач уни кимсасиз, супурилган ва йиғиштирилган ҳолда топади. Ўшанда бориб ўзидан ёвузроқ яна етгита руҳни ўзига эргаштиради ва уйга кириб яшайдилар. У одамнинг сўнгги аҳволи эса аввалгидан баттар бўлади. Бу ёмон насл билан ҳам шундай бўлади.

Уйингиз тўлиқ бўлсин

Бизнинг уйимиз тўла бўлиши керак:

➤ Исо билан

Вахий 3:20 Мана, Мен эшик олдида туриб, тақиллатяпман. Кимда-ким овозимни эшитиб эшикни очса, Мен унинг ёнига кирман; Мен у билан, у Мен билан кечки овқатни бахам кўрамиз.

➤ Муқаддас Рух билан

1Коринфликларга 3:14 Кимда-кимнинг бунёд этган иши оловга бардош берса, у мукофот олади.

➤ Худонинг Сўзи билан

Юҳанно 15:7 Агар сиз Мен билан алоқада бўлиб, сўзларимни қалбларингизга жо қилсангизлар, истаганингизни сўранглар, эришасизлар.

➤ Имон билан

1Юҳанно 5:4 Чунки Худонинг ҳар бир фарзанди дунёни енгади. Мана шу бизнинг имонимиз дунё устидан ғолиб чиқди.

Худонинг мукамал табиати гуноҳга чидай олмайди. Агар, ҳаётимизда гуноҳ бўлишига йўл қўйишда давом этсак, бизлар шайтонга эшик очиб берган бўламиз ва у шу орқали бизнинг соғлигимизни, ҳамда ақлимиздаги тинчлигимизни ўғирлайди.

БИЗЛАР ҒОЛИБЛАРДАН ҲАМ КАТТАРОҚЛИГИМИЗНИ БИЛИШИМИЗ ШАРТ!

Римликларга 8:37-39 Аммо севганнинг соясида буларнинг ҳаммаси устидан улкан ғалаба қозонамиз. Мен аминманки, на ўлим, ва на ҳаёт, на фаришталар ва на жинлар, на ҳозирги ва келгуси ҳодисалар, на баландликлар ва на чуқурликлар ҳамда яратилган бошқа бирон мавжудот Раббимиз Исо Масих шахсидаги Худо севгисидан бизни жудо қилишга қодир эмас.

Вазиятлар, ҳар қандай жинлар ёки бошқа инсонлар, бизларни Худонинг севгисидан ажрата олмайди. Буни фақат ўзимиз қила оламиз. Аммо Масихда кимлигимизни билган ҳолда бизлар имонга эга бўлишимиз мумкин ва соғлом юришимиз мумкин.

Хотима

Худонинг одамлар учун режаси бу инсонларнинг шифоланган бўлишлари ва шифоларини сақлаб қолишларидир. Бизлар буни тушунишимиз ва Худонинг руҳий жанги ва имони режасига эргашишимиз керак. Бизлар тана ва руҳнинг илоҳий соғлигида яшашимиз керак!
Худога шараф!

Саволлар:

1. Шайтон қарши фикрлар ёрдамида, қандай қилиб бизнинг шифоимизни ва соғлигимизни ўғирламоқчи?
2. Шайтон танамизга касаллик асоратларини қайтадан жойлаштиришга уринганида, нима учун тўғри сўзлар айтиш муҳим?
3. Шайтон соғлигингизни ўғирлашга яна бир бора уринганида, “ғолиблардан каттароқ” бўлиб қолишингиз учун ҳаракатингизнинг режасини ёзинг.